

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
Исаков Жанабай Якыпбаевич
Абдуллаев Уткур Азимович
Алимардонов Илхом Музрабшохович
Абраев Нормурод Каримович**

**ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ
ВА
ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

Дарслик

Магистратура мутахасислиги: 5А 230701 – “Банк иши (фаолият
турлари бўйича)”
5А 230702 - Банк ҳисоби ва аудит

ТОШКЕНТ-2018

**Т.И. Бобакулов, Ж.Я. Исаков, У.А. Абдуллаев, И.М. Алимардонов,
Н.К. Абраев**

Дарсликда халқаро валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий назарий ва амалий масалалари ўз аксини топган. Хусусан, валюта операцияларини амалга ошириш асослари, банклараро вакиллик муносабатларини ўрнатиш тартиби, тижорат банкларининг спот операциялари, муддатли ва своп операциялари, Марказий банкларнинг валюта операциялари, валюта rischi ва уни бошқариш, валюта операцияларини тартибга солиш ва назорат қилиш, халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш механизмларининг моҳияти очиқ берилган.

Шунингдек, Дарсликда халқаро умумлаштирилган қоидаларга киритилган сўнги ўзгаришлар, миллий валюта қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топган.

Дарсликдан “Пул кредит ва банклар”, “Халқаро валюта-кредит муносабатлари”, “Банк иши” фанларини ўрганишда фойдаланиш тавсия этилади.

Ушбу Дарслик Магистратура таълим йўналишининг “Банк иши” ва “Банк ҳисоби ва аудит” мутахассислигида таълим олаётган магистрантларга мўлжалланган.

Такризчилар:

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети “Банк иши” кафедраси
муdiri, иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Ф. Н. Насриддинов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси “Молия” кафедрасининг
муdiri, иқтисод фанлари номзоди

Ф.У. Додиев

МУНДАРИЖА

Кириш

1-БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1-боб. Халқаро валюта операцияларини ташкил қилиш ва банклараро вакиллик муносабатларини ўрнатиш тартиби

1.1. Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

1.2. Банклараро вакиллик муносабатлари: мазмуни, зарурлиги, турлари ва ўрнатиш тартиби

Назорат учун саволлар

2-боб. Тижорат банклари валюта операцияларининг мазмуни ва туркумланиши

2.1. Тижорат банклари валюта операцияларининг зарурлиги ва туркумланиши

2.2. Тижорат банкларининг спот операциялари

2.3. Тижорат банкларининг муддатли валюта операциялари

2.4. Тижорат банкларининг своп операциялари

Назорат учун саволлар

3-боб. Марказий банкнинг валюта операциялари: турлари ва амалга ошириш механизми

3.1. Марказий банкнинг валюта операциялари ва уларни ташкил қилиш асослари

3.2. Марказий банк валюта операцияларининг турлари ва амалга ошириш механизми

Назорат учун саволлар

4-боб. Валюта rischi ва уни бошқариш усуллари

4.1. “Валюта rischi” тушунчаси ва уни юзага келтирувчи сабаблари

4.2. Валюта riskининг даражасига таъсир қилувчи омиллар

4.4. Валюта riskини бошқариш усуллари

Назорат учун саволлар

5-боб. Валюта операцияларини тартибга солиш ва назорат қилиш

5.1. Валюта операцияларини тартибга солиш

5.2. Валюта операцияларини назорат қилиш

Назорат учун саволлар

2-БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6-боб. Халқаро ҳисоб-китоблар ва уларни ташкил қилиш асослари

6.1. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

6.2. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари

6.3. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари туркумлаш мезонлари

Назорат учун саволлар

7-боб. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва улардан фойдаланиш механизми

7.1. Тўлов топшириқномалари (банк узатмалари) воситасида амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар

7.2. Чеклар воситасида амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар

7.3. Хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар

7.4. Инкассо бўйича амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоблар

Назорат учун саволлар

Тест саволлари

Глоссарий

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

“Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар” фани олий таълимнинг магистратура йўналишида ўқитиладиган “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” фанининг мантикий давомидир.

Халқаро валюта операциялари ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Экспорт-импорт операциялари, халқаро ссуда ва тадбиркорлик капиталларининг ҳаракатини, давлатлараро сиёсий, ҳарбий ва маданий алоқаларни валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китобларсиз амалга оширишнинг имкони йўқ. Бунинг устига, сўнгги йилларда халқаро валюта операцияларини амалга ошириш ва халқаро ҳисоб-китоблар амалиётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича 1930 йилдан буён амал қилиб келаётган Халқаро умумлаштирилган қоидалар (UCP 500) ўрнига унинг янги, такомиллашган варианты - UCP 600 халқаро амалиётга жорий қилинди. Бундан ташқари, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози валютавий деривативлар билан амалга оширилаётган операцияларни назорат қилиш механизмини яратишнинг зарурлигини кўрсатди.

Бунинг устига, халқаро захира валюталарнинг эркин сузиш режимига эга эканлиги, жаҳон иқтисодиётидаги беқарорлик шароитида, уларнинг номинал алмашув курсини сезиларли даражада тебранишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, АҚШ давлат қарзининг нисбатан катта эканлиги, савдо балансида катта миқдордаги дефицитнинг мавжудлиги, давлат бюджети дефицитининг катта эканлиги Федерал захира тизими томонидан амалга оширилаётган қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курсини сезиларли даражада катта диапазонларда тебранишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, “евроҳудуд”даги қарз муаммолари, Греция, Испания, Италия, Португалиядаги оғир молиявий ҳолатлар, пировард натижада, евронинг номинал алмашув курсининг тебранишларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар “Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар” фанини ўрганишга қўйиладиган талабларни кучайтириш заруриятини юзага келтиради.

Мазкур дарсликда халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китобларга оид муҳим назарий ва амалий масалалар ўз ифодасини топган. Жумладан, валюта операцияларини амалга ошириш асослари, тижорат банклари ва Марказий банкларнинг валюта операциялари, валюта rischi, валюта

операцияларини тартибга солиш ва назорат қилиш, халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётининг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Ушбу дарсликни ёзишда хорижий давлатлар тажрибасидан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг таклиф ва тавсияларидан кенг фойдаланилган.

1-БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1-БОБ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БАНКЛАРАРО ВАКИЛЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ

1.1. Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

Халқаро валюта операциялари деганда валюталар ва валютавий қимматликларни сотиб олиш ва сотиш операциялари тушунилади.

Халқаро валюта операцияларида ташқи конвертирликка эга бўлган ва жаҳон валюта бозорларида доимий олди-сотди қилинадиган валюталар иштирок этади. Ҳозирги даврда жаҳон валюта бозорларидаги конверсион операцияларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми саккизта етакчи валютада амалга оширилмоқда. Булар – АҚШ доллари (USD), евро (EUR), Япония иени (JPY), Буюк Британия фунт стерлинги (GBP), Швейцария франки (CHF), Канада доллари (CAD), Австралия доллари (AUD), Хитой юани (CNY).

Ушбу валюталардан 5 таси Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан бериладиган халқаро резерв валюта (reserve currency) мақомига эга: АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги, Хитой юани.

ХВФ экспертларининг тавсиясига кўра, валюта халқаро резерв валюта мақомига эга бўлиши учун қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак¹:

1. Резерв валютанинг эмитенти бўлган мамлакат ХВФда катта захира позициясига эга бўлиши лозим.

2. Ушбу валютада давлатларнинг расмий халқаро валюта захираларининг номинали акс этиши керак.

3. ХВФ томонидан ушбу валютада кредитлар берилиши лозим.

4. Резерв валюта халқаро тўлов воситаси вазифасини бажара олиши лозим.

2015 йил 30 ноябрда ХВФ Хитой юанини халқаро резерв валюта сифатида тан олди. Чунки, ушбу санада ХВФ томонидан юанни СДРнинг валюта саватига киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

СДР ХВФнинг халқаро ҳисоб бирлиги бўлиб, унинг қиймати валюта савати орқали аниқланади. Унинг валюта саватининг таркиби ҳар 5 йилда кўриб чиқилади. Сўнгги марта СДРнинг валюта савати 2011 йилда кўриб чиқилган эди. Унинг савати таркиби 2016 йил кузда кўриб чиқилади ва Хитой юани СДРнинг валюта саватига бешинчи валюта бўлиб киради. Юаннинг СДРнинг валюта саватидаги улуши 10,92% қилиб белгиланди.

Лекин юанни бошқа захира валюталар каби халқаро ҳисоб-китоблардаги улушини кескин ошиб кетиш эҳтимоли паст. Бунинг сабаби шундаки, Хитой ҳукумати экспортни рағбатлантириш мақсадида юаннинг номинал алмашув курсини паст даражада ушлаб турибди. Бунинг устига, 2015 йил 10 декабрда Хитой Халқ банки (Марказий банк) юанни АҚШ

¹ Kennen P.B. International Liquidity and the Balance of Payments of a Reserve – Currency Country//The Quarterly Journal of Economics. Vol.74. No. 4 (1960).

долларига нисбатан девальвация қилди ва юаннинг 1 долларга нисбатан номианал алмашув курси 6,4236 юанни ташкил этди.

Хитойнинг ушбу курс сиёсати унинг асосий ташки савдо ҳамкорлари бўлган давлатларни, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Америкалик сенатор Ч. Шумернинг фикрига кўра, “Хитойнинг валюта курси манипуляцияси тикланаётган америка иқтисодиётининг кекирдагига тиралган этикдир”².

Шубҳасиз, АҚШ тўлов балансининг жорий операциялар бўлимидаги йирик дефицитни юзага келишида Хитой муҳим роль ўйнайди. Чунки, Хитой АҚШ импортида биринчи ўринни эгаллайди.

Халқаро валюта операцияларини амалга оширишда валютавий қимматликлар ҳам муҳим ўрин тутати. Одатда, валютавий қимматликларга олтин ва бошқа нодир металллар, хорижий валюталарда ёзилган чеклар, векселлар ва қимматли қоғозлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўрачет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда кенг қўлланилаётган эркин ишлатиладиган валюталарга нисбатан коэффицентлар қўлланилади. Етакчи хорижий валюталардан фақат Япония иенига нисбатан 10 коэффиценти қўлланилади, АҚШ доллари, евро, Буюк Британия фунт стерлинги, Швейцария франки, Канада доллари, Австралия долларига нисбатан 1 коэффиценти қўлланилади.

Халқаро валюта операциялари иқтисодий ва ҳуқуқий асосларга таянади.

Халқаро валюта операцияларининг иқтисодий асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Давлатлар ўртасидаги экспорт-импорт операцияларининг мавжудлиги.
2. Ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракатининг мавжудлиги.
3. Тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялар ҳаракатининг мавжудлиги.
4. Нодир металллар савдосининг мавжудлиги.
5. Давлатлар ўртасидаги сиёсий, маданий алоқаларнинг мавжудлиги


Халқаро валюта операцияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ. Айнан, экспорт-импорт операцияларининг юзага келиши халқаро валюта операцияларини пайдо бўлишига замин яратди.

Импорт бўйича тўловни амалга ошириш, олинган экспорт тушумини миллий валютага айирбошлаш орқали миллий валютадаги тўловларни ўтказиш конверсион операцияларни пайдо бўлишига олиб келди.

² Levur@ mail.ru.

Шуниси аҳамиятлики, халқаро савдо ҳамон халқаро валюта операцияларининг муҳим иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали дунё бўйича амалга оширилган экспорт ва импорт операциялари ҳажми билан танишамиз.



1.1.-расм. Дунё бўйича экспорт ва импорт ҳажми³, млрд. АҚШ доллари

1.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2012-2014 йилларда дунё бўйича экспорт ва импортнинг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, жаҳон иқтисодиётини глобал инқироз таъсиридан чиқиб кетаётганлигини, товарлар ва хизматлар экспортини ривожланиб бораётганлиги ва импортга бўлган талабнинг ошиб борганлигидан далолат беради.

1.1-расм маълумотлари кўрсатадики, 2015 йилдан бошлаб дунё миқёсида экспорт ва импорт ҳажмининг қисқариб бораётганлиги кузатиш мумкин. Бу эса, жаҳон товар бозор бозорларида рақобатнинг кескин кучаяётганлиги, қатор давлатларда, шу жумладан, Хитойда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасаяётганлиги ва бунинг натижасида хом-ашё ресурсларига бўлган талабнинг камаяётганлиги билан изоҳланади.

Ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати халқаро валюта операцияларининг иккинчи муҳим иқтисодий асосидир.

Халқаро кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бўлиб, улар дунё мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришда, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда катта роль ўйнайди.

Халқаро кредитлар ҳаракатини тартибга солувчи бозор регулятори бўлиб, унинг баҳоси ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг баҳоси халқаро ссуда капиталлари бозорида шаклланади.

Халқаро кредитлар етакчи валюталарда берилади ва уларнинг асосий қисмини халқаро резерв валюталарда бериладиган кредитлар ташкил этади.

³ IMF. International Financial Statistics, 2017 (P. 71; 74). www.imf.org.

Жаҳон валюта бозорларидаги бир кунлик конверсион операцияларнинг ҳажми 4 трлн. АҚШ долларидан ошади.

АҚШ давлат қарзининг нисбатан катта эканлиги, савдо балансида катта миқдордаги дефицитнинг мавжудлиги, давлат бюджети дефицитининг катта эканлиги Федерал захира тизими (ФЗТ) томонидан амалга оширилаётган қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курсини сезиларли даражада катта диапазонларда тебранишига сабаб бўлмоқда.

АҚШ доллари номинал алмашув курсининг тебранишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб, мамлакат савдо балансининг катта миқдордаги дефицитга эга эканлиги ҳисобланади. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига, АҚШ савдо балансининг дефицити 440,4 млрд. долларга етди. Бу 2008 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 2012 йилгача бўлган даврдаги энг катта миқдордаги дефицит ҳисобланади.

АҚШ Давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзининг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий даражадан юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган жиддий омиллар ҳисобланади. 2013 йилнинг якунига кўра, АҚШда давлатнинг ташқи қарзи ЯИМ миқдоридан ошди.

АҚШ доллари курсининг нобарқарорлиги Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва Хитой каби мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки, уларнинг халқаро валюта захираларининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган.

1.2-расм маълумотларидан кўринадики, 2010 йилнинг январь ойи бошидан 2012 йилнинг январь ойининг бошига қадар АҚШ долларининг номинал алмашув курси еврога нисбатан сезиларли даражада ошди. Бу эса, АҚШ ФЗТнинг иқтисодиётни рецессия ҳолатидан чиқаришга йўналтирилган экспансионистик пул-кредит сиёсатини олиб бораётганлиги билан изоҳланади. Аммо бу вақтинчалик ҳолат. Ишончимиз комилки, АҚШда инфляция жараёнларининг кучайиши билан ФЗТ ҳисоб ставкасини оширишга мажбур бўлади. Бу эса, АҚШ долларининг номинал алмашув курсининг кўтарилишига олиб келади.

2008 йилда ФЗТ томонидан ҳисоб ставкасининг йиллик даражасини 0,25 фоизга қадар туширилиши АҚШ иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, пуллар таклифининг ҳам ошишига олиб келди.

АҚШ доллари номинал алмашув курсининг тебранишига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири бўлиб, мамлакат савдо балансининг катта миқдордаги дефицитга эга эканлиги ҳисобланади. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига, АҚШ савдо балансининг дефицити 52,6 млрд. долларга етди⁴. Бу 2008 йилнинг октябрь ойидан бошлаб 2012 йилгача бўлган даврдаги энг катта миқдордаги дефицит ҳисобланади.

⁴ <http://lenta.ru/news/2012>.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда АҚШнинг Хитой билан амалга ошириладиган савдо муносабатларидаги дефицит миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

АҚШ Давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзининг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий даражадан юқори эканлиги долларнинг номинал алмашув курси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган жиддий омиллар ҳисобланади. 2011 йилнинг якунига кўра, АҚШда давлатнинг ташқи қарзи ЯИМ миқдоридан ошди, Давлат бюджети дефицити суммаси эса, 1,3 трлн. АҚШ доллари ташкил қилди. Бу эса, АҚШ ЯИМнинг 8,5 фоизини ташкил қилади⁵.

Халқаро амалиётда қабул қилинган меъёрий андозага кўра, Давлат бюджетининг ЯИМга нисбатан салмоғи 3,0 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Давлатнинг ташқи қарзи эса, ЯИМга нисбатан 30,0 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Японияда Давлат ва Марказий банк томонидан муаммоли активларни сотиб олиниши макроиктисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашишига ва шунинг асосида миллий валюта алмашув курсининг тебранишларига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Япония Марказий банки 2008-2010 йилларда 55 трлн. иен миқдоридаги активларни сотиб олди. 2011 йилда яна 10 трлн. иен миқдоридаги муаммоли активларни сотиб олишга қарор қилинди⁶.

Япония ҳукумати ва Марказий банки компаниялар ва банкларнинг муаммоли активларини сотиб олиш йўли билан уларнинг кўпчилигини банкрот бўлишдан сақлаб қолди. Агар оғир молиявий аҳволни бошидан кечираётган компаниялар ва банкларнинг қимматли қоғозларини сотиб олмаганда эди, ушбу қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларининг пасайиши натижасида уларнинг бозор баҳолари пасайиб, эмитентларнинг бозордаги мавқеига жиддий путур етган бўлар эди.

2009 йил январь ойида Япония тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича дефицит суммаси 172,8 млрд. иенни ташкил этди. Ҳолбуки, бунга қадар 13 йил мобайнида дефицит бўлмаган эди⁷.

АҚШ доллари курсининг нобарқарорлиги Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ва Хитой каби мамлакатларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки, уларнинг халқаро валюта захираларининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Шу сабабли, 1999 йил январда Япония ва Германия Молия вазирлари АҚШга доллар, евро ва иеннинг курсларини ўзаро бир-бирига боғлашни таклиф қилдилар. Аммо АҚШ Федерал захира тизимининг ўша вақтдаги раҳбари А.Гринспен ва Молия вазири Р.Рубин ушбу таклифни қатъиян рад этдилар. Уларнинг фикрига кўра, мазкур уч етакчи валюта курсларини ўзаро бир-бирига боғлашни жорий этиш АҚШ Федерал захира тизимининг ишсизлик ва инфляцияга қарши курашишга қаратилган пул-кредит сиёсатининг мустақиллигига путур етказди⁸.

⁵ Board of Governors of the Federal Reserve System. Annual Report. 2011. – Washington, 2012. - P. 16-17.

⁶ Центробанк Японии напечатает еще 10 триллионов иен. <http://lenta.ru/news/2010>.

⁷ <http://www.mof.go.jp.english/budget/htm>.

⁸ Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. – М.: Дело и Сервис, 2007. - С. 625-626.

“Еврохудуд”даги қарз муаммолари, Греция, Испания, Италия, Португалиядаги оғир молиявий ҳолатлар, пировард натижада, евронинг АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарга нисбатан курсининг тебранишларига ва пасайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Грециядаги оғир иқтисодий инқироз ҳолатларини бартараф этиш мақсадида ажратилаётган кредитлар ва бошқа шакллардаги молиявий маблағлар евродаги пул массасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

2010 йил 7 майда Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан Грецияга молиявий ёрдам бериш дастури маъқулланди. Ушбу дастурга мувофиқ, Греция уч йил мобайнида 110 млрд. евро олади. Мазкур ёрдамнинг Греция учун муҳимлиги шундаки, ҳозирги кунда ушбу мамлакатдаги иқтисодий аҳвол жуда оғир: давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдоридан катта, давлат бюджети дефицити ва ташқи қарзнинг умумий миқдори 300 млрд. евродан ошади⁹.

2012 йилда Кипрда молиявий қийинчиликларнинг бошланганлиги евронинг номинал алмашув курси барқарорлигига нисбатан мавжуд бўлган салбий таъсирни янада кучайтиришга хизмат қилади. “Рейтерс” агентлигининг хабар беришича, 2012 йилда Кипрга камида 1,8 млрд. евро керак. Бу эса, унинг ЯИМнинг 10 фоизини ташкил этади¹⁰.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар муомалага катта миқдордаги пул маблағларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг хулосасига кўра, “...сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин”¹¹.

Халқаро резерв валюталар курсларининг нобарқарорлиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, миллий валюта-сўмнинг номинал алмашув курси халқаро резерв валюта бўлган АҚШ долларига нисбатан аниқланади.

Халқаро амалиётда миллий валюталарнинг алмашув курсини “валюта савати”га боғлаш уларнинг алмашув курси тебранишини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. Масалан, Россияда рублнинг курсини “бивалюта савати”га нисбатан аниқлашнинг жорий қилиниши унинг барқарорлигини ва евронинг конверсион операциялар ҳажмидаги улушини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг муҳим иқтисодий асосларидан бири халқаро валюта муносабатларида иштирок этувчи

⁹ Лидеры стран-участниц ЕС утвердили программу помощи Греции. <http://lenta.ru/news/2010>.

¹⁰ Кипр обратился к ЕС за финансовой помощью. <http://lenta.ru/news/2012>.

¹¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. - Б. 4.

субъектларнинг миллий ва хорижий валюталарда жорий ҳисобрақамларининг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу жорий ҳисобрақамлардаги маблағлар ҳисобидан хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича тўловлар амалга оширилади, бошқа хорижий валюталар сотиб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ, резидентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлари мумкин. Мазкур Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган норезидент жисмоний шахслар, иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақ очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир¹².

Ўзбекистон Республикаси учун қуйидагилар резидентлар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;
- Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзларидан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Халқаро валюта операцияларининг ташкил қилиш ва амалга оширишнинг зарурий шартларидан бири – бу миллий ва жаҳон валюта бозорларининг мавжудлигидир.

Миллий валюта бозори 2 қисмдан иборат бўлади:

1. Валюта биржаси
2. Биржадан ташқари валюта бозори.

Ўзбекистон Республикасининг Валюта биржаси республикамызда биржа бозори ҳисобланади.

Миллий валютамыз-сўмнинг номинал алмашув курси Республика валюта биржасида аниқланади.

Республикамызда сўмнинг номинал биржа курси валюталарнинг буюртмали савдоси асосида амалга ошириладиган олди - сотди механизми орқали шаклланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, ЎРВБга аъзо

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б. 13-14.

бўлган тижорат банклари икки хилдаги буюртмаларни биржага берадилар: а) АҚШ долларини сотиб олиш мақсадида сўмда берилган буюртмалар; б) АҚШ долларини сотиш мақсадида берилган буюртмалар (долларда берилган буюртмалар). Марказий банкнинг Бош дилери буюртмаларни қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бергандан сўнг ҳар иккала хилдаги буюртмалар бўйича жами номинал миқдорлар аниқланади. Шундан кейин сўмда берилган буюртмаларнинг жами суммасини АҚШ долларидаги буюртмалар суммасига бўлиш йўли билан ўзбек сўмининг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал биржа курси аниқланади. Сўмнинг валюта курсини 1 АҚШ долларига нисбатан аниқланаётганлиги сўмнинг тўғри котировка режимига эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг номинал биржа курси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги актив ва пасивларини қайта баҳолаш, бож ҳисоби ҳамда молиявий ва статистик ҳисоботларни юритиш, хўжалик юритувчи субъектлар валюта тушумларининг маълум қисмини мажбурий тартибда сотишда қўлланилади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётида, хусусан, АҚШ, Япония, Канада давлатларининг амалиётида миллий валютанинг курси фиксинг шаклида аниқланадиган бозор механизмига асосланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, маклерлар ва тижорат банклари дилерлари иштирокида кун давомида амалга ошириладиган валюта савдоси жараёнида шаклланган талаб ва таклиф асосида, операцион куннинг аниқ бир вақтида, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан биржа курси аниқланади. Операцион куннинг аниқ бир вақтида миллий валюта курсининг аниқланиши фиксинг деб аталади.

Биржадан ташқари валюта бозори банклараро бозордир. Бунда валюта савдоси тижорат банклари дилерларининг телефон ёки интернет орқали сўзлашувлари орқали амалга оширилади.

Халқаро валюта операцияларини ташкил қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. Миллий валюта қонунчилиги.
2. Халқаро қоидалар ва конвенциялар.
3. Халқаро Валюта Фонди Келишувлар моддалари бўйича қабул қилинган мажбуриятлар.

Республикада миллий валюта қонунчилигига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Солиқ кодекси;
- Божхона кодекси
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Валютани тартибга солувчи давлат органларининг йўриқномалари ва қарорлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф куйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, жорий валюта операцияларига қуйидагилар киради:

*ташқи савдо ва бошқа жорий фаолият олиб борилиши билан, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш, қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари билан боғлиқ бўлган тўловлар

* фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинadиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида тўланиши зарур тўловлар

* кредитларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

*савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмалари

Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар киради:

* иш ҳақи, стипендия, пенсия, алиментлар тўлаш;

* ходимларни хорижга хизмат сафарига жўнатиш;

* таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;

* хориждаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарни таъминлаш;

* нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар;

* суднинг, арбитражнинг қарорлари асосида пул тўлаш;

* халқаро конференциялар, симпозиумларда, спорт, маданий ва бошқа тадбирларда иштирко этиш учун тўловлар;

* дафн қилиш билан боғлиқ бўлган тўловлар;

* муаллифлик ҳақи, патент божларини тўлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

Ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади.

Мазкур Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат Божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, тижорат банклари чет эл валютасини нақд ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш, халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда кўрсатилган бошқа операцияларини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, Марказий банк:

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради

*банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эд валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради

* Банклар учун очиқ валюта позициялари чегараларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди

*миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2013 йилнинг 1 февралидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – жисмоний шахсларга ваколатли банклар томонидан хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий қилинди. Бунда жисмоний шахс ваколатли банкда халқаро тўлов картасини очади. Ваколатли банк эса, унинг шахсий пластик банк картасида миллий валютадаги пул маблағлари етарли эканлигини текширади, хорижий валютани операция амалга оширилган кун белгиланган айирбошлаш курси бўйича халқаро тўлов картасига ўтказди ҳамда жисмоний шахсга хорижий валютани сотиб олганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги маълумотномани беради¹³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш, экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш, асбоб - ускуналар, бутловчи буюмлар, хом - ашё, материаллар ва хизматлар импорти, янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш каби операциялар биржадан ташқари валюта бозорининг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин валюта курси асосида амалга ошириладиган бўлди.

Бунинг ижроси натижасида валюта курсларини унификациялаш жараёни тезлашди ва, пировард натижада, сўмнинг белгиланган биржа курсига нисбатан анча паст бўлган, талаб ва таклифга асосланган биржа курси шаклланди.

Халқаро валюта қонунчилигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Халқаро умумлаштирилган қоидалар ва конвенциялар ҳисобланади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. - № 6 (558). – Б. 5.

Халқаро умумлаштирилган қоидалар:

* Хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар (UCP 500; UCP 600);

*Инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар;

*Шартномавий кафолатлар бўйича умумлаштирилган қоидалар.

Халқаро конвенциялар:

*Халқаро оддий ва ўтказма векселлар муомаласи бўйича халқаро конвенция

*БМТнинг юкларни денгиз орқали ташиш конвенцияси

*Арбитраж судлари қарорларини ижросини таъминлаш бўйича халқаро конвенция

Ўзбекистон 2003 йил 8 октябрида ХВФ келишувлар моддасининг 8-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар 2003 йил 15 октябрдан бошлаб кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII-моддасининг 2 бўлим а-банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштиришни ўз ичига олади. VIII-модданинг 2 бўлим а-бандига мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Ниҳоят, VIII-модданинг 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ё ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб берилиши лозим. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрига қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон ҳукумати VIII-модданинг 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялардан ишлаб топилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини руёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш.

2. Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақат бозор механизмларини қўллаш.

3. Валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчилик ролини ошириш.

4. Сифатли иш ўринлари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бевосита рағбатлантириш учун иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, билим ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш.

5. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган катъий монетар сиёсатни амалга ошириш, бу борада монетар инструментлардан фаол ва мослаштирилган ҳолда фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операциялар ҳамда давлат қимматли қоғозларини банклар ликвидлигига гаровга бериш бўйича операцияларни амалга оширишни амалиётга жорий этиш.

6. Монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олдини олиш.

Президентнинг ушбу Фармонида Молия вазирига 2017 йилги Давлат бюджетини профицит билан бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

7. Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш.

8. Валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш.

9. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасига валюта сиёсатини либераллаштиришнинг салбий оқибатларини камайтириш имконини берадиган ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш¹⁴.

Ушбу Фармон талабига асосан, 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб:

– Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловларсиз сотиб олишлари мумкин;

– Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган жисмоний шахслар чет эл валютасини тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчаларига эркин сотиши ва конверсион бўлимларида сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиш бўйича амалдаги тартибга асосан сотиб олиши ва чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиши мумкин;

– истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилади;

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36. – 945-модда.

– мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади;

– чет эл валютасида даромад олувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валютасини нақд кўринишида олиши мумкин;

– давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади, консуллик йиғимлари бундан мустасно;

– хорижий валютада кредитлар бериш ва ундириш шартлари кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига асосан тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади;

– банкларнинг хорижий валюта олди-сотдиси билан боғлиқ операциялар бўйича таваккалчиликлари тадбиркорлик таваккалчилиги ҳисобланади ҳамда уларни бошқариш тижорат банкининг ваколатига киради;

– хорижий валюта олди-сотдиси бўйича комиссия воситачилик ҳақи миқдори тижорат банки томонидан мустақил белгиланади;

– тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш бўйича лицензия бериш амалиёти бекор қилинади¹⁵.

1.2. Банкларо вакиллик муносабатлари: зарурлиги, турлари ва амалга ошириш тартиби

Банкларо вакиллик муносабатларининг мавжудлиги халқаро валюта операцияларини амалга оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Банкларнинг “Ностро” ва “Востро” вакиллик муносабатлари орқали хорижий валюталардаги тўловлар амалга оширилади ва тушумлар қабул қилинади.

Банкларо вакиллик муносабатларининг икки тури мавжуд:

1. Бир томонлама вакиллик муносабатлари.

2. Икки томонлама вакиллик муносабатлари.

Бир томонлама вакиллик муносабатларида ҳар иккала банкдан фақат биттаси “Ностро” ёки “Востро” вакиллик ҳисобрақамига эга бўлади.

Икки томонлама вакиллик муносабатларида ҳар иккала банк “Ностро” ёки “Востро” вакиллик ҳисобрақамига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари хорижий банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга. Яъни, республикамиз тижорат банклари хорижий банкларда ўзларининг “Ностро” вакиллик ҳисобварақамларига эга. Аммо хорижий банклар Ўзбекистон банкларида ўзларининг “Востро” вакиллик ҳисобварақамларига эга эмас.

Хорижий банк билан вакиллик муносабати ўрнатиш учун унга дастлаб хат жўнатилади. Хатда вакиллик муносабати ўрнатишнинг зарурлиги асослаб

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36 (796). – 945-модда.

берилган бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур хатда хорижий банк билан вакиллик муносабатлари ўрнатмоқчи бўлаётган тижорат банки фаолиятининг ижобий жиҳатлари ҳам қисқача акс этган бўлиши лозим. Аммо хатда хорижий банкнинг ҳолатини ўрганилганлиги ҳақида зинҳор ёзилмаслиги лозим. Чунки, ушбу ҳолатни хорижий банк ҳақорат сифатида қабул қилиши мумкин.

Хорижий банк вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги таклифга розилик билдиргандан сўнг вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси тайёрланади ҳамда шартнома бандлари томонлар ўртасида муҳокама қилинади. Ниҳоят, вакиллик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланади. Шундан кейин тўлов ҳужжатларига, телекс ёки компьютер хабарномаларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг имзолари нусхалари ва махфий калитлар ўзаро алмашинади. Бу аутентификацион калит дейилади.

Одатда “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари шу валюта қайси мамлакатнинг миллий валютаси бўлса, ўша мамлакатнинг тижорат банкида очилади. АҚШ долларларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари АҚШ банкларида, евродаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамлари “еврохудуд”даги банкларда очилади.

Шуниси характерлики, АҚШ долларларидаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини Лондондаги банкларда ҳам очиш мумкин. Лондон АҚШдан ташқаридаги доллар захиралари тўпланган энг катта евродоллар бозори ҳисобланади. Аммо бунда “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини очган тижорат банкига икки марта комиссия тўлашга тўғри келади. Бир марта Лондондаги банкка “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини юритганлиги учун, иккинчи марта Лондондаги банкнинг доллардаги қолдиқни АҚШ банклари орқали жойлаштирганлиги учун тўлаган комиссияси учун тўлайди. Чунки, Лондондаги банклар доллардаги қолдиқларини АҚШ банклари орқали жойлаштирадilar.

Кўпчилик мамлакатларнинг банк амалиётида “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиғига фоиз тўланмайди. Айрим мамлакатларда эса, жуда паст ставкада фоиз тўланади. Шунинг учун банклар хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги ортиқча маблағларни (ишчи қолдиқдан ортиқ маблағни) евробозорларга ёки “овернайт” шаклида жойлаштирадilar.

Тижорат банклари хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкнинг овердрафт кредитидан фойдаланишга рухсат олишга ҳаракат қилишади. Бунинг сабаби шундаки, овердрафт кредити “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келадиган вақтинчалик валюта етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Хорижий банк, валюта маблағлари етишмаслиги юзага келганда, вакил банкни белгиланган лимит доирасида зудлик билан кредитлайди.

Муаммо шундаки, қатор давлатларда овердрафт кредити бериш қонун йўли билан таъқиқланган.

Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкларнинг хизмат кўрсатиш хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ ва Японияда банклар ихтисослаштирилган ва инвестицион банкларга ажралган. Европада эса - универсал банклар.

Хорижий валютадаги тўловларни ўз вақтида ўтиши хорижий вакил банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, Базель қўмитаси тижорат банкларининг хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғига 20% риск даражасини берган. Бу эса, айнан, хорижий банкда ликвидлилик муаммосининг юзага келиши натижасида тўловларнинг кечикиши билан боғлиқдир.

Хорижий банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатига эга бўлган банкларда доимо “Ностро” вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг тебраниши муаммоси мавжуд бўлади. Чунки, ушбу банкда хорижий банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақами мавжуд эмас. Шу сабабли, улар ҳар қандай хорижий валютадаги тўловни амалга оширишда ўзларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини кредитлашга мажбур бўлишади. Натижада, “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини кескин тебраниш хавфи юзага келади. Бу эса, мазкур банкларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Агар тижорат банки хорижий банклар билан икки томонлама вакиллик муносабатларига эга бўлса, у ҳолда, хорижий банк ва унинг мижозлари фойдасига амалга оширилаётган тўлов суммаси ушбу банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамига кирим қилинади. Натижада, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

Кўпчилик мамлакатларнинг банк амалиётида “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдиғига фоиз тўланмайди. Айрим мамлакатларда эса, жуда паст ставкада фоиз тўланади. Шунинг учун банклар хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидаги ортиқча маблағларни (ишчи қолдиқдан ортиқ маблағни) евробозорларга ёки “овернайт” шаклида жойлаштирадилар.

Тижорат банклари хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкнинг овердрафт кредитидан фойдаланишга рухсат олишга ҳаракат қилишади. Бунинг сабаби шундаки, овердрафт кредити “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида юзага келадиган вақтинчалик валюта етишмаслиги муаммосини ҳал этишнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Хорижий банк, валюта маблағлари етишмаслиги юзага келганда, вакил банкни белгиланган лимит доирасида зудлик билан кредитлайди.

Муаммо шундаки, қатор давлатларда овердрафт кредити бериш қонун йўли билан таъқиқланган.

Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишда хорижий банкларнинг хизмат кўрсатиш хусусиятларига эътибор қаратиш муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШ ва Японияда банклар ихтисослаштирилган ва инвестицион банкларга ажралган. Европада эса - универсал банклар.

Хорижий валютадаги тўловларни ўз вақтида ўтиши хорижий вакил банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам,

Базель қўмитаси тижорат банкларининг хорижий банклардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғига 20% риск даражасини берган. Бу эса, айнан, хорижий банкда ликвидлилик муаммосининг юзага келиши натижасида тўловларнинг кечикиши билан боғлиқдир.

Банклараро вакиллик муносабатларини ривожлантиришда тўлов тизимининг етарли даражада ликвидли бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, АҚШнинг ЧИПС тўлов тизимини олайлик. “ЧИПС” тўлов тизимини бошқариш шу даражада такомиллашганки, тизим ҳар қандай йирик дебиторнинг бажарилмаган мажбуриятини ўз вақтида қоплаш имконини берадиган даражада таъминотга эга. Ушбу таъминот бир кунлик ва бир кун ичида бериладиган кредитларга асосланади.

Хорижий банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатига эга бўлган банкларда доимо “Ностро” вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг тебраниши муаммоси мавжуд бўлади. Чунки, ушбу банкда хорижий банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақами мавжуд эмас. Шу сабабли, улар ҳар қандай хорижий валютадаги тўловни амалга оширишда ўзларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини кредитлашга мажбур бўлишади. Натижада, “Ностро” вакиллик ҳисобрақамининг қолдиғини кескин тебраниш хавфи юзага келади. Бу эса, мазкур банкларнинг ликвидлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Агар тижорат банки хорижий банклар билан икки томонлама вакиллик муносабатларига эга бўлса, у ҳолда, хорижий банк ва унинг мижозлари фойдасига амалга оширилаётган тўлов суммаси ушбу банкнинг “Востро” вакиллик ҳисобрақамига кирим қилинади. Натижада, банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди.

Умуман олганда, банклараро вакиллик муносабатлари халқаро валюта операцияларини амалга оширишнинг муҳим зарурий шарти ҳисобланади. Бунда икки томонлама вакиллик муносабатларининг мавжудлиги халқаро валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро валюта операцияларининг қандай иқтисодий асослари мавжуд?
2. Халқаро валюта операцияларининг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?
3. Ўзбекистон валюта қонунчилиги қандай хусусиятларга эга.
3. Банклараро вакиллик муносабатларининг зарурлиги қандай омиллар билан белгиланади?
4. Банклараро вакиллик муносабатларининг қандай турлари мавжуд?
5. “Ностро” вакиллик ҳисобрақамидаги валюта маблағи етишмаслиги муаммосини қайси манбалар ҳисобидан ҳал қилиш мумкин?
6. Валюталарнинг қандай алмашиниш шартлари мавжуд?

II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ТУРКУМЛАНИШИ

2.1. Тижорат банклари валюта операцияларининг зарурлиги ва туркумлаш мезонлари

Тижорат банклари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, валюта операцияларини амалга ошириш ҳисобланади. Валюта операциялари, бир томондан, тижорат банки мижозларининг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларнинг валюта захираларини валюта risksдан ҳимоя қилиш имконини берса, иккинчи томондан, тижорат банкларига даромад олиш имконини беради.

Тижорат банклари спрэд шаклида, яъни валюталарни сотиш курси билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида даромад оладилар. Бундан ташқари, хорижий валютадаги активларни қайта баҳолаш, мавжуд битимга қарама-қарши операцияларни амалга ошириш орқали ҳам тижорат банклари валюта операцияларидан даромад оладилар.

2002 йилнинг 1 январидан бошлаб нақд евронинг муомалага киритилиши натижасида европа банклари Германия маркази, Франция франки, Италия лираси, Бельгия франки, Австрия шиллинги, Испания песети каби қатор нақд валюталарнинг муомаладан чиқиб кетиши юз берди ва бунинг натижасида улар 5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги спрэд шаклидаги даромаддан маҳрум бўлишди.

Тижорат банкларининг валюта операциялари деганда банклар томонидан хорижий валютлар ва валютавий қимматликларни сотиб олиш ва сотиш операцияларига айтилади.

Хорижий валюталар – бу хорижий давлатларнинг миллий пул бирлигидир. Еврозонага кирувчи мамлакатлар учун евро миллий валюта ҳисобланади.

Валютавий қимматликларга қуйидагилар киради:

- олтин ва бошқа нодир металллар;
- хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозлар;
- хорижий валюталарда эмиссия қилинган векселлар;
- хорижий валюталарда ёзилган чеклар.

Ўзбекистон Республикасида олтин валютавий қимматлик ҳисобланса-да, олтинни сотишга нисбатан давлат монополияси мавжуд бўлиб, у марказлашган тарзда экспорт қилинади. Шу сабабли, олтин қўймалар аҳолига ва хўжалик юритувчи субъектларга сотилмайди.

Тижорат банкларининг валюта операциялари иқтисодий мазмунига кўра, 3 турга бўлинади:

1. Спот операциялари.
2. Муддатли валюта операциялари.
3. Своп операциялари.

Спот инглизча “spot” деган сўздан олинган бўлиб, нақд битим деган маънони англатади.

Тижорат банклари муддатли валюта операцияларининг 3 шакли мавжуд:

1. Форвард операциялари.
2. Валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар.
3. Валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар.

Своп инглизча “swap” деган сўздан олинган бўлиб, айирбошлаш деган маънони англатади.

Тижорат банкларининг валюта операцияларини қуйидагича туркумлаш мумкин (2.1-расм).



2.1-расм Тижорат банклари валюта операцияларининг туркумланиши¹⁶

2.1-расм тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларининг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб беради деб ҳисоблаймиз.

¹⁶ Муаллифларнинг шахсий ишланмаси.

Ямайка халқаро конференциясида олтинни демонетизация қилиниши дунё миқёсида белгиланган қатъий белгиланган курслар режимининг барҳам топишига олиб келди. Натижада барча етакчи хорижий валюталар эркин сузиш режимига ўтишди. Бу эса, ўз навбатида, валюта рискининг кучайишига олиб келди ва муддатли валюта битимлари бозорининг ривожланишига кучли туртки берди.

Форвард валюта операцияларининг ривожланиши своп операцияларини ривожлантириш учун муҳим замин яратди. Чунки, валютавий своп операцияси спот ва форвард битимларининг уйғунлашуvidан ташкил топади.

Валюта фьючерслари ва опционлари ҳосилавий қимматли қоғозлар ҳисобланади ва деривативлар деб аталади.

Қайд этиш жоизки, деривативлар билан амалга ошириладиган спекулятив операциялар юқори riskли операциялар ҳисобланади ва улар тижорат банкларига катта миқдорда зарар келтириши мумкин. Бунга аниқ мисол қилиб 1995 йил 25 февралда банкрот деб эълон қилинган Англиянинг “Бэрингс” банкини келтириш мумкин. Ҳолбуки, ушбу банк 233 йиллик тарихга эга эди.

Бэрингс банкнинг Сингапур филиали трейдери Ник Лисон банкнинг пассивидаги барча бўш турган пул маблағларини Сингапур фонд биржасига чиқиб, Япония корпорацияларининг фьючерс ва опционларини сотиб олишга йўналтирди. Орадан 3 кун ўтгандан сўнг Япониянинг Кобэ шаҳрида даҳшатли zilзила бўлди. Zilзила натижасида Япония корпорацияларининг фьючерс ва опционларининг баҳоси кескин пасайиб кетди. Натижада, Бэрингс банк 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

Бэрингс банкининг Президенти дунёнинг энг бой одамларидан бири ҳисобланган Бруней султони билан дўст эди. У банкни қутқариб қолиш учун Бруней султонидан 1,0 млрд. доллар қарз сўради. Аммо султон таваккал қилишни ҳоҳламади. Охир-оқибат 233 йиллик тарихга эга бўлган Бэрингс банк банкрот бўлди.

Форвард, фьючерс ва опцион битимлари ҳамда валютавий своп муддатли валюта бозорининг инструментлари ҳисобланади.

2.2. Тижорат банкларининг спот операциялари

Спот операциялари спот битими тузилгандан кейин икки иш кунни мобайнида амалга ошириладиган валюта операцияларидир.

Спот юқори riskли валюта операцияси ҳисобланади ва унинг юқори riskлилиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Спот операциясини амалга ошириш вақти жуда қисқа бўлганлиги сабабли унда суғурта элементларини қўллаб бўлмайди.

2. Спот операцияларининг 90 фоизга яқин қисми қуйидаги 5 та халқаро захира валюталарда амалга оширилади ва уларнинг барчаси эркин сузиш режимига эга.

Эркин сузиш режимига эга бўлган валюталарнинг номинал алмашув курси катта диапазонларда тебраниши мумкин.

3. Валюта курсига таъсир этувчи айрим омилларни прогноз қилиш имконининг йўқлиги.

Масалан, 1990 йилда Ироқ билан АҚШ бошчилигидаги давлатлар коалицияси ўртасида уруш бўлди. Бирлашган қўшинлар қўмондони бўлган америкалик генерал урушни 1 ҳафта ичида тугатишга ваъда берди. Бу эса, халқаро молия бозори иштирокчиларининг хотиржам бўлишига олиб келди. Аммо урушнинг бошланганлигига бир ой ўтгандан сўнг Ироқ ўзининг “Скад” ракеталари билан Саудия Арабистони пойтахти Эр-Рияд шаҳрида жойлашган АҚШ денгиз пйёдаларининг ётоғига (казарма) зарба берди. Бу Ироққа қарши урушда қатнашаётган араб давлатлари учун кутилмаган ҳолат ва фожиа эди. Чунки, АҚШ ўзининг ҳаво ҳужумига қарши “Пэтриот” тизими Ироққа қарши урушда қатнашаётган давлатлар ҳудудини Ироқ ракеталаридан 100 % ҳимоя қилишига ваъда берган эди.

Шу кундан бошлаб, ОПЕКка аъзо бўлган араб давлатлари Форс кўрфази орқали нефть экспорт қилишни тўхтатдилар. Бу эса, жаҳон бозорларида нефть баҳосининг кескин кўтарилишига олиб келди. 1 баррель нефть ўша пайтда араб давлатлари томонидан 11-13 АҚШ долларига сотилган бўлса, унинг баҳоси 42 долларга кўтарилди. Собиқ Совет Иттифоқи, Мексика, Венесуэла, Руминия каби нефть экспорт қилувчи мамлакатлар нефть экспортидан катта миқдорда даромад олиш имкониятига эга бўлдилар. Нефть маҳсулотларини импорт қилувчи Туркия, Япония, Европа давлатлари эса, бундан жиддий зарар кўрдилар.

Нефть баҳосининг кескин ошиши АҚШ доллари курсининг кўтарилишига сабаб бўлди. Чунки, нефть шартномаларининг 90 фоиздан ортиқ қисми АҚШ долларида тузилган эди. Бунинг натижасида жаҳон валюта бозорларида АҚШ долларига бўлган талабнинг ошиши юз берди.

Спот операциялари спот курслар асосида амалга оширилади.

Спот курс деганда спот битими тузилаётган пайтда белгилаб қўйиладиган валюта курси тушунилади ва бу курс икки иш куни мобайнида ўзгармасдан қолади.

Спот курсни аниқлашнинг биржа усули ва биржадан ташқари усули мавжуд.

Тараққий этган давлатларда ва қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, биржа усулида спот курс валюта биржаларининг савдо залларида дилерлар, маклерларнинг очиқ савдо қилишлари натижасида аниқланади. Шуниси характерлики, АҚШ доллари, Евро, Англия фунт стерлинги ва Швейцария франкининг курси вергулдан кейин тўрттагача бирликда аниқланади. Масалан: 1 доллар = 1,2310 - 1,2330 шв. франки. Ёки 1 фунт стерлинг = 1,6770-1,6790 доллар.

Валюта биржаларининг савдо залларида валюта савдоси фақат охириги иккита рақам билан амалга оширилади. Ҳеч қайси дилер иккита рақамдан олдинда турган рақамларни ҳеч қачон айтмайди.

Чап томонимизда турган биринчи курс сотиб олиш курси ҳисобланади ва у **ВІD** деб аталади, ўнг томонимизда турган курс, яъни иккинчи курс сотиш курси ҳисобланади ва у **OFFER** деб аталади. Валютанинг сотиш курси

билан сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ тижорат банкининг даромади ҳисобланади ва у **SPREAD** деб аталади.

Ҳар бир спот битими бўйича алоҳида спот курс аниқланади. Тижорат банкининг ҳар бир дилерига валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича лимит белгиланади. Дилер ўша лимит доирасида валюталарни спот шарти бўйича сотиб олиш ва сотишни амалга оширади.

Валюта биржасидаги компьютер дастури спот операцияларидаги талаб ва таклифга қараб миллий валютанинг олди-сотди қилинаётган етакчи хорижий валюталарга нисбатан номинал алмашув курсини аниқлайди. Масалан, Лондон вақти билан соат 11.00да Буюк Британия фунт стерлингининг, Франкфурт-на Майне шаҳрида соат 13.00 да евронинг етаркчи хорижий валюталарга нисбатан номинал алмашув курси аниқланади ва бутун дунёга эълон қилинади.

Операцион куннинг аниқ бир вақтида миллий валюта курсининг аниқланиши **фиксинг** деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида буюртмали валюта савдоси тизими мавжуд.

Сўмнинг номинал биржа курси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси (ЎРВБ) да АҚШ доллариға бўлган талаб ва таклиф асосида аниқланади. Қайд этиш жиозки, республикада валюта курсини аниқлашнинг тижорат спот курсларига асосланадиган ва фиксинг шаклида аниқланадиган бозор механизми мавжуд эмас. Шу сабабли, республикада сўмнинг номинал биржа курси валюталарнинг буюртмали савдоси асосида амалга ошириладиган олди - сотди механизми орқали шаклланади. Мазкур механизмнинг моҳияти шундаки, ЎРВБга аъзо бўлган тижорат банклари икки хилдаги буюртмаларни биржага берадилар: а) АҚШ долларини сотиб олиш мақсадида сўмда берилган буюртмалар; б) АҚШ долларини сотиш мақсадида берилган буюртмалар (долларда берилган буюртмалар). Марказий банкнинг Бош дилери буюртмаларни қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бергандан сўнг ҳар иккала хилдаги буюртмалар бўйича жами номинал миқдорлар аниқланади. Шундан кейин сўмда берилган буюртмаларнинг жами суммасини АҚШ долларидаги буюртмалар суммасига бўлиш йўли билан ўзбек сўмининг 1 АҚШ доллариға нисбатан номинал биржа курси аниқланади. Фақат душанба куни сўмнинг номинал алмашув курси валюта савдоси натижаларига қараб аниқланмайди, балки ўтган ҳафтада бўлиб ўтган 5 кунлик валюта савдоси натижасида аниқланган валюта курсларининг ўртачаси сифатида аниқланади.

Ўз навбатида, сўмнинг номинал алмашув курси тижорат спот курси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг номинал биржа курси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги актив ва пасивларини қайта баҳолаш, бож ҳисоби ҳамда молиявий ва статистик ҳисоботларни юритиш, хўжалик юритувчи субъектлар валюта тушумларининг маълум қисмини мажбурий тартибда сотишда қўлланилади.

Биржадан ташқари усулда спот курс тижорат банклари дилерларининг телефон орқали сўзлашувлари ёки интернет орқали мулоқотлари натижасида аниқланади.

Тижорат банкларининг нақд хорижий валюталарни сотиш курси ва сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ сифатида оладиган спрэд шаклидаги даромади уларнинг валюта операцияларининг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Тижорат банкларининг нақд хорижий валюталарга бўлган талабни тўғри баҳолаган ҳолда, уларнинг сотиб олиш ва сотиш курсини белгилаши спрэд миқдорини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, тижорат банклари спот операцияларидан зарар кўришлари ҳам мумкин. Одатда, тижорат банки қисқа валюта позициясига эга бўлган валютанинг кейинги иш кунидан бошлаб курсининг кўтарилиши зарарни юзага келтиради. Аксинча, тижорат банки қисқа валюта позициясига эга бўлган валютанинг курсини кейинги иш кунидан бошлаб пасайиши банкнинг балансида фойдани юзага келтиради.

Агар тижорат банки узун валюта позициясига эга бўлган хорижий валютанинг курси пасайса, у ҳолда банкнинг балансида зарар юзага келади. Чунки, бу вақтда тижорат банки арзон валютани қиммат баҳода сотиб олган ҳисобланади.

Шунингдек, тижорат банки томонидан белгиланган хорижий валютанинг сотиб олиш курсининг Марказий банкнинг биржа курсидан юқори бўлиши банкнинг балансида зарарни юзага келтиради. Масалан, Марказий банкнинг биржа курси бўйича 1 АҚШ доллари 2198,00 сўмга тенг. Тижорат банкининг 1 АҚШ долларини сотиб олиш курси эса, 2200,00 сўмни ташкил этади. Бундай шароитда тижорат банки ҳар бир доллардан қайта баҳолаш натижасида 2 сўм зарар кўради (2200 – 2198). Бунинг сабаби шундаки, қайта баҳолаш Марказий банкнинг биржа курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг спот операцияларидан кўрган зарарлари суммаси 55302-ҳисобрақамнинг дебитида, спот операцияларидан олган фойдаси эса, 45401-ҳисобрақамнинг кредитида акс этади. Республикамиз банкларининг спрэд шаклидаги даромади ҳам 45401- ҳисобрақамнинг кредитида акс этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ-1914-сонли “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, 2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ваколатли банклар томонидан нақд хорижий валюталарни сотиш тўхтатилди¹⁷. Демак, республикамиз тижорат банкларида спрэд шаклидаги даромад бундан буён мавжуд бўлмайди.

Республикамиз тижорат банклари спот операцияларининг асосий қисмини импорт қилинган товарлар бўйича ва олинган халқаро кредитларни

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2013. - №6 (558). – Б. 5-6.

кайтариш билан боғлиқ бўлган тўловларни амалга ошириш мақсадида сўмни АҚШ доллари ва еврога айирбошлаш операциялари (конверсион операциялар) ташкил этади.

2003 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII-моддасининг 2 бўлим а-банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилинганлиги ва унинг ўша йилнинг 15 октябридан бошлаб кучга кирганлиги конверсион операцияларни ривожлантиришга кучли туртки берди. Ушбу мажбуриятлар сўмни тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин алмаштиришни ўз ичига олади. VIII-модданинг 2 бўлим а-бандига мувофиқ, мамлакатимиз ҳукумати жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларни жорий қилишга ҳақли эмас. Ушбу модданинг 3-бўлимига мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати дискриминацион валюта сиёсатини амалга оширишга ҳақли эмас. Ниҳоят, VIII-модданинг 4-бўлимига мувофиқ, бошқа давлатлар томонидан тақдим этилган сўмлар ё ўша мамлакатнинг миллий валютасига ёки СДРга конвертация қилиб берилиши лозим. Аммо 2003 йилнинг 15 октябрига қадар олинган сўмлар бўйича Ўзбекистон ҳукумати 4-бўлим мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан ишлаб топилган сўмлар фақат жорий операциялардан ишлаб топилган бўлиши керак.

2011 йилда РВБда амалга оширилган конверсион операциялар ҳажми 2010 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, импорт билан боғлиқ бўлган хорижий валютага бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади. 2011 йилда импорт ҳажмининг 2010 йилга нисбатан ўсиш суръати 14,5 фоизни ташкил этди.

2012 йилда конверсион операциялар ҳажмининг 2011 йилга нисбатан қисқарганлиги хорижий валюталарга бўлган талабнинг барқарорлашганлиги билан изоҳланади.

2008 йилнинг февраль ойидан бошлаб, АҚШ доллари билан бирга еврода ҳам конвертация учун буюртмалар қабул қилина бошлади.

Умуман олганда, спот операциялари тижорат банклари валюта операцияларининг асосий турларидан бири ҳисобланади ва миқдорларнинг валюта маблағларига бўлган талабини қондиришда, банкларнинг валюта операциялари самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

2.3. Тижорат банкларининг муддатли валюта операциялари

Тижорат банклари муддатли валюта операцияларининг, юқорида таъкидлагамиздек, 3 шакли мавжуд:

1. Форвард валюта операциялари.
2. Валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар.
3. Валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар.

Форвард валюта операцияси деганда, маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш операциясига айтилади.

Форвард валюта операциялари валюта захираларини валюта risksдан химоя қилиш мақсадида қўлланилади. Шу билан бирга, тижорат банклари форвард операцияларидан даромад олиш мақсадида фойдаланади.

Форвард шартномалари қуйидаги стандарт муддатларга тузилади: 1 ҳафта, 1, 2, 3, 6, 9, 12 ой.

Форвард операциялари форвард курслар асосида амалга оширилади.

Форвард курси форвард шартномаси имзоланаётган пайтда белгилаб қўйиладиган курс бўлиб, шартнома ижросига қадар ўзгармасдан қолади.

Форвард курслари ҳеч қачон спот курслари каби аниқланмайди. Тижорат банкларининг дилерлари доимо форвард маржаси билан ишлайди, холос. Форвард маржаси деганда устама ва дисконт тушунилади.

Устама ва дисконт битта формула орқали аниқланади. Бу формула қуйидаги кўринишга эга:

$$У / Д = \frac{СК \times ФС\ddot{У}Ф \times ФШМ \text{ (кунларда)}}{(360 \times 100) + (БВФС \times ФШМ \text{ (кунларда)})}$$

Бу ерда:

У / Д –устама ёки дисконт.

СК – спот курс.

ФС\ddot{У}Ф – фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ. Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ аниқланаётганда битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси олинади, баҳоловчи валюта бўйича эса, депозитларнинг фоиз ставкаси олинади.

ФШМ – форвард шартномасининг муддати.

БВФС –битим валютаси бўйича фоиз ставкаси.

Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, у ҳолда формула орқали аниқланган натижа устама ҳисобланади. Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, у ҳолда формула орқали аниқланган натижа дисконт ҳисобланади.

Форвард маржаси қуйидаги сабабларга кўра котировка қилинади:

Биринчидан, форвард маржалари кўпчилик ҳолатларда ўзгармасдан қолади, спот курслари эса тез-тез ўзгаради, шу сабабли, устама ва дисконтларнинг котировкасига кам тузатиш киритилади.

Иккинчидан, валюта битимларининг сезиларли қисмида форвард курсларини эмас, балки устама ва дисконтни билиш талаб қилинади.

Устама ва дисконтнинг ўлчов бирлиги пипс деб аталади.

Форвард курси спот курсидан устама ёки дисконт сўммасига фарқ қилади. Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, олинган натижа устама ҳисобланади ва бунда форвард курси спот курсидан юқори бўлади. Аксинча, битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса олинган

натижа дисконт ҳисобланади, бунда форвард курси спот курсидан паст бўлади.

Форвард операциялари дастлаб экспортёрларнинг сотилган товарлар учун кутилаётган экспорт тушумини валюта risksдан ҳимоя қилиш мақсадида юзага келди. Кейинчалик тижорат банклари ўртасидаги муносабатларда ҳам форвард операцияларидан фойдаланиш кучайди. Шуниси характерлики, форвард операцияларидан спекулятив мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки, биринчидан, форвард операцияларини амалга ошириш учун валюта маблағларининг мавжуд бўлиши шарт эмас; иккинчидан, форвард шартномалари нисбатан узоқ муддатга тузилади; учинчидан форвард курсининг даражаси кўпроқ фоиз ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ.

Таҳлил жараёнида форвард операциялари билан боғлиқ бўлган қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор қаратилади:

1. Форвард операцияларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилганлиги.

Форвард операциялари тижорат банклари учун балансдан ташқари операция ҳисобланади, шу сабабли, биринчи навбатда, форвард шартномалари сўммасини тегишли балансдан ташқари ҳисобрақамларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим. Ҳақиқатда, тижорат банкларининг хорижий валюталарни сотиб олиш мақсадида тузилган форвард шартномалари 92716-«Форвард битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамининг дебитида ва 96367-«Форвард битими бўйича сотиб олиш контр ҳисобварағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг хорижий валюталарни сотиш мақсадида тузилган форвард шартномалари 92709-«Форвард битими бўйича сотиш» ҳисобрақамининг дебитида ва 96365-«Форвард битими бўйича сотиш контр ҳисобварағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Таҳлил жараёнида форвард шартномаларининг муддати тугагандан сўнг амалга оширилган бухгалтерия ўтказмалари ҳам синчиклаб текширилиши лозим. Шуниси характерлики, форвард операциялари шартнома муддати тугаши билан характерига кўра спот операцияларига айланади. Шунинг учун ҳам кейинги бухгалтерия ўтказмалари спот бўйича берилади.

Баланс ҳисобарқамлари бўйича бухгалтерия ўтказмалари берилгандан сўнг форвард операциялари бўйича очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлар ёпилади. Тижорат банкининг хорижий валютани сотиб олиш мақсадида тузган форвард шартномаси сўммасига очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлари 92716-«Форвард битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамини кредитлаш ва 96367-«Форвард битими бўйича сотиб олиш контр ҳисобварағи»ни дебетлаш йўли билан ёпилади.

Тижорат банкининг хорижий валютани сотиш мақсадида тузган форвард шартномаси сўммасига очилган балансдан ташқари ҳисобрақамлари 92709-«Форвард битими бўйича сотиш» ҳисобрақамини кредитлаш ва 96365-«Форвард битими бўйича сотиш контр ҳисобварағи»ни дебетлаш йўли билан ёпилади.

2. Форвард операциялари бўйича устама ва дисконтни тўғри ҳисобланганлиги

Форвард операциялари форвард курси асосида амалга оширилади. Форвард курсининг даражасини белгиловчи омил устама ва дисконт ҳисобланади.

Агар баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, олинган натижа устама ҳисобланади. Бундай ҳолатда форвард курсини аниқлаш учун спот курс устама миқдорига оширилади.

Агар баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, олинган натижа дисконт ҳисобланади. Бундай ҳолатда форвард курсини аниқлаш учун спот курс дисконт миқдорига камайтирилади.

3. Форвард операциялари бўйича фойда ва зарарлар сўммасини, шу жумладан, реализация қилинмаган фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш.

Форвард операциялари бўйича фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш учун 45405 ва 55306-ҳисобрақамларининг қолдиқлари олиниб, таҳлил қилинади.

Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар сўммасини баҳолаш учун 16901 ва 22802-ҳисобрақамларининг қолдиқлари олиниб, таҳлил қилинади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида зарарлар сўммаси камайиш тенденциясига, фойда сўммаси эса, ўсиш тенденциясига эга бўлиши лозим.

Реализация қилинмаган фойда ва зарарлар тўлов муддати келмаган муддатли валюта шартномаларини қайта баҳолаш натижасида юзага келади. Ҳар бир тижорат банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисобот топшираётганда муддати келмаган валюта шартномалари қийматини қайта баҳолашлари ва улар бўйича фойда ва зарарлар сўммасини аниқлашлари зарур.

Муддати келмаган валюта шартномаларининг қийматининг қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий ҳисобот тузилаётган кундаги биржа курси бўйича амалга оширилади. Бунга қадар барча хорижий валюталардаги шартномаларнинг сўммаси АҚШ долларига айлантирилади. Ундан кейин шартномаларнинг доллардаги қиймати Марказий банкнинг биржа курси бўйича сўмга айлантирилади. Тижорат банки ходимлари томонидан Марказий банкка молиявий ҳисобот топширилаётган пайтда уларнинг позицион ҳисобрақамида, яъни 17101-ҳисобрақамида қолдиқ бўлмаслиги лозим.

Муддатли валюта операцияларининг иккинчи шакли валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар ҳисобланади. Ушбу операцияларни амалга оширишда асосий эътибор бухгалтерия ўтказмаларини тўғри расмийлаштирилганлигига, операцияларнинг даромадлилигига ва мазкур операциялардан кўрилган зарарларни баҳолашга қаратилади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари томонидан берилган кол опционлар алоҳида, пут опционлар алоҳида баҳоланади.

Кол опционлар маълум миқдордаги валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ҳуқуқини беради. Пут опционлар эса, маълум миқдордаги валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиш ҳуқуқини беради.

Валюта опционлари валюта форвард операцияларидан фарқли равишда ўз эгасига мажбурият юкламайди, балки фақат ҳуқуқ беради. Шунинг учун ҳам валюта опционлари валюта рискдан 100% ҳимояланиш имконини берадиган ягона молиявий инструмент ҳисобланади.

Валюта опционларининг икки стандарти мавжуд бўлиб, уларни банк аудити жараёнида ҳисобга олиш шарт ҳисобланади. Чунки бу стандартлар риск даражасига кўра бир-биридан кескин фарқланади.

Валюта опционларининг биринчи стандарти европа стандарти деб аталади ва бу опционлар ўз эгасига фақат шартнома муддати тугагандан сўнг опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Валюта опционларининг иккинчи стандарти эса, америка стандарти дейилади ва мазкур опционлар ўз эгасига опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, валюта опционларининг америка стандартида риск даражаси европа стандартига нисбатан юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида валюталарни сотиб олиш мақсадида берилган опционлар 92728-«Опцион битими бўйича сотиб олиш» ҳисобрақамининг дебетида ва 96379-«Опцион бўйича сотиб олиш контр ҳисобврағи»нинг кредитида ҳисобга олинади.

Тижорат банкларининг валюта опционларидан оладиган даромадлари 45404-ҳисобрақамининг кредитида, опционлардан кўрилган зарарлар эса, 55306-ҳисобрақамининг дебетида ҳисобга олинади.

Муддатли валюта операцияларининг учинчи шакли валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган валюта операциялари ҳисобланади.

Валюта фьючерслари валюталарни сотиб олиш ёки сотиш тўғрисидаги шартнома бўлиб, улар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг палаталари орқали амалга оширилади. Клиринг палаталари тижорат банкларидан аванс тўловлари ўтказишни талаб қилади. Аванс тўловлари фьючерслар юзасидан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсаидда ўтказилади. Валюта фьючерслари валюта опционларидан фарқли равишда иштирок этувчи томонларга мажбурият юклайди. Валюта опционларининг эгаларида эса, ҳуқуқ бор, аммо мажбурият мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

-ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари иблан чекловларсиз, очиқ валюта мавқеи лимити доирасида;

-агар шартнома тузиш жорий халқаро операцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, банкларнинг мижозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

Республикамизнинг тижорат банкларида, шу жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг фаолиятида валюта опционлари ва фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар мавжуд эмас.

Агар форвард операциялари натижасида валюта тури бўйича қисқа валюта позицияси юзага келган бўлса, у ҳолда тижорат банкининг ходимлари ўша валютани сотиб олиш бўйича форвард шартномаси тузишлари зарур. Агар форвард операциялари натижасида валюта тури бўйича узун валюта позицияси юзага келган бўлса, у ҳолда тижорат банкининг ходимлари ўша валютани сотиш бўйича форвард шартномаси тузишлари зарур.

Агар тижорат банкида валюта опционлари бўйича қисқа позиция юзага келган бўлса, у ҳолда банк эмитент сифатида кол опционлар сўммасини кўпайтириши лозим. Агар тижорат банкида валюта опционлари бўйича узун позиция юзага келган бўлса, у ҳолда банк эмитент сифатида пут опционлар сўммасини кўпайтириши лозим.

Валюта фьючерслари бўйича юзага келган қисқа позицияларни ёпиш ёки қисқартириш мақсадида қисқа позиция юзага келган валюталарни сотиб олиш борасида фьючерс шартномалари тузиш мақсадга мувофиқдир. Агар тижорат банки фьючерс шартномалари бўйича маълум бир валютада узун позицияга эга бўлса, у ҳолда ушбу валютани сотиш хусусида фьючерс шартномасини тузиш талаб этилади.

Муддатли валюта операцияларининг ҳажми сезиларли даражада катта бўлганда уларнинг тижорат банкларининг очиқ валюта позициясига таъсири кучли бўлади.

4. Тижорат банкларининг ҳақиқатда амалга оширилмаган форвард операциялари ҳажмини аниқлаш.

Банк амалиётида мутлақо амалга оширилмаган ёки муддатида амалга оширилмаган форвард операцияларининг мавжудлиги табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки форвард шартномасида иштирок этувчи томонлардан бири шартнома муддати тугаган пайтда тўловга ноқобил бўлиб қолиши мумкин. Бунга ёрқин мисол қилиб, Россия Федерациясида 1997 йилда юз берган молиявий инқирозни келтириш мумкин. Молиявий инқироз натижасида Россиянинг бир қатор тижорат банклари хорижий банклар олдидаги форвард шартномалари бўйича мажбуриятларини бажара олмадилар. Чунки инқироз натижасида кўплаб тижорат банкларида ликвидлилик муаммоси юзага келди ва бунинг оқибатида банклар балансининг ноликвидлилиги юз берди.

Россия тижорат банкларининг ноликвидлилиги натижасида хорижий банклар форвард шартномаси бўйича олиши лозим бўлган валюта маблағларини ололмай қолдилар. Россия рублининг курсини кескин

пасайиши натижасида валюталарни сотиб олиш мақсадида тузилган форвард шартномалари бўйича хорижий банкларнинг балансида йирик миқдорда реализация қилинмаган фойда юзага келди ва бу сўммалар форвард шартномаларининг муддати тугаши билан зарарга айланди.

Россия рублининг курсини кескин пасайиши натижасида АҚШ доллари ва бошқа хорижий валюталарни сотиш юзасидан тузилган форвард шартномалари бўйича Россия банкларида йирик миқдорда зарар юзага келди. Муддати келмаган форвард валюта шартномалари бўйича эса, ужда йирик миқдорда реализация қилинмаган зарар юзага келди. Натижада, бир томондан муддатли валюта операцияларининг тижорат банкларининг очиқ валюта позициясига нисбатан салбий таъсири юзага келди; иккинчи томондан эса, тижорат банкларининг форвард операциялари билан боғлиқ ҳолатда молиявий ҳолатини ёмонлашиши юз берди.

2.4. Тижорат банкларининг своп операциялари

Иқтисодий адабиётларда своп операцияларининг мазмуни хусусида мунозарали фикр ва мулоҳазалар мавжуд эмас. Своп операциялари деганда, одатда, маълум бир валютани спот шарти бўйича сотиш ва уни форвард шарти бўйича сотиб олиш тушунилади ёки валютани форвард шарти бўйича сотиш ва спот шарти бўйича сотиб олиш тушунилади.

Своп операциялари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- валюта захираларини валюта рискидан ҳимоя қилиш;
- ликвидлилини бошқариш;
- очиқ валюта позициясини қисқартириш.

Шуниси характерлики, своп операциялари валюта захираларини валюта рискидан ишончли тарзда ҳимоя қилади, аммо юқори даромад келтирмайди. Чунки бу операцияларда доимо иккита бир-бирига қарама-қарши операция мавжуд бўлади.

Тижорат банкларининг своп операцияларини текширишда ва баҳолашда свопга хос бўлган ҳар иккала шартни тўғри амалга оширилганлигига эътибор бериледи. Яъни валютани спот шарти бўйича сотилганлиги ва форвард шарти бўйича сотиб олинганлиги ёки валютани форвард шарти бўйича сотилганлиги ва спот шарти бўйича сотиб олинганлиги текширилади.

Своп операциялари республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида, шу жумладан, ТИФ Миллий банкида, «Асака» банкида мавжуддир.

Своп операциялари бўйича тижорат банкларининг «Ностро» вакиллик ҳисобварақларидаги ортиқча валюта маблағларини жойлаштириш валюта рискинни бошқаришнинг самарали усули ҳисобланади. Ҳар қандай тижорат банки хорижий валютадаги ортиқча маблағларни своп операцияси бўйича жойлаштириш учун тўртта кетма-кетликдаги операцияни бажаради. Биз бу операцияларни аниқ бир мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

Мисол. Айтайлик, ТИФ Миллий банкининг АҚШ долларидаги Ностро вакиллик ҳисобварағининг минимал ишчи қолдиғи 2,0 млн долларни ташкил этади. АҚШнинг «CitiGroup» банки ТИФ Миллий банкининг муддатли депозитлари бўйича 100 минг доллар миқдорида фоиз тўлади. Бизга

маълумки, депозитлар учун тўланган фоизлар тижорат банки «Ностро» вакиллик ҳисобрақамининг дебитида акс эттирилади. Демак, ТИФ Миллий банкининг АҚШнинг «CitiCorp» банкидаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамининг минимал ишчи қолдиғи 100 минг долларга кўпайди ва 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ана шу 100 минг доллар миқдоридаги банк вакиллик ҳисобрақамининг ортиқча қолдиғини своп бўйича жойлаштириш учун қуйидаги тўрт операцияни бажарамиз:

1. ТИФ Миллий банкининг ходимлари 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни етакчи, валюта курси барқарор бўлган валюталардан бирига спот шарти бўйича сотади. Айтайлик, банк бу операцияни 2005 йилнинг 10 май куни амалга оширди. Яъни, 100 минг доллар спот шарти бўйича Швейцария франкига сотилди. Спот курс: 1 доллар қ 1,4790 франк. Натижада ТИФ Миллий банки 12 май куни 147900 швейцар франки миқдоридаги тушумга эга бўлади. Мазкур операциядан кейин ТИФ Миллий банкининг АҚШнинг «CitiCorp» банкидаги «Ностро» вакиллик рақами 100 минг долларга кредитланади, унинг доллардаги позиция ҳисобрақами ана шу сўммага дебетланади.

2. ТИФ Миллий банки 147900 франк миқдоридаги тушумни Швейцариянинг «Kredit Swiss» банкига муддатли депозит сифатида жойлаштиради. Муддатли депозитнинг муддатини 3 ой деб оладиган бўлсак, бу муддат 12 августда тугайди.

3. ТИФ Миллий банки хорижий банк билан 100 минг АҚШ доллари сотиб олиш учун 3 ойлик форвард шартномасини тузади. Форвард шартномасининг муддати 2005 йилнинг 12 августидан тугайди. Муддатли депозит шартномаси билан форвард шартномасининг муддати мос келиши лозим.

4. ТИФ Миллий банки 2005 йилнинг 12 августидан Швейцария франкидаги муддатли депозитни ҳисобланган фоизлари билан биргаликда қайтариб олади ва бу сўмма ҳисобидан 100 АҚШ долларини форвард курси бўйича сотиб олади.

Валюта операцияларини таҳлил қилиш жараёнида тижорат банкларининг валюта маблағларини своп бўйича жойлаштириш операцияларини тўғри амалга оширилганлиги текшириш, муддатли валюта операцияларининг банкнинг очиқ валюта позициясига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, таҳлил жараёнида тижорат банки валюта позициясининг умумий миқдорини қанча қисмини муддатли валюта операциялари ҳисобига шаклланганлигини аниқлаб олиш лозим. Ундан кейин эса, ҳар бир валютадаги очиқ валюта позицияларининг муддатли валюта операциялари ҳисобига шаклланганлиги аниқлаймиз.

Своп операциялари 6 ойдан 15 йилгача муддатга амалга оширилади.

Аммо 1 йилдан 4 йилгача муддатга амалга ошириладиган своп операциялари кенг қўлланилади.

Агар своп операцияси битта банк билан амалга оширилса, бу соф своп (pure swap) деб аталади.

Своп бозори 1981 йилда пайдо бўлди. Унга қадар своп бозори мавжуд эмас эди.

Своп бозори биржадан ташқари бозор бўлиб, давлат томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг валютавий своп операциялари “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори билан тасдиқланган.

Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатга олинган ва 2011 йил 3 июнда 1839-1-сон билан қўшимча киритилган.

Низомга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга оширишда чет эл валютаси сифатида АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки ва Япония иенасидан фойдаланилади;

- валютавий своп операцияси сўм ва чет эл валютаси билан, шунингдек, икки чет эл валютаси билан амалга оширилади;

- Марказий банк билан ваколатли банклар ўртасидаги, шунингдек, ваколатли банкларнинг ўзаро валютавий своп операциялари Савдо тизимида тузилади ва бажарилади

- ваколатли банклар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги валютавий своп операциялари бевосита банкларда амалга оширилади.

Мазкур Низомга мувофиқ:

- сўм бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ёки Ўзбекистон банклари ассоциациясининг банклараро кредит ставкаси бўйича ўрнатилиши мумкин;

- доллар, фунт стерлинг, иен бўйича фоиз ставкалари сифатида мазкур мамлакатлар Марказий банкларининг қайта молиялаш ставкалари олинади;

- Швейцария франки бўйича фоиз ставкаси сифатида3 ойлик ЛИБОР олинади.

III-бoб. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ: ТУРЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

3.1. Марказий банкнинг валюта операциялари ва уларни ташкил қилиш асослари

Марказий банкнинг валюта операциялари деганда Марказий банк томонидан хорижий валюталар ва валютавий қимматликларни сотиб олиш ва сотиш операцияларига айтилади.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиши лозим.

Хорижий валютадаги битимлар дунёнинг кўплаб банкларида, тахминан, эрталаб соат 9⁰⁰ да бошланади, бироқ, дилерларнинг иш фаолияти бу битимларни тузишдан камида бир соат олдин бошланади. Ҳар куни эрталаб, чет эл валютаси бўйича масъул ходим (бўлим бошлиғи) ўзининг ходимларини битимлар тузиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, ҳамда зарурий маълумотлар ва янгиликлар билан таъминлайди. У ўзи йўналишни қайта кўриб чиқади (бозорни бир неча ой олдин таҳлил қилади) ва қуйидаги омиллар асосида ўз тактикасини аниқлайди:

а) Флоутинг тизимида айирбошлаш ставкаларида аниқловчи валюта ва фоиз ставкаларининг иқтисодиётда ўзгариши асосий омиллардан бўлиб қолмоқда. Бунда, улар битимлар муддатини курснинг тушиши билан ҳисоблашиш-маса, у ҳолда худди шу битимлар курсининг ошиши билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

б) Сиёсий омиллар. Мазкур омилларга ижтимоий ҳолат, ҳукуматнинг алмашиши ва шу каби валюта бозорига таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Кўпчилик ҳолатларда, ушбу омиллар бозор ҳолатини белгиловчи энг муҳим омил бўлиши мумкин.

в) Банкнинг чет эл валютасидаги ўз позицияси.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, курс асосан, йирик банклар ва йирик миллий ҳамда трансмиллий компания ва корпорацияларнинг маркет-мейкерлари томонидан, кутилаётган талаб ва таклиф ўртасидаги фарққа боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Маркет-мейкерлар — бу турли валюталарни битимлар бўйича сотиб олиш ва сотиш курслари котировкасини доимий равишда амалга оширувчи молия муассасалари ҳисобланади. Бозорнинг пассив иштирокчилари сезиларли даражадаги капитал билан қатнашаётган бўлсаларда, бозор ҳолатига кучсиз таъсир кўрсатадилар ва уларнинг фаолияти очик бозордаги курсларни профессионаллар томонидан тартибга солишга мажбур қилиши мумкин. Албатта, маркет-мейкерлар фақатгина чет эл валюталарини миллий валюта билан солиштирмайдилар, балки улар миллий валютага тегмаган ҳолатда чет эл валюталарини ўзларини котировкаларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Умуман, маълум бир валюталарни эмитенти бўлган мамлакатларда шу валюта бўйича маркет-мейкерлар мазкур мамлакатда жойлашган бўлади. Евро бўйича етакчи маркет-мейкерларни Германиядан, Швейцария франки бўйича эса, Швейцариядан топиш мумкин. Маркет-мейкерлар ўзи мутахассис бўлиб ҳисобланган валютани олди-сотди курси

котировкасини амалга оширади. Нисбатан кам банклар, бутун дунё бўйича валюта котировкасини берадилар, шундай бўлсада, Буюк Британиянинг кенг тармоқли клиринг банклари кабилар ўз миждозларига кенг қўламда котировкаларини таклиф этади. Валюта бозорида кам учрайдиган валюта билан боғлиқ операцияларни Марказий банкда дилинг бўлимини ўзи эмас, балки қўшимча бўлимлар амалга оширадилар. Кам учрайдиган валюталар, асосан, валюта бозори ривожланмаган мамлакатларда ёки чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларга маълум бир чекловлар қўйилган мамлакатларда учрайди. Албатта, бундай чекловлар мамлакат ҳудудига валюта кириб келишига эмас, балки кўпроқ чиқиб кетишига жорий қилиниши кенг қўлланилади. Агар, банклар ушбу (кам қўлланиладиган) валюталар бўйича миждозларнинг талабларини бажара олмаса, улар ўзларининг филиаллари ёки бошқа валюталарда пул қабул қилиш ёки тўловни амалга ошириш мақсадида вакиллик банклардан фойдаланадилар.

Марказий банкга хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 28 мартда 31-сон билан тасдиқланган «Хорижий валюта операцияларни амалга ошириш учун Марказий банкка лицензия бериш тартиби»га асосан, уч хил лицензия берилиши кўзда тутилган:

Бош лицензия. Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда барча валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Ички лицензия. Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлиқ ёки чегараланган валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Бир марталик лицензия. Ушбу лицензияга эга бўлган ваколатли банклар хорижий валютада аниқ бир операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, валюта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бекор қилинди.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви ва халқаро валюта бозорларига интеграциянинг кучайиши натижасида, валюта операциялари, мамлакатимизда, Марказий банкнинг яна бир даромад топиш манбасини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг номинал биржа курси тижорат банкларининг хорижий валюталардаги актив ва пасивларини қайта баҳолаш, бож ҳисоби ҳамда молиявий ва статистик ҳисоботларни юритиш, хўжалик юритувчи субъектлар валюта тушумларининг маълум қисмини мажбурий тартибда сотишда қўлланилади.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалиётида, хусусан, АҚШ, Япония, Канада давлатларининг амалиётида миллий валютанинг курси фиксинг шаклида аниқланадиган бозор механизмига асосланади. Мазкур

механизмнинг моҳияти шундаки, маклерлар ва тижорат банклари дилерлари иштирокида кун давомида амалга ошириладиган валюта савдоси жараёнида шаклланган талаб ва таклиф асосида, операцион куннинг аниқ бир вақтида, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан биржа курси аниқланади. Операцион куннинг аниқ бир вақтида миллий валюта курсининг аниқланиши фиксинг деб аталади.

Миллий валюта номинал алмашув курсини аниқлашнинг ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган бозор механизми буюртмали валюта савдоси механизмига нисбатан, фикримизча, қуйидаги афзалликларга эга:

- Марказий банкнинг биржа курси билан тижорат спот курслари ўртасида сезиларли фарқ юзага келишининг олдини олади;

- миллий валюта номинал биржа курсининг унинг реал харид қобилиятига яқинлаштиришга хизмат қилади;

- миллий валюта биржа курсини шаклланиш жараёнига Марказий банкнинг маъмурий тарзда аралашувининг олдини олади. Маъмурий тарзда аралашув деганда, буюртма асосида валюта савдосини амалга ошириш шароитида валюта биржаси томонидан буюртмаларни қабул қилмаслик, қабул қилинган буюртмаларнинг маълум қисмини жорий валюта савдосига қўймаслик каби маъмурий мазмундаги аралашувлар назарда тутилмоқда.

Миллий валюта номинал биржа курсининг тижорат спот курсларини шакллантириш жараёнидаги талаб ва таклифга асосланиши биржа курси билан спот курслари ўртасидаги фарқнинг минимал бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, биржа курсининг ўзгариши хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклифнинг миқдор жиҳатдан ўзгаришини кузатиш имконини беради.

Тижорат спот курслари спот битимларини амалга оширишда қўлланилади. Спот курси спот битими тузилаётган пайтда белгилаб қўйилади ва, одатда, битим ижросига қадар ўзгармасдан қолади. Спот битими бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки бажаришни кечиктирган томонга нисбатан жарима чораси қўлланилади.

Республикамизда ҳар бир тижорат банки ўзининг айирбошлаш шохобчаси орқали сотиб олинадиган ва сотиладиган валюталарнинг сотиб олиш курси ва сотиш курсини мустақил белгилайди. Лекин ҳар бир курс банк бошқарувининг ёзма буйруғи тарзида тасдиқланган бўлиши лозим.

3.2. Марказий банк валюта операцияларининг турлари ва амалга ошириш механизми

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида амалга ошириладиган валюта операцияларининг уч асосий тури халқаро банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. Улар қуйидаги операциялардан иборатдир:

Ушбу функция доирасида Марказий банк қуйидаги операцияларни амалга оширади:

1. Валюта интервенциясини амалга ошириш мақсадида ўтказиладиган операциялар.

Валюта интервенцияси доирасида амалга ошириладиган валюта операциялари хорижий валютани миллий валютага сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир. Республикамизда интервенция воситаси сифатида ишлатилаётган базавий валюта АҚШ доллари бўлганлиги сабабли, шу мақсадда амалга оширилаётган операциялар АҚШ долларини сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир.

Одатда, марказий банклар валюта интервенцияси самарадорлигини таъминлаш мақсадида интервенция фондидан сотилган хорижий валютадаги маблағларнинг миқдори ва интервенция ҳисоббарқамининг қолдиғини сир тутадилар. Бунинг сабаби шундаки, валюта интервенцияси самарадорлиги деганда унинг воситасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашув курсининг фавқулодда ва кескин тебранишига барҳам бериш ҳисобланади. Агар хўжалик юритувчи субъектлар Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиш ҳажмининг ўсиб бориши шароитида миллий валютанинг қадрсизланиши давом этаётганлигини сезиб қолсалар, бу ҳолат валюта бозорида психологик ваҳима ҳолатини юзага келтиради ва бунинг натижасида хорижий валютага бўлган талаб кескин ортиши мумкин. Бунга халқаро амалиётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1992 йилнинг сентябр ойида Ғарбий Европадаги валюта бозорларида юз берган инқироз натижасида Буюк Британия фунт стерлинги ва Италия лираси номинал алмашув курсининг кескин пасайиб кетиши натижасида улар Европа валюта тизимидан (ЕВТ) чиқиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, Англия ва Италия марказий банклари ўз миллий валюталари курсларининг фавқулодда тебранишига валюта интервенцияси орқали барҳам беришнинг уддасидан чиқа олмадилар. Масалан, Англия Марказий банки валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларини сотиш ҳажмини ошириши билан Лондон валюта бозори иштирокчилари томонидан АҚШ долларини сотиб олиш ҳажми ҳам ошиб борди. Бунинг оқибатида валюта интервенцияси самара бермади. Чунки бозорда психологик ваҳима кучли эди. Бу эса, бозорда АҚШ долларига нисбатан кучли талабни юзага келтирди.

Валюта интервенциясини амалга оширишнинг муҳим зарурий шартларидан бири Марказий банкнинг етарли даражада олтин-валюта захираларига эга бўлиши ҳисобланади. Бу ерда етарли даражада дейилганда Марказий банк олтин-валюта захираларининг миллий валютанинг фавқулодда кескин тебранишига барҳам беришга етадиган даражадаги миқдори назарда тутилмоқда. Ушбу зарурий шартни бажариш имконияти ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мавжуд.

Валюта интервенциясини амалга оширишнинг иккинчи шarti бўлиб, Марказий банкнинг миллий валюта алмашув курсини хорижий валютага нисбатан маълум нисбатда сақлаб туриш мажбуриятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, миллий валюта белгиланган курс режими ёки бошқариладиган сузиш режимига эга бўлиши лозим. Лекин шундай парадоксал ҳолат ҳам мавжудки, унга кўра, Марказий банк етарли олтин-валюта захираларига эга бўлмаса, у ҳолда, унинг эркин сузиш режимига ўтишдан бошқа иложи қолмайди.

2. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш бўйича Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Маълумки, ривожланган саноат мамлакатларида, хусусан, АҚШ, ГФР, Францияда ҳукумат хорижий валюталарда захираларга эга эмас, чунки бу мамлакатларда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий банкнинг балансига қонуний асосда ўтказилган. Бундай шароитда ҳукуматнинг ташқи қарзи Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захиралари ҳисобидан тўланади. Тўлов амалга оширилгандан сўнг, Марказий банк, хорижий валютада тўланган маблағнинг миллий валютадаги эквивалентини ҳукуматнинг жорий ҳисобрақамидан чегириб олади. Ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур шакли ҳукуматнинг ташқи қарз ботқоғига ботиб қолишдан сақлайди. Чунки Марказий банк ҳукуматнинг тўланиши лозим бўлган ташқи қарзининг миллий валютадаги эквиваленти мавжуд бўлмаган шароитда тўлов топшириқномасини қабул қилмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур тартибидан фойдаланишда Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг таъминланганлиги муҳим рол ўйнайди. Чунки Марказий банкнинг мустақиллиги тўлиқ таъминланган шароитдагина унинг Президенти ҳукуматнинг ташқи қарзини қонуний тўланишини талаб қила олади. Акс ҳолда, Ҳукумат Марказий банкни ташқи қарзни тўлашга мажбур қилади. Бундай шароитда ҳукумат Марказий банк кредитларидан ташқи қарзни тўлашда манба сифатида фойдаланиши мумкин.

3. Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захираларини бошқариш операциялари.

Ушбу функция доирасида Марказий банк қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- валюта захираларини диверсификация қилиши;
- валютавий своп операцияларидан фойдаланиш;
- Голд своп операцияларидан фойдаланиш;
- очиқ валюта позицияларини қисқартириш.

Валюта захираларини диверсификация қилиш деганда тарихан бир вақтнинг ўзида бир нечта етакчи ва барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади. Шунингдек, валюта захираларининг таркибини нобарқарор валюталарни сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан янгилаш операциялари ҳам валюта захираларини диверсификация қилиш дейилади. Фикримизча, бу эътироф мантиқан асослидир. Чунки валюта захираларининг таркибини олди-сотди операциялари орқали янгилаш валюта захираларининг диверсификация даражасини оширади ва валюта захираларининг рискка учраш хавфини пасайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий босқичида миллий валюта бозорида олди-сотди объекти вазифасини АҚШ доллари бажараётганлиги, хўжалик юритувчи субъектлар хорижий валютадаги захираларининг 90 фоиздан ортиқ қисмини АҚШ

долларида шаклланганлиги, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан чет эл валютасида берилган кредитларнинг 66 фоиздан ортиқ қисмини (2013 йилнинг 1 январ ҳолатига) АҚШ долларида берилганлиги¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий валюталардаги захираларининг диверсификация даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютавий своп ва Голд своп операциялари орқали миллий валюта бозоридаги хорижий валюталар таклифига реал тарзда таъсир этиши мумкин. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон олтин қазиб чиқарувчи ва сотувчи 10 етакчи давлатдан бири ҳисобланади, бу эса Марказий банк активларининг сезиларли қисмини олтинда шакллантириш имконини беради; иккинчидан, Марказий банк своп операцияларини амалга ошириш учун техник ва молиявий имкониятларга эга; учинчидан, ички валюта бозоридаги операцияларнинг 90 фоизидан ортиқ қисми республика валюта биржасида амалга оширилади, бу эса, Марказий банкка хорижий валюталарга бўлган талабнинг ўзгаришини доимий тарзда самарали мониторинг қилиш имконини беради.

Олтинни халқаро олтин бозорларида (асосан Лондон ва Цюрих бозорларида) қулай бозор баҳоларида сотиш малакали мутахассисларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, мабодо, республикаимиз Марказий банкида бундай кадрларнинг, яъни олтин савдоси билан шуғулланувчи кадрларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд бўлса, у ҳолда Голд своп операцияларини Халқаро ҳисоб-китоблар банки орқали амалга ошириш мумкин. Халқаро ҳисоб-китоблар банки марказий банкларга валюталар ва олтиндаги захираларни своп шарти бўйича жойлаштириш, депозит-ссуда операцияларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, Марказий банк Ўзбекистон ҳукуматига, унинг хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича берган кафиликлари бўйича мажбуриятларини бажаришда, Голд своп операциялари орқали амалий ёрдам кўрсатиши мумкин. Яъни, Марказий банк ҳукуматнинг хорижий валютадаги тўловлари учун зарур бўлган миқдордаги тушумни олиш имконини берадиган миқдордаги олтинни спот шарти бўйича сотади. Хорижий валютада олинган тушумни эса Ҳукуматга беради. Ундан кейин эса, Марказий банк билан Ҳукумат ўртасида тузилган тўлов шартномасининг муддатидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк хорижий банк билан форвард валюта шартномасини тузади. Форвард шартномасининг муддати тугаши билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳукуматдан олинган хорижий валютадаги тушум ҳисобидан олтинни форвард курси бўйича сотиб олади.

Шу ўринда валютавий своп операцияларини қўллаш шартига аниқлик киритишлозим. Чунки марказий банклар ички валюта бозорида ва халқаро молия бозорларида валютавий своп операцияларини амалга оширадилар. Ўзбекистон Марказий банки эса фақат халқаро молия бозорларида своп

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

операцияларини амалга ошира олади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда ҳозирга қадар муддатли форвард шартномалари бозори шаклланмаган. Бу эса, мамлакатимизнинг ички валюта бозорида форвард операцияларини амалга ошириш имконини бермайди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захираларига баҳо берамиз.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захиралари, млн. АҚШ доллари

№	Кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018
I	Ялпи олтин-валюта захиралари	26 428,8	28 076,9
1.1	Хорижий валютадаги активлар	14 172,3	14 142,8
1.2	Монетар олтин	12 256,6	14 034,1
II	Соф олтин-валюта захиралари	25 188,3	26 567,5

3.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захиралари таркибида олтин юқори салмони эгаллайди. Унинг расмий захиралар таркибидаги улуши 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 50,0 фоизни ташкил этди. Бу эса, Ўзбекистонни олтин қазиб чиқариш бўйича дунёдаги 10 та етакчи давлатлардан бири эканлиги билан изоҳланади¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан 2005 йилнинг 31 августидан бошлаб қуйидаги чекловлар ўрнатилди:

1. Тижорат банкининг битта валютадаги очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

2. Тижорат банкининг барча валюталардаги якуний нетто валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим²⁰.

Тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан белгиланган мазкур чекловларнинг меъёрий даражасини турли давлатларда бир-биридан кескин фарқланмаслигининг сабаби шундаки, тижорат банкларининг очик валюта позицияларини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган методиканинг муаллифлари бўлиб халқаро Базель қўмитасининг экспертлари ҳисобланади. Республикамиз банк амалиётида қўлланилаётган чекловларнинг меъёрий даражаси билан Ғарбий Европа мамлакатларида қўлланилаётган чекловларнинг меъёрий даражаларида яқинлик мавжуд.

Миллий валюта курсининг истеъмол товарларининг баҳосига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирига барҳам бериш марказий банкларнинг валюта сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, инфляция ва валюта курси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

¹⁹ Статистика. www.cbu.uz.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 28 майдаги 610 – сонли “Очик валюта позицияларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. – Тошкент: ЎзР МБ, 2005.

Одатда, миллий валюта курсининг пасайиши келгусида инфляциянинг ўсишига олиб келади. Инфляцион тазйиқ фоиз ставкаларининг ўсиши билан сусайиши мумкин, аммо фоиз ставкаларининг ошиши инвестицион ва истеъмолчи талабининг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция портфелининг ўзгариши натижаси бўлса, у ҳолда, бундай қадрсизланиш юқори даражадаги инфляцияни юзага келтириши мумкин. Бундай шароитда фоиз ставкаларининг ўсишини таъминлаш инфляцияни жиловлашнинг оқилона йўли ҳисобланади. Агар миллий валютанинг қадрсизланиши ташқи савдо шартларининг ўзгариши оқибати бўлса, у ҳолда фоиз ставкалари пасайтирилиши лозим. Чунки бундай шароитда соф экспорт ва умумий талаб қисқаради.

Шуниси характерлики, миллий валютанинг қадрсизланиши умумий талабнинг қисқаришига олиб келган шароитда Марказий банк томонидан рестрикцион пул-кредит сиёсатининг қўлланилиши миллий иқтисодиётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади, ЯИМнинг ўсиш суръати секинлашади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги даврида фоиз ставкалари ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд эмас, аммо Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари ўртасида сезиларли даражадаги алоқадорлик кузатилади. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўриш мумкин.

3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси, тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкалари²¹

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2015	2016	2017
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	9,0	9,0	14,0
Сўмда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	11,4	11,5	18,5
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	5,6	5,7	14,4

3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2017 йилда инфляциянинг йиллик даражаси олдинги йилларга нисбатан сезиларли даража ошди. Бу эса, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ошишига сабаб бўлди.

2012 йилда 2011 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга пасайгани ҳолда, қисқа ва ўрта муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаларининг 2011 йилга нисбатан ўсиши кузатилди.

²¹ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида шакллантирилди.

2011-2013 йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгармаган ҳолда, тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасининг барқарорлиги кузатилди.

2003-2006 йилларда тижорат банклари кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкасининг пасайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажми сезиларли даражада ошиши, инфляциянинг ўсиши кузатилиши лозим эди. Лекин бу ҳолатлар 2003-2006 йилларда кузатилмади. Масалан, 2003 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 3,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда - 3,7 фоизни, 2005 йилда — 7,8 фоизни, 2006 йилда — 6,8 фоизни, 2012 йилда эса, 7,0 фоизни ташкил этди.

Фоиз ставкалари ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорликнинг мавжудлиги кузатилмаган шароитда, миллий валютанинг номинал ва реал алмашув курсларининг импорт қилинаётган товарларнинг ва экспорт қилинаётган товарларнинг баҳосига таъсирини таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта сиёсатида муҳим ўрин тутиши лозим.

Марказий банкнинг валюта сиёсати анъанавий монетар инструмент сифатида пул-кредит сиёсатининг оралиқ ва пировард мақсадларига мос келиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, Марказий банкнинг валюта сиёсати билан пул-кредит сиёсати ўртасида қарама-қаршилик тез-тез учраб туради. Масалан, республикамизда тижорат банкларига нақд пул тушуми бўйича «нақд пулларни қайтиш коэффиценти» деб номланувчи кўрсаткич сифатида мажбурийат юкланган эди. Бундан ташқари республикамиз тижорат банкларининг айланма кассаларига келиб тушган нақд пулларнинг асосий қисми (75-80%) биринчи даражада тўловларни (Давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлиқ бўлган тўловлар) тўлашга йўналтирилмоқда. Натижада, республикамиз тижорат банкларида сўмдаги нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси юзага келди. Бундай шароитда тижорат банклари нақд хорижий валюталарни сотиб олишдан манфаатдор бўлмайди. Чунки нақд хорижий валюталарни банк томонидан сотиб олиниши унинг сўмдаги чиқимлари суммасининг ошишига олиб келади ва бунинг оқибатида нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси янада чуқурлашади.

Шунингдек, хорижий валютадаги маблағларни Ўзбекистон банкларига жалб этиш масаласи долзарб бўлиб турган ҳозирги шароитда Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан белгилаган мажбурий захира ставкалари юқорилигича қолмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг амалиётида ҳам пул-кредит сиёсати билан валюта сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликни кузатиш мумкин. Масалан, Россияда 1998-2000 йилларда миллий банк тизимидаги захираларнинг ўсиши шароитида рублдаги пул массасининг маълум қисмини муомаладан олиш имконини берадиган молиявий инструментлар етарли бўлмаганлиги сабабли пул агрегатларининг ўсиши юз беради. Бунинг натижасида баҳоларнинг

ўсиши жадаллашди. Бу эса, ўз навбатида, валюта операцияларининг ривожига салбий таъсир кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, миллий валютанинг алмашув курслари хорижий инвестициялар оқими ва экспорт-импорт операциялари ҳажмига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

3.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга қилинган
инвестициялар ҳажмида хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар
улуши ҳамда миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан йиллик
қадрсизланиш суръати²²**

Кўрсаткичлар	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар улуши, млрд. сўм	3792	5594	6810	8188	10829
Сўмнинг 1 АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси, сўм	1984,00	2202,20	2422,40	2810,00	3231,48

3.3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида асосий капиталга қилинган инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларнинг улушини ўсиш тенденцияси кузатилган. Ана шу таҳлил даврида миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан юқори қадрсизланиш суръати кузатилган. Демак, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати асосий капитални молиялаштириш мақсадига жалб этилаётган инвестициялар ҳажмига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмаган. Аммо, 2017 йилнинг 5 сентябрида миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан кескин қадрсизланиши инвестиция меъёриға нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

3.4-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида экспорт-импорт ҳажми ва миллий
валютанинг АҚШ доллариға нисбатан йиллик қадрсизланиш суръати²³**

Кўрсаткичлар	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.
Экспорт ҳажми, млрд. сўм	14,3	15,1	14,1	12,5	12,6
Импорт ҳажми, млрд. сўм	12,0	13,8	13,9	11,8	12,1
Сўмнинг 1 АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси, сўм	1984,00	2202,20	2422,40	2810,00	3231,48

²² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


²³ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3.4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2012-2013 йилларда республикамизда экспортнинг ҳам, импортнинг ҳам ҳажмини ўсиш суръати кузатилган. Мазкур даврда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан юқори қадрсизланиш суръати кузатилган (11,0%).

3.4-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2013-2015 йилларда экспорт ҳажмининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Ҳолбуки, ушбу даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан юқори қадрсизланиш суръати кузатилган. Демак. Ушбу девальвация экспортни рағбатлантиришга хизмат қилмаган.

2014-2015 йилларда импорт ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши кузатилган. Бунда эса, миллий валютанинг қадрсизланиши муҳим роль ўйнаган. Чунки, мазкур даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати 16,0 фоизни ташкил этган ва бунинг натижасида импорт сезиларли даражада қимматлашган.

Айрибошлаш курси ва пулнинг қадрсизланиши ўзаро боғлиқдир. Буни аҳолининг истеъмол талабалирин қондириш даражаси асосида белиглаш мумкин. Валюта бозори бўйича портфель баланси модели Р.Дорнбуш томонидан ишлаб чиқилган. Бундай модель негизидаги асосий эҳтимол хорижий валюта иқтисодий агентлар томонидан активларнинг бир тури сифатида ишлатилиши ҳисобланади. Бу ўринда валюта ҳам суғурталаш, ҳам молия маблағини сақлаш воситаси сифатида қўлланади.



3.1-расм. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг ўзгариши²⁴, сўм

3.1-расм маълумотларидан кўринадик, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати таҳлил қилинган давр мобайнида сезиларли даражада юқори бўлган. Масалан, 2016 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати 2012 йилга нисбатан 62,9 фоизни ташкил этган. Бу эса, юқори даражадаги қадрсизланиш суръати бўлиб, импортнинг

²⁴ Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

қимматлашишига олиб келади, аҳолининг омонатларини тижорат банкларига жалб этиш жараёнига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Миллий валютанинг девальвация суръатининг юқори бўлиши нафақат импортнинг қимматлашишига, балки инвестицияларни молиялаштириш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир, аввало, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида олинган миллий валютадаги маблағлар хорижий валютада берилган кредитларни қоплашга етмайди.

Назорат учун саволлар

1. Марказий банкнинг хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш тартиби қандай?
2. Валюта интервенцияси нима мақсадда амалга оширилади?
3. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш тартиби қандай?
4. Марказий банк расмий валюта захираларини қандай тартибда диверсификация қилади?
5. Марказий банк валютавий своп операцияларини қай тартибда амалга оширади?
6. Марказий банк миллий валютанинг номинал алмашув курсини қандай аниқлайди?
7. Марказий банк валюта рискига қарши валюта опционларидан фойдаланиши мумкинми?
8. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан қандай чекловлар белгиланади?
9. Марказий банк ГОЛД Своп операциясини қай тартибда амалга оширади.

IV-боб. ВАЛЮТА РИСКИ ВА УНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

4.1. “Валюта rischi” тушунчаси ва уни юзага келтирувчи сабаблар

Валюта rischi деганда, ташқи иқтисодий фаолият жараёнида айирбошлаш курсларини ўзгаришидан ёки бошқа турли валюта операцияларини амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар (ёки даромад олиш) тушунилади. Валюта riskларининг юзага келишининг асосий сабаби – валюта курсларини ўзгариши ҳисобланади. Бундай ўзгаришлар ҳамма шахсларга: ишбилармон фирмалар ва давлат структураларига ҳам таъсир кўрсатади.

Бу шунга боғлиқки, кўпгина ҳолларда уларнинг фаолияти экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ва шу сабабли кредиторлар ва қарз олувчилар, инвесторлар ва чайқовчилар, хўжалик субъектлари ўз бизнесларини миллий (ички) валютага нисбатан бошқа (хорижий) валюталарда амалга оширишни маъқул кўрадилар.

Валюта riskига - ташқи савдо, кредит, валюта операциялари, ҳамда фонд ва товар биржаларида амалга оширилаётган операцияларда миллий валюта курсига нисбатан хорижий валютани курсини ўзгариши билан боғлиқ валюта йўқотишлари хавфи киритилади.

Валюта riskининг ҳажми валютанинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ, шу сабабли у битим имзоланган ва тўловни амалга ошириш муддати ўртасидаги вақт оралиғининг фарқига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Экспортёр учун (сотувчи) курсдан йўқотишлар тўлов валютасини курсини тушишигача бўлган муддатда битим имзолаб қўйган бўлса, юзага келади, чунки, олинган тушум маблағларига экспортёр камроқ миллий пул маблағларни олиши мумкин. Импортёр эса (харидор), баҳо валютасини курсини оширидан зарар кўриши мумкин, чунки харид қилиб олиши учун энди кўпроқ миллий валюта маблағларини харажат қилиши лозим бўлади.

Халқаро амалиётда ташқи иқтисодий фаолиятда юзага келадиган ҳар қандай риск экспортёр (сотувчи) нинг бўйнига тушади.

Миллий молия бозорларида riskларни маълум бир сезиларли миқдорда прогноз қилиш мумкин, ҳудудий ва халқаро молия бозорларида эса, бундан фарқли ўлароқ прогноз қилиш жуда қийин.

Валюта riskининг уч тури бор:

1. Пул ўтказишда юзага келадиган риск – хорижий валютада ифодаланган (мисол учун, хориждаги филиалнинг ҳисоботлари) фирма ёки банкнинг молиявий ҳисоботлари натижаларини миллий валютага ўтказиш (мисол учун, фирманинг молиявий ҳисоботлари консолидация қилиш вақтида);

2. Транзакция (битимлар) rischi – тўловни келажакдаги бир санада амалга оширишда миллий валютанинг қийматини ёки битимнинг даромадлигининг ноаниқлигини акс эттиради. Бунга мисол қилиб, импортерга кредит тақдим этилган ҳолда импортер валютасида товарларни экспорт қилиб олиши хизмат қилади.

3. Иқтисодий риск - келажакда валюта айирбошлаш курсларининг ўзгариши натижасида хорижий валютада ифодаланган фирма актив ва мажбуриятларининг миллий валютадаги қийматининг ўзгаришидир. Бунга мисол қилиб, фирманинг хорижий бўлинма ва филиалларининг активи ва мажбуриятларини кўрсатиш мумкин.

Пул ўтказишда юзага келадиган риск – бу ҳисоб-китоб амалиётида юзага келиб, хорижий валютада ифодаланган фирма ёки банкнинг актив ва мажбуриятларининг миллий валютага ўтказишда даврий равишда айирбошлаш курсининг ўзгариб туришидир. Агарда миллий валютада ифодаланган хорижий валюта қимматлашса, у ҳолда фирма ёки банкнинг хорижий валютадаги активлари, мажбуриятлари ва мол-мулки ҳам миллий валютага нисбатан қиймат жиҳатидан ошади. Хорижий валюта айирбошлаш курсининг қадрсизланиши юқоридаги ҳолатнинг акси бўлиб чиқади.

Транзакция (битимлар) rischi тўлашга йўналтирилган ёки тўловга қабул қилинган хорижий валютада ифодаланган ҳисоб билан боғлиқ молиявий рискдир. Айирбошлаш курси транзакцион кўринишга тегишли равишда хежирлаш (суғурталаш) орқали барҳам берилмагунга қадар фирманинг даромадига, миллий валютада тўловларни қабул қилиш ва тўлаш ўзгаришига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Барқарор сиёсатни амалга ошириш мақсадида тижорат банклари доимий равишда ўз мижозларидан айирбошлаш курсининг кутилмаган ўзгаришларидан юзага келадиган зарарларни олдини олиши учун уларни хежирлашни тавсия қиладилар.

Банклар ўз мижозлари қатори рискларни минималлаштириш манфаатини кўзлайдилар. Фоиз рисклари ҳолатида халқаро банклар ва фирмалар одатда айирбошлаш курсининг прогнозлашига жуда кўп вақтлари ва ҳаракатларини сарфлайдилар. Айирбошлаш курсларини прогнозлаш миллий (ички) фоиз ставкаларини баҳолашдан анча мураккаб ҳодиса эканлигини исботлаб берди. Бунга асосий сабаб бўлиб, ҳар қандай давлатда ички фоиз ставкаларига нисбатан айирбошлаш курсларининг жуда кўп миқдордаги мураккаб ўзгарувчанлик хусусиятига эга эканлигидир.

Айирбошлаш курслари ва фоиз ставкаларини прогнозлашга қизиқиш ва ўз навбатида хорижий валюталар позициясини «очиқ» қолдириш (хежирламаслик) корпоратив ғазначиликда юқори бўлиб турибди, бу эса баъзида ҳалокатли натижаларга олиб келади.

Бозор иқтисодиёти корхона, жамоа ташкилотлари, кооперативлар, банклар ва фуқароларга ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта хўжалигини мустақил тарзда амалга ошириш имкониятини юзага келтирди. Ҳеч кимга сир эмаски, бозор иқтисодиёти риск билан боғлиқ. У билан банкирлар ҳам, тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам тўқнашади. Бироқ, кўпгина ҳолларда рискни камайтириш, олдини олиш, ва ҳаттоки ундан қочиш мумкин. Молиявий

рискларни камайтиришда банклар муҳим ўрин тутати. Ташқи иқтисодий фаолиятларни қайта қурилиши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқ равишда ўзгартиришларини тақозо этади. Уларнинг хўжалик фаолиятларига валюта курсларининг тебраниши сезиларли таъсир кўрсатади.

Банк тизимини эркинлаштириш, алоҳида олинган корпоратив банкларни фаолиятини универсаллаштириш шароитида, алоҳида олинган банк рискларини ҳисоблаш ва баҳолаш муаммоси амалий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятида доимо учраб турадиган валюта рисклари хусусида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Валюта рискларининг мавжудлиги – валюта бозорларида валюта операцияларни амалга оширилиши, трансмиллий корхоналарни барпо этиш орқали, банк операциялари бозорини байналминаллашуви, шу жумладан уларни фаолиятини диверсификациялаш билан боғлиқ. Шу сабабдан, рискка бир қатор омиллар сезиларли таъсир кўрсатадилар. Буларга мисол қилиб, географик, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик ва бошқа омилларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида деярли кўп мамлакатларда пул бирлиги қадрининг пасайиши кузатилмоқда. Пул қадрининг юқори ёки паст бўлиши муомала учун зарур пул миқдорини ўзгартиради. Бироқ, товар ва хизматлар нархи арзонлашганда пулнинг қадри ошади, қимматлашганда эса камаяди. Муайян мамлакатдаги миллий валюта қадрини унинг миқдори ўзгармаган тақдирда турли омиллар белгилайди. Энг аввал буни пулнинг моддий таъминланиши, яъни пул ортида турган товарларнинг миқдори ва сифати белгилайди. Товар ва хизматлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик пулга уларни кўпроқ харид этилади. Бундан келиб чиқиб, пул қадри ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади. Қаерда ишлаб чиқариш кучли бўлса, шу ерда пул қадри барқарор бўлади.

Миллий валюта қадрсизланишининг асосий сабаби пул ва товар массасининг мос келмаслигидир (нақд ва нақд бўлмаган пулларнинг товарлар билан таъминланмаганлиги). Пул массасининг товарлардан ортиқчалиги пул қадрсизланишининг биринчи сабабидир.

Пул муомаласи томонидан инфляцион босимни аниқловчи бошқа омил бўлиб давлат бошқаруви, ҳарбий харажатларнинг ўсиши, иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа давлат харажатларининг ўсиши ҳисобланади. Ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатлар бюджети доимий равишда молиявий ресурсларга эҳтиёж сезади. Бунинг натижасида бу давлатлар бюджети сурункали ресурс етишмаслигига дучор бўлади.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини амалга ошириб, муомалага қўшимча пул чиқаради, бу пул давлат буюртмалари ҳақини тўлаш, бюджет ташкилотларида иш ҳақи тўлаш орқали муомаладаги пулга келиб қўшилади ва унинг миқдорини кўпайтириб юборади. Пулнинг кўпайишига жавобан товар ва хизматлар кўпайиб улгурмайди. Ортиқча пул товар билан таъминланмаганлигидан нарх ошади. Нархларнинг ортиши

пулнинг кўпайиши ҳисобидан бўлганда инфляцияда пул феномени (ҳодисаси) юзага келади. Эмиссия туфайли инфляция юз берганда инфляцион солиқ ундирилади, яъни давлат ўз харажатларини кўшимча пул чиқарилиши ҳисобидан қоплайди. Пул кўпайиб нарх ошади, аҳолининг пули қадрсизланади, давлат эса бундан ютади. Демак, аҳоли давлатга кўзга кўринмайдиган солиқ тўлайди. Агар одатдаги солиқларни кишилар ҳар хил тўлашса, инфляцион солиқни ҳамма пули борлар бир хил тўлайди. Уларни инфляциядан йўқотиш улар пулидан солиқ чегиришга ўхшаб кетади.

Ишлаб чиқаришнинг қисқариши. Бунда пул массаси ўзгармайди, лекин товарлар ҳажми қисқаради. Натижада пулнинг товар билан таъминланиши камаяди, товар дефицити ҳосил бўлиб нарх ошади, пул эса қадрсизланади.

Ресурслар камёблигидан уларга талаб ошиб, уларнинг нархи кўтарилади, бу ўз навбатида харажатларни, бинобарин нархини оширади. Бунинг натижасида, пул массаси ўзгармаган тақдирда ҳам пулнинг қадри пасаяди. Бундай ҳол айниқса импорт қилинадиган хом-ашё, материаллар ва ёқилғи нархлари ошганда юз беради. Кейинги пайтда нефть нархининг ошиб кетиши нефть импортига қарам мамлакатларда нархнинг ошишига сабаб бўлган. Ресурсларнинг қимматлашуви маҳсулотнинг бирлигига кетган сарфининг ошишига олиб келиб, тайёр маҳсулотларнинг қимматлашувига сабаб бўлади.

Валюта захиралари ҳисобидан импортни кўпайтириб, миллий пулнинг товар билан таъминланишини ошириш мумкин. Захира ролини ўтовчи валюталар қадрсизланса, уларга четдан олинadиган товарлар миқдори қисқаради, бунда импортнинг қадрсизланиши юз беради. Импорт қилинган товарлар миқдори камайгач, миллий пулнинг моддий таъминланиши пасаяди, нархлар ўса бошлайди. Валюта захираси харид қурби пасайишидан ҳосил бўлган инфляция импорт қилинган, яъни ташқаридан кириб келган инфляция деб аталади, чунки захирани ташкил этган валюта ўз мамлакатада инфляция туфайли қадрсизланиб, инфляцияни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиради. Шундай ҳодиса ўтган асрнинг 70-йилларида юз берган. Резерв (захира) валютаси ҳисобланган АҚШ долларининг кучли инфляцияга дуч келиши валюта захираси бор ерда импортни қисқартирган. Шу сабабли бир қатор Европа мамлакатлари захираларидаги АҚШ долларини олтинга алмаштириб беришни талаб қилишган.

Валюта курсини баҳолашда эксперт маълумотларига асосланган ҳолда уни шаклланиши ўрганиш асосида қўллаш мумкин. Валюта курсини техникавий истиқболаштиришда қуйидаги:

$$E_t = a_0 + a_1 x_{e_{t-1}} + a_2 x_{e_{t-2}} + \dots a_n x_{e_{t-n}}$$

формула орқали аниқланади. Бу ерда:

E_t – валюта курсини, истиқболлаштириш даврида ўзгариши t - даврида;

$e_{t-1}, e_{t-2} \dots e_{t-n}$ - валюта курсини ўша давридаги ўзгариши;

$t-1, t-2, \dots t-n$ - эҳтимоллаштиришни тузишни асосланиш даври;

$a_n x_e$ - статистик коэффициент бўлиб у корреляция-регрессион усулда ёки бошқа усулда (k - дан n - гача).

Техник жиҳатдан истиқболаштириш оддий шакл бўлиб валюта курсини истиқболлаштириш мумкин.

Фундаменталь истиқболлаштириш техник истиқболаштиришдан фарқ қилиб у экстрополяция усули асосида валюта бозоридан ташқари бўлган омиларга боғлиқ эканлигини таҳлил қилиш асосида истиқболлаштирилади. У қуйидаги формулада ифодаланади.

$$E_t = a_0 + a_1 x_{1t} + \dots a_n x_{nt} + a_n * x_{nt} + 1 + Y1 \quad t-1 = 1 + \dots a_n + m Y m_{t-1}$$

Бу ерда:

$X_t \dots X_{nt}$ - хорижий валюта курсларига таъсир этувчи омиларни ифодалайди ва шулар асосида валюта курси истиқлоллаштирилади, t ;

$Y_{p \ t-1}, \dots Y_{m \ t-1}$ - аниқ маълумотлар асосида хорижий валюталарга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади $t-1$ - даврида;

$n_1 \ m$ - биринчи ва иккинчи грухлардаги омиллар.

Валюта курсини истиқлоллаштириш икки омилга асосланиши орқали Фишер томонидан таклиф қилинган валюта курсини истиқболлаштириш модели инфляция даражасига ва мамлакатларда валюта курсига қўйилаётган фоиз ставкаларига боғлиқ ҳолда аниқлаш таклиф этилган.

Инфляция даража валюта курсини истиқболлаштириш давригачан олиниши керак. Иккинчи омил фоиз ставкалари ҳисобланади.

Валюта курсини истиқлоллаштиришда валюта фоиз ставкалари ҳам истиқболлаштирилади.

Шундай қилиб валюта курсини истиқболлаштириш бир неча муаммолар билан боғлиқ бўлиб уларни ҳал этилиши уни истиқболлаштириш сифатини оширади.

Валюта курсини истиқболлаштиришда унга таъсир этувчи омиллар маълум бир даврдан келиб чиқиши лозим ва узоқ даврга асосланиши ва қўйилган талабларга жавоб бериши лозим.

Чунки кўпчилик ҳолтатда уни аниқлаш ёки ўртача ҳолатини ифодалаш валюта курсини ўсишини сунъий равишда бўлишга олиб келади. Натижада у абсолют жиҳатдан валюта курсини ўсишини ифодаласлиги мумкин.

Валюта курсини фундаменталь истиқболлаштиришнинг асосли шакли икки омилга боғлиқ бўлиб уни истиқболлаштиришда:

$$E_t = a_0 + a_1 x_1 + a_2 Y_{t-1}$$

формуласи асосида ҳисоблаш мумкин.

Бу формулада:

X_1 -истиқболлаштириш даврини;

t - икки мамлакатдаги фоиз ставкаларини фарқини;

Y_{t-1} амалда $t-1$ - даврида мамлакатларда инфляция даражасини фарқини ифодалайди.

Фараз қилайлик фундаменталь истиқболлаштириш учун қуйидаги тенгламага эга бўлдик.

$$E_t = 0,2 - 0,6x_t + 0,5Y_{t-1}$$

Бу формулага асосан бир мамлактда инфляцияни даражасини ҳар бир фоизни ўсиши, иккинчи мамлакатдаги инфляция даражасига нисбатан валюта курсини истикболда ўсиши 0.5 фоизни ташкил этади.

Бу ҳолат хорижий валюта курсини ўсиши унинг харид қилиш қобилиятини оширади, бу ўз навбатида инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатнинг валюта курсини ва уни харид қилиш қобилиятини пасайишига олиб келади.

Инфляция даражасини ўсиши фоиз даражаларини пасайишига олиб келади ва бу ўз навбатида валютанинг курсини пасайишига, харид қилиш қобилиятини пасайишига олиб келади. Валюта курсига истикболлаштиришга инфляция даражасини таъсирини қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар орқали асослаш мумкин.

4.1-жадвал

Валюта курсини истикболлаштириш моҳияти²⁵

Вариантлар	$a_0 + a_2 Y_{t-1}$	$a_1 x_1$	et	Фоизда амалга ошиши даражаси
1	0,7	2,4	3,1	10
2	0,7	3,0	3,7	60
3	0,7	3,6	4,3	30

Инфляция даражасини иккинчи мамлакатдаги инфляция даражасига нисбатан юқори бўлиши валюта фоизини тўловларини пасайишига олиб келади. Оқибатда валюта курсини истикболлаштиришда инфляция даражаси (60 фоиз) бўлган мамлакатда валюта курси 3,7 фоизни, 30 фоиз бўлганда 4.3 фоизни нихоят 10 фоизни ташкил этганда, 3.1 фоизни ташкил этади. Уни қуйидагича ўртача ҳолатини ҳисоблаш мумкин.

$$3,1 * 0,10 + 3,7 * 0,60 + 4,3 * 0,30 = 382$$

Валюта курсини истикболлаштиришнинг учунчи услуби юқорида ифодаланган услублардан тубдан фарқланади. Бу услуб фоиз ставкаси паритети назариясига асосланади.

4.2. Валюта рискининг даражасига таъсир этувчи омиллар

Валюта риси даражасининг ўзгариши бир қатор муҳим омилларга боғлиқ. Ана шундай омиллардан бири - бу макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришидир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат бюджети 3% камомаднинг мавжудлиги бу молия тизимининг самарасизлигини, давлат бюджети даромадларининг етарли шаклланмаганлигини, шунингдек молия механизмлари яхши фаолият юритмаслигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромади ва харажатларининг ЯИМдаги нисбатига эътибор қаратилса, йил якунларига

²⁵ Taylor, J. The Robustness and Efficiency of Monetary Policy Rules as Guidelines for Interest Rate Setting by European Central Bank//Journal of Monetary Economics. Vol. 43. Issues, 1993. – P. 655-679.

кўра, иқтисодий ўсишнинг барқарор давом этиши туфайли бюджет ижроси ЯИМга нисбатан 2010 йилда 0,3%, 2011 йилда 0,3%, 2012 йилда 0,4%, 2013 йилда 0,3%, 2014 йилда эса, 0,2% профицит билан яқунланди. Ушбу мавжуд макроиқтисодий ҳолатни қониқарли баҳолаш мумкин.

Давлат бюджети тушумларинг 1–2%гача атрофида режага нисбатан етишмовчилиги меъёрий ҳолат деб баҳоланган. Камомаднинг 3% дан ошиши салбий ҳолат бўлса, 8% дан ортиб кетиши эса иқтисодиётга реал хавф туғдиради. Республикадаги ҳолат анча ижобий: давлат бюджети режасининг бажарилишини кўрсаткичи 2005 йилдан то 2015 йилга қадар профицит билан яқунланган.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, жадвал мълумотларидан кўриниб турибдики, 2008-2012 йиллар давомида мамлакатимизда олтин-валюта захираларининг етарлиги, давлат бюджетининг профицит билан яқунланаётганлигини ушбу соҳаларда иқтисодий аҳвол яхши деб баҳоланса, инфляция даражаси инқироз олди ривож даражасига келиб қолган.

Шунингдек, нақд пул кўринишидаги хорижий валютанинг жами миллий валюта ҳажмидаги улуши кўплиги ҳамда миллий валюта курси динамикаси “қора бозор” валюта курсига нисбати инқирознинг фавқулудда даражасига етиб, миллий иқтисодиётнинг ушбу тармоқлари оқсаб бораётганлини кўрсатмоқда. Хусусан, айти пайтда ушбу кўрсаткичлар миллий валютанинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, бу соҳада алоҳида стратегик вазифалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Экспертлар томонидан берилган фикрларда, ҳамда норасмий интернет сайтларида жами муомаладаги пул маблағларида хорижий валюталар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (МДХ ва Жанубий Корея) ишлаётган мигрантлар томонидан хорижий валюталар ҳамда давлатхудудида кўчмас мулклар (уй жой) ва барча турдаги автомобиль савдоси, аҳоли томонидан тижорат банкларидан сотиб олинаётган валюта қимматликларининг норасмий қора бозорларга чиқиши асосида шаклланиб бормоқда.

Мамлакатда ушбу кўрсаткич жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида паст тенденциядаги кўрсаткичларга эга бўлсада, ўтган 2011 ва 2012 йиллар давомида ўсиш кўрсаткичига эга бўлган. Бу эса инқирознинг бошланғич даврига келиб миллий иқтисодиётнинг долларлашувига олиб келмоқда. Ўз навбатида бундай кўрсаткич аҳоли онгида миллий валютанинг барқарорлигига нисбатан ишончини сусайтириб, бошқа валюталарни сақлаш ва жамғаришга талабини оширади.

Олтин валюта захирасининг мамлакат импортига нисбатан ҳажми 3 ойга етиши керак.

Олтин-валюта захираси (ОВЗ) икки компонентдан ташкил топади: валюта захираси ва олтин захираси.

1. Валюта захираси – давлатнинг молия органлари ёки халқаро валюта-кредит ташкилотларидаги расмий валюта захираси. Ушбу захира қутилмаган вазиятларда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун

маблағга эга бўлиш мақсадида тайинланади. АҚШ доллари дунё мамлакатларида захира мақсадида етакчиликни банд этиб келмоқда (2013 йил якунига кўра, барча давлатлар валюта захирасининг 61,7% ушбу валютага тўғри келган).

Аввалдан, олтин халқаро захиранинг асоси, тўлов баланслари бўйича катъий ҳисоб-китоб воситаси бўлиб хизмат қилиб келган. ОВЗ молиявий хавфсизликда муҳим ўрин тутиб, ундан мамлакат миқёсидаги стратегик дастурларни амалга оширишда, фавқулотда ҳолатлар содир бўлганда ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондириш учун ташкил қилинади.

2017 йил ҳолатига Ўзбекистоннинг расмий олтин-валюта захиралари 26567,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган²⁶.

Инфляция омили. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланиш даврида Ўзбекистонда инфляция даражаси ҳозирги кўрсаткичга нисбатан пастроқ, яъни 2008 йилда, 6,8% ни ташкил этган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авжига чиққан 2009 йилда эса 7,8%га ошиб, 2010 йилда 7,4%, 2011 йилда, 7,3 фоизни, ҳамда 2012 йилда 7% ни ташкил қилган.

Нақд хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошиши миллий валютанинг қадрининг пасайишига, инфляциянинг кучайишига олиб келади. Шу сабабли, монетар сиёсатни амалга оширишда нақд хорижий валюталарга бўлган талабнинг ўзгариши алоҳида эътиборга олинади.

Пулларни ноқонуний нақдлаштириш ва банк тизимидаги ноқонуний операциялар валюта rischi даражасига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда валюта соҳасида индикаторлар сифатида асосан миллий валютанинг реал алмашув курси, инфляция даражаси, давлат бюджети дефицити, олтин-валюта захирасининг миқдори, ташқи қарзлар ва уларнинг мамлакат импорти ва экспортига нисбати кўрсаткичларидан фойдаланилмоқда.

4.3. Валюта riskини бошқариш усуллари

Валюта riskини бошқаришда тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тижорат банкларидаги валютани айирбошлаш бўлинмалари ҳам одатда очиқ позицияларни ушлаб туришга ҳаракат қилишади: «узун» позицияни (хорижий валюта захираларини кўпайтирадилар) ёки «қисқа» позицияни (хорижий валюта захираларини камайтирадилар) қолдирадилар. Бу ҳолат одатда банк иқтисодчиси ёки бош валюта дилери томонидан тайёрланган ва юқори раҳбарият томонидан маъқулланган «боғлиқ» валюта прогнозлашга асосланган мақсадли riskларни қабул қилишдир, у эса ўз навбатида банк учун катта хатар келтиради. Шундай қилиб, валюта савдосида банк менежменти учун энг самарали сиёсат бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) мижозлар ташаббуси билан амалга ошириладиган тижорат транзакциялари (савдо битимлари асосида бўлган) учун валюта битимларини чеклаш;

²⁶ Олтин-валюта захиралари. www.cbu.uz.

б) корпоратив мижозлар томонидан доимий равишда талаб қилинадиган валюта кассалари учун овернайт амалиётига қаттиқ чекловлар ўрнатиш ҳамда асосий конвертирланадиган валюталар учун лимитларни чеклаш;

в) банкнинг валюта савдосида актив бўлган барча корпоратив ва бошқа мижозлари учун банкнинг иш вақти ва овернайт вақтида валютани айирбошлашга лимитлар, шунингдек, уларнинг фаолияти устидан мониторинг ўрнатиш.

Иқтисодий риск – мазкур валюта рискининг учинчи кўриниши бўлиб, мультимиллий фирма учун энг муҳим риск ҳисобланади ва фирманинг актив қийматига айирбошлаш курсининг ўзгаришининг узок муддатли таъсирини ўлчайди.

Валюта-иқтисодий рискни ўлчаниши мушкул вазифадир. Чунки, валюта курсининг ўзгариш самарасини бир вақтнинг ўзида нисбий инфляция суръатлари (унинг асосида ётган ва ҳар бир валюта билан боғлиқ) пул оқимларига таъсирини олдини олиш тўлақонли таҳлилсиз мумкин эмас. Фирмага валюта курслари ўзгаришларини иқтисодий таъсири инфляция суръатларидаги курс ўзгаришлари фарқларининг тўлиқ қопланганлигига боғлиқ. Агар (наrx назоратига, монетар сиёсат ўзгаришига ва бошқ.) ҳақиқий валюта курси (ўз навбатида, нисбий наrxлар) ўзгарса, у ҳолда нисбий наrxлар ўзгариши охир-оқибатда фирманинг узок муддатли рақобатли рискни аниқлаб беради. Бунда қатъий белгиланган валюта курси режими сузиб юрувчи курслар режимига нисбатан валютанинг катта рақобатли рискига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, банклар ҳар бир алоҳида амалиёт бўйича (валюта келишуви, ҳимоя келишуви, олтин келишуви, мультивалюта келишуви, кафолатлар қўлланилиши, форвард битимлари ва своп битимлари) валюта рискларини тартибга солишда турли услубларни қўллаш йўли орқали валюта амалиётларидан зарарлар рискни камайтиришга ҳаракат қилишлари зарур.

Валюта курсларини ўзгаришларини аниқроқ прогнозлаштириш, валюта рискларини суғурталаш (хежирлаш) дан фойдаланиш зарурдир.

Банклар барқарор сиёсатни ишлаб чиқишлари лозим. Яъни, хорижий валютада барча актив ва мажбуриятлар миқдори ва муддатларига лимитлаш ўрнатишлари ҳамда ҳар бир алоҳида валюта лимитлари бўйича доимий мониторинг ва даврий кузатишни амалга оширишлари зарур. Бундай сиёсат бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва лимитлар банкнинг кредит сиёсатида мукаммал белгиланиши шарт.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда ваколатли банклар валюта амалиётларини амалга ошириш доирасини жаҳон амалиётига мувофиқ кенгайтиришга ёрдам берадиган Ўзбекистон валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, манфаатдор органларга халқаро валюта бозори фаолият юритиш услубларини диққат билан ўрганиш ҳамда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларга йўл қўймаслик мақсадида валюта рискларини тартибга солиш инструментларини қўллаш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини Марказий банк томонидан тартибга солиниши банк тизимидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органи бўлиб ҳисобланади.

Бу масаланинг долзарблиги асосан, кўпгина йирик ваколатли банкларнинг активларининг асосий қисмини валюта соҳасига йўналтирилганлиги, яъни хорижий валютадаги активлардан иборатлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш принциплари ва валюта қимматликлари билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни билан аниқланади. Ушбу қонун талабларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида хорижий валюта билан боқлик барча ҳисоб-китоблар фақат ваколатли банклар орқали, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини ўтказишга рухсат берувчи лицензиясига эга бўлган тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бундай лицензияга эга бўлган тижорат банклари ваколатли банк ҳисобланади.

Тижорат банкларининг валюта фаолиятларини тартибга солишда очик валюта позициясини юритилиши ҳақидаги ҳисобот муҳим ўрин тутати. Бу ҳисоботнинг таҳлил қилишнинг зарурати Марказий банк томонидан республикадаги мавжуд ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришга қаратилган сиёсати билан изоҳланади. Чунки, Марказий банк томонидан ваколатли банкларга чет эл валютаси билан боқлик операцияларга лимит ўрнатади. Бу тартиб бўйича банкнинг ўз маблақларига нисбатан 20 фоизгача валюта сотиб олиши ва сотишига рухсат бор. Бир валюта тури бўйича бу кўрсаткич 5 фоиз қилиб белгиланган. Лимит ўрнатишнинг асосий сабаби, ваколатли банкларнинг валютавий рискларини камайтиришдир. Чунки, ваколатли банклар барча активларини чет эл валюталарига қўйса, ва бу валюталарнинг курси жаҳон валюта бозорида тушиб кетса, банк активлари камайиши ва ҳатто банк банкрот бўлиши мумкин (бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини секин-асталик билан инқирозга юз тутишига замин яратади). Шуни олдини олиш мақсадида, бу лимит барча ваколатли банклар учун жорий қилинган.

Валюта позициясига лимит ҳар бир давлатда унинг иқтисодиётининг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ўрнатилиши маълум. Қуйида келтирилган маълумотлар бунга ёрқин далил бўлади.

Қуйидаги келтирилган давлатларда очик валюта позициясига қуйидагича миқдорда белгиланган:

1. Австрия (1997 йил 31 декабрь ҳолатига): бир валюта тури бўйича кун давомида 30% ва умумий валюта позицияси бўйича 50% қилиб белгиланган.
2. Хитой (1998 йил 31 январь ҳолатига): кун давомида молия институтлари хорижий валютани олди-сотди қилишларида капиталга

нисбатан 20% ҳажмдан оширмасликлари лозим. Шу билан бирга, куннинг охирида, яъни валюта позицияларини ёпишда капиталга нисбатан 1% миқдорда очик лимит ушлашга рухсат этилган.

3. Буюк Британия (1997 йил 31 декабрь ҳолатига): бу ерда очик валюта позициясига қатъий лимит ўрнатилмаган. Лекин, фақат фоизсиз депозитларнинг 0,35%и Англия банкида сақланиши кўзда тутилган.

4. Австралия (1998 йил 31 март ҳолатига): 1998 йил 27 мартдан очик валюта позицияларига лимитни ўрнатиш ташқи валюта бозорида иштирок этувчи дилерларга ваколат берилган.

5. Швеция: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига): бир валюта тури бўйича кун давомида 15% ва умумий валюта позицияси бўйича 30% қилиб белгиланган.

6. Вьетнам: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига): капиталга нисбатан умумий валюта позицияси бўйича 15% лимит белгиланган.

7. Литва: (1997 йил 31 декабрь ҳолатига): бир валюта тури бўйича очик валюта позицияси банкнинг капиталига нисбатан 20% ва умумий валюта позицияси бўйича 30% дан ошмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда амалда Марказий банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган «Очик валюта позициясини юритилиши қоидалари» амал қилади.

Фикримизча, юқорида қайд этилган тартибда бир қатор ўз ечимини топмаган масалалар учрайди. Хусусан: қонданининг 2- банди бўйича: очик валюта позициясининг лимит миқдори жуда кам ўрнатилган. Яъни, барча хорижий валюта позицияси бўйича 20 фоиз, аниқ бир валюта тури бўйича эса - 5 фоиз. Фикримизча, ушбу фоиз миқдорларини қайта кўриш керак. Чунки, бизнинг республика ваколатли банклари асосан икки валюта (Евро киритилишигача бўлган даврда асосан битта – АҲШ доллари) билан ишлашади. Демакки, улар ўз валюта позицияларини ошиб борса 10 фоиз қиладилар. Яна баъзи бир валюталарни кўшсак, бу кўрсаткич ошиб борса 12-14 фоизни ташкил қилади. Яъни уларнинг позиция имкониятлари чекланади. Фикримизча, биринчидан, умумий валюта позицияси миқдорини яна 5-10 фоизга ошириш керак. Чунки, жорий операциялар бўйича конвертация масаласи тўла ҳал қилинса, банклар, жумладан уларнинг мижозлари ҳисобланмиш корхона ва ташкилотлар (мулк шаклидан қатъий назар) халқаро жаҳон бозорига, яъни интеграция жараёнига жадал киришиб кетадилар. Демакки, умумий позициянинг миқдорини камлиги бу жараёнга ҳалақит бериши мумкин. Иккинчидан, ҳар бир валюта тури бўйича позициянинг лимитини яна 5 фоизга ошириш керак.

Мазкур тартиб бўйича ҳисобот бир ойда бир кун тузилиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, жорий валюта операциялари бўйича мавжуд чеклашлар олиб ташланса, банклар ушбу лимитни бузмаслик учун ҳисобот тузилиши санасида қисқа позиция қилишлари, ва аксинча бошқа кунлар мобайнида позицияни узун қилиб - лимитни бузишлари мумкин. Шу сабабли, мазкур ҳисоботни тақдим этилиш муддатини яна бир бор қайта кўриш керак

ёки ушбу чегарани ваколатли банклар хар куни ушлашларини белгилаб кўйиш лозим.

Шу масала ҳал қилинмаса, ички валюта бозори анчагина ликвид маблағлардан маҳрум бўлиши ва фақат ойнинг бир-икки куни давомида жуда катта миқдорда ликвид маблағларга эга бўлиши мумкин. Бу ҳаққоний валюта бозорини нормал фаолият кўрсатишини бузилишига олиб келади.

Агар банкнинг мижози унинг учун валюта ресурсларини сотиб олишни талаб қилса-да, ва 5 кун муддат ичида мазкур валютани сотиб олмаса, ушбу валюта ресурсларининг миқдори банк учун узун валюта позицияси ҳисобланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, мижоз хорижий валютани ўз вақтида сотиб олмаса, риск тўғридан-тўғри банкнинг бўйнига тушади. Шу сабабли, мазкур тартибни такомиллаштириш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг хорижий валютадаги захираларини халқаро ҳисоб-китобларда юқори салмоққа эга бўлган валюталарда шакллантириши лозим. Таҳлил натижалари кўрсатдики, АҚШ долларидаги захираларнинг халқаро захираларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига 66,5 фоизни, евродаги захиралар 24,4 фоизни, Буюк Британия фунт стерлингидаги захиралар – 3,7 фоизни, Япония иенидаги захиралар 3,6 фоизни, Швейцария франкидаги захиралар эса 0,1 фоизни ташкил этди.

Айни вақтда, халқаро захиралар ҳажмида АҚШ долларида шакллантирилган захираларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Фикримизча, бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, АҚШ долларининг бошқа етакчи валюталарга нисбатан номинал алмашув курсининг тебраниш диапозони катта эмас; иккинчидан, АҚШ долларида эмиссия қилинган АҚШ ҳукуматининг ва Федерал фондларининг қимматли қоғозлари юқори ликвидли ва ишончли инвестициялаш объектлари ҳисобланади; учинчидан, ҳозирга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, МДҲ давлатларида валюта интервенцияси воситаси бўлиб АҚШ доллари ҳисобланади; тўртинчидан, кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари ташқи қарзининг асосий қисми АҚШ долларида шаклланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати асосида мамлакат иқтисодиётига жалб этилган халқаро кредитларнинг умумий ҳажмида АҚШ долларида жалб этилган кредитларнинг салмоғи 80 фоиздан юқоридир²⁷. Шуниси характерлики, дунёнинг кўплаб мамлакатларида хорижий валютадаги захираларнинг таркибини ташқи қарзнинг таркибига мос равишда шакллантириш тенденцияси кузатилмоқда. Чунончи, Бразилияда халқаро захиралар учта валютада – АҚШ доллари, евро ва Япония иенида шакллантирилган. Чунки мамлакатнинг ташқи қарзи мазкур уч валютадаги қарздан иборат. Жанубий Кореяда халқаро захираларнинг инвестицион таркиби ташқи қарзнинг валютавий таркибига ва жорий валюта

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди..

операциялари бўйича тўловларни қайси валюталарда амалга оширилаётганлигига мос равишда шакллантирилмоқда. Чехияда эса расмий валюта захиралари АҚШ доллари ва еврода шакллантирилган. Уни шакллантиришда эътиборга олинadиган асосий омиллардан бири ташқи қарзнинг валютавий таркиби ҳисобланади²⁸.

Мамлакатда “қора бозор”нинг ноқонуний фаолияти миллий валюта барқарорлиги учун таҳдидлардан бири ҳисобланади. Бироқ, бу ҳолат ҳозирги кунда кўпгина иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам сақланиб қолмоқда. Шундай қилиб, МДХ доирасидаги қатор давлатларда (Россия, Украина, Қозоғистон) мазкур ноқонуний бозорлар ва улардаги расмий валюта курси таҳлилидан келиб чиқиб ушбу индикатор ва чегаравий қийматлар аниқланди. Таъкидлаш мумкинки, айни пайтда “қора бозор”нинг мавжудлиги сўмни бошқа қаттиқ валюталарга нисбатан (АҚШ доллари ва Евро) қадри тушишига олиб келмоқда. Айниқса, сўнги йилларда ундаги валюта курсининг расмий курсга нисбатан кескин ўсиб кетиши кузатилган.

Назорат учун саволлар

1. Валюта rischi нима?
2. Валюта riskини юзага келтирувчи қандай сабаблар мавжуд?
3. Валюта riskининг қандай турлари мавжуд?
4. Валюта riskининг даражасини қандай баҳолаш мумкин?
5. Муддатли валюта битимлари валюта rischi даражасини қай даражада пасайтира олади?
6. Банкларнинг очиқ валюта позицияларини қисқартиришнинг қандай усуллари мавжуд?

²⁸ Фаненко М. Международная ликвидность и диверсификация официальных резервных активов.// Мировая экономика и международные отношения. – Москва. 2007 - № 6. – С.56.

V-БОБ.ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.1. Валюта операцияларини тартибга солиш

Валюта операцияларини тартибга солиш деганда валюталар ва валютавий қимматликлар билан олди - сотди қилиш ҳамда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи тизим тушунилади.

Валюта операциялари ички қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро валютавий битимлар билан тартибга солинади.

Валюта операцияларини тартибга солиш қуйидаги принципларга таянади:

1. Валюта операцияларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги принципи.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси, мазмунига кўра ички валюта қонунчилигига кўра ва халқаро қоидалар ва конвенциялардан иборат. Бунда ички валюта қонунчилигига соҳага оид бўлган мавжуд қонунлар (Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонун, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун ва бошқалар), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Солиқ кодекси, Валютани назорат қилувчи давлат органларининг (Марказий банк, Молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси) амалдаги йўриқномалари киради.

Халқаро қоидалар ва конвенциялар ҳамда ХВФнинг валюта муносабатларига оид мажбуриятларини қабул қилиш юзасидан келишувлар валюта операцияларни тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларининг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади.

2. Валюта операцияларини лицензиялаш принципи

Импортёрлар хорижий валютани харид қилиш валютани назорат қилиш органларининг розилигини олишлари керак. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишлари учун Марказий банкдан Бош лицензия олишлари шарт.

3. Валюта операцияларини Марказий банк ва ваколатли банклар орқали амалга ошириш принципи.

Валюта операцияларинининг мутлақ асосий қисми (85-90%) тижорат банклари орқали амалга оширилади. Бу эса, биринчидан, валюта операциялари тижорат банкларининг асосий операция турларидан бири эканлиги билан, иккинчидан, Марказий банк томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига молиявий хизматлар кўрсатилмаслиги билан изоҳланади

Марказий банк эса, ўзининг валюта сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, валюта операцияларинини амалга оширади.

4. Валюта ҳисобрақамларидаги маблағларни ишлатилишига нисбатан чекловлар ўрнатиш принципи.

Масалан, хорижлик экспартёрларнинг ушбу мамлакатда товарларни сотишдан олган тушумидан фойдаланишига нисбатан қисман ёки тўлиқ таъқиқ белгиланиши мумкин.

5. Миллий валютани хорижий валюталарга конвертирлашни чеклаш принципи.

Хорижий валюталар тақчиллиги мавжуд бўлган ёки тўлов баланси дефицити чуқурлашган мамлакатларда конвертация муаммоси кузатилади. Бундай шароитда ҳукумат ва Марказий банк конверсион операцияларга нисбатан чекловлар жорий қилишга мажбур бўлади.

ХВФ валютавий чекловларга қарши. Хусусан ХВФ келишувлар моддасининг 8-моддаси жорий валюта операциялари бўйича чекловларни бекор қилишни кўзда тутди. 1978 йилда ХВФ келишувлар моддасининг 4-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, капиталларнинг ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш жаҳон валюта тизимини ривожлантиришнинг устувор мақсадларидан бири сифатида эътироф этилди.

Тижорат банклари халқаро валюта муносабатларининг асосий ва фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Уларнинг жаҳон молия бозорларидаги мавқеи ва роли ХХІ асрга келиб юқори даражада ошди. Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги даврда жаҳон валюта бозорларидаги валюта операцияларининг бир кунлик ҳажми 4 трлн. АҚШ долларидан ошади. Бу операцияларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми 10 та йирик тижорат банкининг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, тижорат банкларининг жаҳон валюта бозорларидаги юксак мавқеидан далолат беради.

Тижорат банклари ва улар миқдорларининг хорижий валюталардаги операциялари уларнинг хорижий тижорат банклари билан ўрнатган вакиллик муносабатлари доирасида амалга оширилади.

Халқаро валюта фонди Низомининг VIII-моддасига имзо чекиш тўлов балансининг жорий операциялари бўйича валютавий чеклашларни бекор қилинишини аниқлатади. Тўлов балансининг жорий операциялар бўлими ўз ичига иккита мустақил балансни олади:

1. Савдо баланси

Савдо балансида экспорт-импорт операциялари бўйича хорижий валюталардаги ҳақиқатда олинган тушумлар ва ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар акс эттирилади. Кредитга сотиб олинган товарлар савдо балансида акс эттирилмайди, балки тўлов балансининг кредитлар бўлимида акс эттирилади.

2. Хизматлар ва нотижорат характеридаги тўловлар баланси.

Бу балансда турли хилдаги хизматлар бўйича, хорижий давлатларда ҳарбий қисмлар сақлаш, дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, халқаро кредитлар бўйича фоизлар тўлаш, инвестициялар бўйича дивидендлар тўлаш каби нотижорат характеридаги тўловлар ва тушумларнинг сўммаси акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан унинг расмий агентлари 2003 йилнинг 15 октябрида Халқаро валюта фонди Низомининг VIII-

моддасига имзо чекдилар. Бу эса, мамлакатда жорий валюта операциялари бўйича валютавий чеклашларни бекор қилинишига олиб келди.

Республикада миллий валюта муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланиб, бунинг замирида миллий валютанинг харид қобилиятини ошириш ҳамда хориж валюталарига нисбатан барқарорликни юзага келтириш масалалари ётади.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Республика ҳукуматининг валюта сиёсати экспортга ишловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ёки протекционизм сиёсатини олиб бориш, етарли даражадаги хорижий валюта захираларини сақлаб туриш мақсадларида сўмнинг етакчи валюталарга нисбатан номинал алмашув курсини зарурий суръатларда девальвациялашга қаратилган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг барқарорлигини ва унинг бозорда эркин алмашинувини таъминлаш мақсадида аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўрт йўналишдаги тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Биринчидан, мамлакат товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш ҳамда протекционизм сиёсатини олиб бориш керак. Бундаги устувор вазифа одамларнинг бирламчи талаблари бўйича маҳсулотларни мамлакатда ишлаб чиқаришни имкони борица кенгайтиришдан иборат.

Ҳолат юзасидан 2013 йилнинг январ ойида ва импорт товарларни қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1913²⁹-сонли қарори ва маҳаллийлаштириш дастури³⁰ ишлаб чиқилган. Бундан кўриниб турибдики мамлакатимизда протекционизм сиёсати ишлаб чиқилиб, ички бозорни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Унинг таҳлилий жиҳатларини кейинги боб режаларида кўриб чиқилади.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши ва эркин алмашинуви (конвертация) етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бунинг учун корхоналарнинг экспорт имкониятини кенгайтириш ва шу орқали жаҳон бозорида мустаҳкам ўринни қўлга киритиш зарур.

Учинчидан, ҳар бир корхона ва ҳар бир киши ишлаб топган сўмини кадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчиллик билан

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2013 й.даги «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни Республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги №ПҚ-1913 сонли қарори. <http://www.norma.uz/>

³⁰Постановление Президента Республики Узбекистан от 29.07.2011 г. №ПП-1590 «О мерах по дальнейшему углублению локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на основе промышленной кооперации на 2011-2013 годы». <http://www.norma.uz/>


амалга ошириш зарур. Иқтисодиётда сарфланган ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши эртанги кунга, республика истикболига хизмат қилиши керак.

Тўртинчидан, миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шarti – инфляцияга қарши узоқни кўзлаган ҳолда, пухта ўйланган сиёсат олиб боришдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиш мумкин.

Валютани тартибга солишда ўзгариб боровчи-бошқариладиган алмашув курси стратегиясининг қўлланилиши ташқи иқтисодий конъюктуранинг давлат молия тизимига салбий таъсирини бартараф этиш ва ички валюта бозорида мувозанатни таъминлаш имкониятини беради.

Шунингдек, 2017 йилда пул-кредит сиёсати “Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари” асосида амалга оширилиб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, хусусан, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Бунда, ЯИМнинг ўсиш суръатларига мувофиқ, иқтисодиётнинг пулга бўлган ошиб бораётган талабини тўлиқ қондириш ва банк тизими ликвидлилигини мақбул даражада сақлаб туриш орқали инфляция даражасини белгиланган мақсадли параметрдан оширмаслик мақсадида Марказий банк ўз тасарруфидаги пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланган.




4.1-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси³¹, фоизда

4.1.-расм маълумотларидан кўринадик, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида инфляция даражасини пасайтиришга муваффақ бўлинган. Аммо, бу истеъмол баҳолари индекси бўйича аниқланган инфляция даражаси бўлиб, ялпи ички маҳсулот дефлятори даражасидан қарийб икки баробар пастдир. Бу эса, мамлакатда баҳоларнинг умумий ўсиш даражасини юқори эканлигидан далолат беради.

³¹ Расм муаллифлар томонидан www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

Инфляцияни юзага келтирувчи омилларнинг умумий ҳажмида номонетар омилларнинг салмоғи юқори бўлганда Марказий банк инфляцияга қарши курашишда Молия вазирлиги билан келишишга мажбур бўлади. Бунинг сабаби шундаки, номонетар омиллар таркибида табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматларининг баҳоларининг ўсиши асосий ўрин тутди. Марказий банк эса, ушбу монополистик корхоналарнинг баҳо сиёсатига таъсир кўрсата олмайди.

Республикада инфляциянинг кучайишида саноат маҳсулотлари баҳоларининг ўсиши ўзига хос ўрин тутди (2.3- расм).



4.2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси динамикаси³²

4.2-расм маълумотларидан кўринадик, республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индексига асосий таъсирни ишлаб чиқариш саноати ишлаб чиқарувчилари нархлари динамикаси кўрсатади.

Республикада маҳсулотлар бўйича ўртача нархларни шакллантиришда ҳудудлар бўйича нархлар ўзгаришимухим аҳамиятга эга бўлиб, бу вариация коэффициенти орқали аниқланади. Вариация коэффициенти, умумқабул қилинган статистика амалиётида, 33,3 фоиздан зиёд бўлса, ушбу катталик учун ҳисобланган ўртача кўрсаткич репрезентатив бўлмайди.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, 2016 йилда республикада барча маҳсулотлар ва хизматлар бўйича вариация коэффициенти меъёрий даражадан паст бўлди. Бунда вариация коэффициентининг энг паст кўрсаткичлари шакар, шифер ва цемент нархлари бўйича, энг юқори кўрсаткичи эса, буёқ ва гулқоғоз, шаҳар автобус хизмати бўйича қайд этилди.

³² Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январь-декабрь. – Тошкент:ИТМ, 2017. – Б. 13.

4.2-жадвал

Йиғма истеъмол нархлари индекси ва базавий инфляция динамикаси³³

	2016 йил			
	Январь-март	Январь-июнь	Январь-сентябрь	Январь-декабрь
Тартибга солинадиган маҳсулотлар (хизматлар) нархларининг ўсиши – жами	1,3	5,9	6,0	12,8
шу жумладан:				
нархлари ҳукумат томонидан белгиланадиган	0,8	5,4	5,4	16,6
нархлари ишлаб чиқарувчилар томонидан декларация қилинадиган	1,8	6,3	6,6	9,2
Базавий инфляция, яъни нархлари ҳукумат томонидан белгиланадиган, ишлаб чиқарувчилар томонидан декларация қилинадиган товарлар (хизматлар) нархлари ўсишини ҳисобга олмаган ҳолда	2,1	2,8	2,4	6,2
Йиғма истеъмол нархлари индекси, мавсумий товарлар нархларининг пасайишини ҳисобга олмаган ҳолда	1,2	3,3	5,2	7,7

4.2-жадвал маълумотларидан кўринадиги, 2016 давомида давлат томонидан тартибга солинмайдиган товарлар ва хизматлар нархлари ўсиш суръатига нисбатан тартибга солинадиган товарлар ва хизматлар нархларининг ўсиш суръатлари юқори бўлган. Бу эса, инфляцияни юзага келтиришда номонетар омилларнинг роли катта эканлигини кўрсатади.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашда Марказий банк томонидан амалга ошириладиган монетар сиёсат муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, монетар индикаторларнинг динамикасини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

5.2. Валюта операцияларини назорат қилиш

Валюта операцияларини назорат қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

1. Мамлакат тўлов балансининг мувозанатини тиклаш мақсадида.

Тўлов балансини доимий дефицитга эга эканлиги мамлакат иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан кучли босимни юзага келтиради, инфляцияни кучайтиради. Шу сабабли, ҳукуматлар валютавий назорат

³³ Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январь-декабрь. – Тошкент:ИТМ, 2017. – Б. 11.

орқали тўлов балансини мувозанатлашган ҳолатга келтиришга ҳаракат қилишади.

2. Ички товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш.

Мамлакатда ички товар ишлаб чиқарувчиларни нотенг рақобат курашида банкрот бўлишига йўл қўймаслик мақсадида, одатда, импортни валюта назорати орқали чеклаш сиёсати қўлланилади. Бунда айрим товарларни импорт тўлови учун конверсион операцияларни амалга оширишга рухсат этилмайди.

3. Урушларга тайёргарлик кўриш.

Уруш катта ҳаражатларни талаб этади. Шу сабабли, урушга тайёрланаётган давлат валюта назоратини қўллаш орқали уруш ҳаражатларини молиялаштириш учун зарур бўлган валюта ресурсларини тўплаш имконига эга бўлади. Масалан, Германияда 1923 йилда А.Гитлер ҳокимият тепасига келгандан кейин иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик бошланди. Бу эса мамлакатдан олтин ва валюта захираларининг чиқиб кетишининг олдини олишга қаратилган валюта назорати усуллариининг жорий этилишига олиб келди.

4. Молиявий-иқтисодий инқирозлар пайтида спекулятив капиталларнинг ҳаракатини чеклаш.

Молиявий-иқтисодий инқирозлар даврида қисқа муддатли спекулятив капиталларнинг назорат қилиб бўлмайдиган ҳаракати юзага келади. Ушбу ҳаракат натижасида айрим давлатларда тўлов балансининг ҳолати кескин ёмонлашади, иккинчи гуруҳ мамлакатларда эса, валюта оқимининг кучайиши натижасида миллий валютанинг ревалюция бўлиш, фоиз ставкаларининг кўтарилиш хавфи юзага келади.

Валютавий назоратни амалга оширишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Экспортёрларнинг валюта тушумини қисман ёки тўлиқ ҳажмда мажбурий сотилади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юрутувчи субъектларнинг экспорт тушимининг 50 фоизи мажбурий тартибда тижорат банкларига сотилади. Марказлашган экспортдан олинган валюта тушими эса, тўлиқ яъни 100 фоиз Марказий банкка сотилади.

2. Импортёрларга хорижий валюталарни сотишни чеклаш.

3. Айрим товар позицияларининг импорти бўйича конверсион операцияларни чеклаш.

4. Хорижлик экспортёрларнинг товарларни сотишдан олинган валюта тушумларини қисман ёки тўлиқ “ҳибсга олиш”.

5. Миллий ва хорижий валюталарни ҳамда олтин ва бошқа нодир металларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишни чеклаш.

6. Резидентларни халқаро фонд бозорларидан қимматли қоғозлар сотиб олишини таъқиқлаш.

7. Ссуда капиталлари бозори фаолиятини назорат қилиш.

8. Давлатнинг ташқи қарзи бўйича тўловларни қисман ёки тўлиқ тўхтатиш.

1982 йилда Аргентинида ҳукумат дефолт бўлган эди. Шу сабабли давлатнинг ташқи қарзи бўйича тўловлар тўлиқ тўхтатилган эди.

Валюта чекловлари, кўпчилик мамлакатларда ташқи ҳисоб-китобларга доир операцияларнинг кенг доирасини ўз ичига олади ва улар қатъий равишда олиб борилади. Бу ҳол, валюта ресурслари етишмовчилиги ва уларни ишлатишни ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишига мувофиқ ҳолда тартибга солиш зарурияти билан боғлиқдир. 80- йиллар бошида ХВФга аъзо - 113 та мамлакатдан 95 тасида тўлов баланси жорий операциялари, 91 та мамлакатда эса - капиталлар ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича валюта чекловлари мавжуд эди.

Валюта чекловлари шакллари турли хил шаклда бўлиши мумкин. Одатда, ташқи савдода маҳсулот экспорт қилувчиларга валюта тушумининг барчаси ёки унинг бир қисмини Марказий банк ёки ваколатли банкларга расмий курс бўйича топшириш талаби кенг қўлланилади.

Валюта чекловлари қуйидагиларни назарда тутати:

- ◆ чет элга тўловларни ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, фойдани, олтинни, пул белгилари ва қимматли қоғозларни репатриация қилинишини тартибга солиш;

- ◆ давлатга мажбурий тарзда хорижий валютани топширилиши (расмий курс бўйича миллий валютага айирбошлаш эвазига).

Қуйидагилар амалиётда қўлланилади:

- ◆ импорт қилувчиларга хорижий валютани сотилишини лицензиялаш;

- ◆ валюта қимматликларини давлат идораларининг махсус рухсатномасиз олиб кирилиши ва олиб чиқиб кетилишини ман этилиши;

- ◆ жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги маблағларга эгалик қилиши ва тасарруф этишини чеклаш;

- ◆ чет элга шахсий даромадини ўтказишни тартибга солиш;

- ◆ суғурта ва бошқа тўловларни амалга ошириш;

- ◆ чет элга чиқишда миллий валютани хорижий валютага алмаштирилишини лимитлаш.

Ички айирбошланиш деганда резидентларнинг мамлакат ичкарасида хорижий валютадаги муайян активлар (масалан, банк депозитлари)ни сақлаш ва тегишли тарзда миллий валютани мамлакат ичкарасида конвертация қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган аҳвол тушунилади. Аммо, мамлакат ичкарасида валютага эга бўлиш ва уни айирбошлаш бўйича ушбу ҳуқуқ мамлакат ичкарасида валюта тўловларини амалга оширилишига рухсат берилиши, шунингдек, чет элга тўловларни ўтказилиши ёки хорижда жойлаштирилган активларга эгалик қилишни назарда тутмайди.

Очиқ валюта позициялари лимитларига риоя қилиниши устидан назорат ваколатли банклар томонидан ҳар бир иш куни якуни ҳолати бўйича жамланган ҳолда амалга оширилади.

Банклар ўзларининг филиаллари учун очиқ валюта позициялари лимитларини мустақил равишда белгилайдилар ва бу ҳақида уларга ёзма равишда маълум қиладилар. Бунда улар томонидан бўлимлар ва

филиаллар учун очик валюта позицияларига доир лимитларни улушбай тақсимлаш мазкур қоидалар билан белгиланган чекловлар доирасида амалга оширилади ва умуман олганда, ваколатли банк бўйича очик валюта позициялари лимитлари Ушбу қоидаларнинг III-бўлимида белгиланган талабларга мос келиши лозим.

Лимитларни банкнинг бўлим ва филиаллари ўртасида бир операцион иш куни давомида қайта тақсимлашга рухсат этилади.

Ваколатли банкларининг очик валюта позицияларининг назорати Марказий банк томонидан қуйидагилар асосида амалга оширилади:

ҳар бир иш куни учун очик валюта позициялари ҳақидаги ҳисобот маълумотлари;

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан ўтказилаётган текширувлар маълумотлари.

Очик валюта позициялари лимитлари бузилган тақдирда, ваколатли банк Марказий банкка йўл қўйилган бузилишлар сабабларини Ушбу бузилишларни тузатиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар рўйхати билан бирга тушунтириш тақдим этиши шарт. Йўл қўйилган тартиббузарлик сабаблари юзасидан тушунтириш тақдим этиш банкни очик валюта позициялари лимитларига риоя қилмаганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Ваколатли банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаментида очик валюта позициялари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шакл ва муддатда ўрнатилган тартибда ҳисобот тақдим этиб борадилар.

Очик валюта позициялари ҳолати тўғрисидаги ҳисобот ваколатли банк томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Ҳисоботда чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмдаги эквивалентда очик валюта позициялари (уzun ва қисқа) ва уларнинг ваколатли банкнинг регулятив капиталига бўлган фоиздаги нисбати, шунингдек, амалга оширилган мувозанатлантирувчи битимларнинг натижалари бўйича вужудга келган сўмдаги очик валюта позицияси (мувозанатлантирувчи), очик, валюта позицияларининг йиғма миқдори ҳамда уларнинг ваколатли банкнинг регулятив капиталига бўлган фоиздаги нисбати акс эттирилади.

Ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик ваколатли банклар раҳбарлари зиммаларига юкланади.

Айрим чет эл валюталари бўйича очик валюта позицияси лимити ҳамда очик валюта позицияларининг жами миқдори лимитдан ошириб юборилган ҳолларда ёки ҳисобот тақдим этилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банкларга нисбатан ўрнатилган тартибда жарима қўллаш ёки ваколатли банкнинг чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларини олти ой муддатгача чеклаб қўйиш

чораларини қўллаши, шунингдек очик валюта позициясининг якка тартибдаги лимитларини белгилаши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Валюта операциялари нима мақсадда тартибга солинади?
2. Валюта операциялари нима мақсадда назорат қилинади?
3. Валюта операцияларини тартибга солишнинг қандай усулларини биласиз?
4. Валюта операцияларини назорат қилишнинг қандай усулларини биласиз?
5. Тўлов баланси пассив бўлганда тартибга солишнинг қайси усулларидадан фойдаланилади?
6. Тўлов баланси актив бўлганда тартибга солишнинг қайси усулларидадан фойдаланилади?
7. Ўзбекистонда валютавий назоратни амалга ошириш тартиби қандай?

VI-БОБ. ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

6.1. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш асослари

Халқаро ҳисоб-китоблар — хорижий валюталардаги талаб ва мажбуриятларни амалга ошириш ва тартибга солиш тизими бўлиб, турли мамлакатларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар муносабати билан юзага келади. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари, бир томондан, тўловларни амалга ошириш тартиби ва шартларини ўз ичига олса, иккинчи томондан, тижорат банкларининг уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кундалик фаолиятини олади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас тузилмаларидан бири ҳисобланувчи банклар тизими ва халқаро муносабатлар доимо ўзоро боғлиқ шаклда ривожланиб келган. Шу билан бирга, банклар халқаро муносабатларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш, хўжалик субъектларини кредитлаш, халқаро капиталларни қайта тақсимлашда воситачи сифатида иштирок этиш, ташқи муносабатларда қатнашувчи субъектларга бошқа турли хизматлар кўрсатиш орқали меҳнат унумдорлигини ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга амалда ёрдам кўрсатадилар.

Халқаро тижорат банклари халқаро миқёсида кенг тарқалган ва ривожланган филиал тармоқларига ва банклараро вакиллик ҳисоб варақларига эга бўлиб, бу икки омил, пировард натижада, уларнинг ХИМ тизимидаги юқори даражадаги мавқеини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти ҳисобланади.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари географик йўналиши, операция турлари ва муносабатларнинг характериға кўра фарқланади.

Тижорат банкларининг ўзаро вакиллик муносабатлари географик йўналишиға кўра ички ва ташқи муносабатларға бўлинади. Ички муносабатлар деганда, бир мамлакат ичидаги тижорат банклари ўртасидаги ўрнатилган ўзаро вакиллик муносабатлари тушунилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий қисми ташқи вакиллик муносабатлари орқали амалга оширилади. Бунда тўловлар «Ностро» ва «Востро» вакиллик ҳисоб варақлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари билан бир томонлама ташқи вакиллик муносабатларига эга эканлиги халқаро операциялар кўламини кенгайтиришға салбий таъсир қилади. Масаланинг моҳияти шундаки, Республикамизнинг йирик тижорат банклари ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банкларида ўзларининг «Ностро» вакиллик ҳисоб варағига эга. Ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари эса, республикамизнинг тижорат банкларида ўзларининг «Востро» вакиллик ҳисоб варағига эга эмаслар.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари операцияларининг тури бўйича, иккиға, яъни, мижозларнинг операциялари ва банкнинг ўзини операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ

муносабатларга бўлинади. Мижозларнинг операцияларига уларга траст хизмати кўрсатиш операциялари, мижозларнинг тижорат операциялари, уларнинг мажбуриятлари бўйича тўлов топшириқномалари, чеклар, хужжатлаштирилган аккредитивлар ва инкассо воситасида тўловларни амалга ошириш операциялари, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, уларга кафолатлар бериш ва бошқа операциялар киради.

Банкларнинг ўз операцияларига хорижий валютада кредитлар бериш ва кредитлар олиш, депозитлар қабул қилиш валюталарни, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари киради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг биронтаси ҳозирги кунга қадар халқаро қимматли қоғозлар бозорининг листингига кирмаган. Бу эса, уларнинг хорижий валютадаги ёзалган қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Республикамиз тижорат банкларининг валюталарни сотиб олиш операцияларининг ривожланиш даражаси уларнинг имкониятлари даражасидан анча паст. Бу ҳолатнинг намоён бўлиш шакллари қуйидагилардан иборат:

а) Республикамиз тижорат банкларининг халқаро валюта бозорларидаги операциялари миқдори жуда кичик. Бу операциялар асосан импорт тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ.

б) Республикамиз тижорат банкларининг валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан боғлиқ муддатли операциялари мавжуд эмас.

в) Мамлакатимиз банкларида своп операциялари ривожланмаган.

Тижорат банкларининг халқаро вакиллик муносабатлари ўзаро муносабатларнинг характериға кўра, ҳисоб варағи очиш асосидаги ва ҳисоб варағи очмасдан туриб ўрнатиладиган муносабатларға бўлинади.

Кўпчилик ҳолатларда ўзаро вакиллик муносабатлари икки томонлама ёки бир томонлама ҳисоб варақлари очиш йўли билан амалга оширилади.

Айни вақтда, ҳисоб варақлари очмасдан туриб ҳам ўзаро вакиллик муносабатларини ўрнатиш мумкин. Бунда халқаро ҳисоб-китоблар учинчи банкда очилган ҳисоб варағи орқали амалга оширилади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатларини ХИМ тизимидаги ўрнини белгиловчи иккинчи асосий омил уларнинг халқаро электрон тўлов тизимиға уланиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, банк соҳасида олиб борилган ислохатлар натижасида қисқа муддатда миллий электрон тўловлар тизими жорий этилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида хўжалик субъектлари ўртасида тўловлар ўтказиш вақти кескин равишда қисқарди. Ушбу маълумотлар қуйидаги диаграммада келтирилган.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари бир қатор ўзига хос хусусиятларға эға бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Импортёрлар ва экспортёрлар, уларнинг банклари ташқи савдо шартномасиға бевосита боғлиқ бўлмаган ўзаро муносабатға киришадилар.

Мазкур ўзига хос муносабат товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, текшириш, узатиш ва тўловларни амалга ошириш натижасида юзага келади.

- Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операциялари миллий қонунчилик билан, шунингдек, халқаро қоидалар билан тартибга солинади. АҚШда ягона савдо кодекси мавжуд бўлиб, унда банкларнинг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар ўз аксини топган.

- Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб муносабатлари унификация объекти бўлиб, у хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ва банк операцияларининг универсаллашувига асосланган.

- Банкларнинг халқаро ҳисоб-китоб операцияларида икки тўлов шарти қўлланилади:

- а) Тўловлар ҳужжатларга қарши.

- б) Тўловлар акцептга қарши.

Биринчи тўлов шартида импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар берилади.

Тўловнинг иккинчи шартида импортёр томонидан вексель акцептлангандан кейингина унга ҳужжатлар берилади.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда миллий валютанинг баҳоловчи валюта вазифасини бажара олмаслиги ва ушбу мамлакатлардаги банкларнинг ривожланган хорижий давлатларнинг банклари билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга эканлиги тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг 90 фоизига яқин қисми фақат бешта валютада амалга оширилмоқда. Буларга АҚШ доллари, евро, Япония иени, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франки киради.

Мазкур валютанинг барчасини эркин сузиб юрувчи курс режимига эга эканлиги халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида валюта rischi муаммоси ва тўлов rischi муаммосини юзага келтирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тижорат банклари ХИМ тизимида муҳим ва ҳал қилувчи ролни ўйнамоқда. Уларнинг халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги бой тажрибасини илмий асосда ўрганиш республикамизнинг тижорат банклари учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини таснифлаш асослари.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операцияларини тўғри таснифлаш асосида уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси шундаки, тижорат банки учун тўлов rischi ҳар бир халқаро ҳисоб-китоб шаклида бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китоб операциялари, иқтисодий моҳиятига кўра, икки йирик гуруҳга ажратилади:

1. Соф тўловлар.

2. Ҳужжатлаштирилган тўловлар.

Бунда туркумлаш учун мезон бўлиб, тўлов шартлари ҳисобланади. Масалан, соф тўловлар учун уч тўлов шarti хос:

- а) товарлар суммасининг маълум қисмини олдиндан тўлаш;
- б) товарлар суммасини товарни қабул қилиб олгандан сўнг тўлаш;
- в) очик ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашиш.

Ушбу учала шартдан камида биттаси бажариладиган тўлов шакли соф тўлов ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киритилади.

Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда импорт суммаси товар қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади. Бунда импортёр биринчи навбатда товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни олади. Ундан кейин эса, товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар орқали товарларни портдан ёки омборхонадан олади. Импортёр товарни сифатини ҳақиқатда текширгандан кейин тўлов топшириқномаси ёзади. Демак, тижорат банки учун мазкур ҳисоб-китоб шаклида тўлов rischi мавжуд эмас. Бундан ташқари, ушбу тўлов шакли импортёр учун қулай бўлиб, экспортёрга тўлов riskини юзага келтиради. Бундай шароитда тўлов rischi муаммосининг чуқурлашиши дебитор қарздорлик суммасининг ошишига ва мамлакат экспорт тушумини камайишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, миллий валютанинг алмашув курсига ва экспортёрларнинг тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади.

Халқаро савдони молиялаштириш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳисоб-китоб муносабатларида тижорат банкларининг ордерли чекларидан кенг кўламда фойдаланилади. Республикамиз банк амалиётида эса, ҳозирги вақтда банкларнинг ордерли чеклари муомаласи мавжуд эмас.

Тижорат банкларининг ордерли чеклари билан амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоб операцияларида банк чекни мижознинг ёзма кўрсатмасига асосан ёзади. Аммо банк томонидан чек суммаси алоҳида баланс ҳисобварағида депонентланмайди. Демак, бунда банк учун тўлов rischi мавжуд эмас. Лекин, халқаро амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ордерли чекларнинг асосий қисми, импортёрларнинг жорий валюта маблағлари етмай қолган шароитда, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан тўланмоқда. Демак, ордерли чеклар тижорат банклари учун тўлов riskини юзага келтирмасада, улар учун юқори даромад олиш манбаи бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларнинг хўжалик амалиётида очик ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашишдан кенг кўламда фойдаланилади. Бунда, одатда, экспортёрнинг банкида мазкур ташқи савдо шартномасини молиялаштириш учун алоҳида баланс ҳисоб варағи очилади. Ташқи савдо шартномасида ҳар бир партия товарни жўнатиш вақти аниқ кўрсатилади. Импортёр ҳар бир партия товарнинг суммасини товар жўнатилгунга қадар экспортёрнинг банкида очилган баланс ҳисоб варағига ўтказиши лозим. Экспортёр товарни жўнатгандан сўнг, унинг банки тўлов суммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисоб варағига ўтказди.

Очиқ ҳисоб варақлари бўйича ҳисоблашишда тижорат банки учун тўлов rischi мавжуд эмас, балки экспортёр учун тўлов rischi мавжуд. Шунинг учун ҳам, мазкур тўлов шакли бир-бирини яхши биладиган, одатда, кўп йиллардан буён ҳамкорликда ишлаб келаётган корхоналар ўртасида кенг қўлланилади.

Халқаро ҳисоб – китобларни юзага келиши ва ривожланиши товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг миллий ва жаҳон миқёсида ривожланиши билан боғлиқ. Халқаро ҳисоб-китоблар товар ва хизматлар ташқи савдосидаги ҳисоблашувлар, давлатлар ўртасида кредит ва капитал ҳаракати билан операцияларни ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб-китоблар деганда турли мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида иқтисодий молиявий операциялар натижасида юзага келадиган пул мажбуриятлари ва талаблари бўйича тўловларни амалга оширилиши тушунилади. Ушбу ҳисоблашувлар бир томондан халқаро ҳужжатларга мувофиқ тўловларни ўтказишнинг умумий шартлари ва қоидаларини, иккинчидан, шу тўловларни амалга оширувчи банкларнинг кундалик фаолиятини ўз ичига олади. Халқаро муносабатларда пул тўловлари нақд пулсиз шаклда банк счетлари орқали ўтказилади. Шу туфайли халқаро ҳисоб-китобларда банкларга муҳим эътибор берилади.

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банклар ўзларининг хориждаги бўлимлари ва хорижий банклардаги корреспондентлик алоқаларидан фойдаланишади. Бунинг учун «лоро» счёти (банкдаги хорижий банкнинг счёти) ва «ностра» (банкнинг хорижий банклардаги счёти) счетлари очилади. Банклар ўртасида корреспондентлик муносабатлари келишув асосида ўрнатилиб, унда ҳисоб-китоб таркиби, комиссия миқдори, сарфланган маблағларни қоплаш усуллари белгилаб қўйилади.

Тарихан халқаро ҳисоб-китобларда дунёнинг етакчи давлатларининг миллий кредит пулларида фойдаланиб келинган. Биринчи жаҳон урушигача жаҳондаги 80% пул ҳисоблашувлари фунт стерлинг бирлигидаги ўтказма векселлар (тратта) асосида ташкил этилган. Кейинчалик унинг урушни АҚШ доллари, СДР ва ЭКЮлар халқаро пул бирликлари ва уларнинг ўрнига 1999 йилдан жорий этилган Евро эгаллади. Халқаро ҳисоблашувларда олтиннинг тўлов вазифаси сифатида иштироки юқори салмоққа эга бўлмай, фақат фавқулотда ҳолатлардагина халқаро мажбуриятларда ундан фойдаланиш кучайган. Аммо олтиндан самарали тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмаган.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати қуймдаги бир қатор омилларга боғлиқ:

- Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар
- Мамлакатдаги валюта қонунчилиги
- Халқаро савдо қоидалари
- Банклар амалиёти
- Ташқи савдо контрактлари ва кредит келишувидаги шартлар

6.2. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари

Халқаро савдо битимлари юзасидан ўтказиладиган пул ҳисоблашувлари муҳим ва мураккаб жараён ҳисобланади. Пул ҳисоб-китобларининг шакли ва шартлари тўловларни тезлиги ва тўлик амалга оширилишини кафолатлайди, пул ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суммасига таъсир этади. Шунинг учун ташқи савдо иштирокчилари тўлов шартлари бўйича олдиндан келишиб, сўнгра уни битимга киритишади.

Битимнинг валюта, молия ва тўлов шартларини ишлаб чиқишда экспорт қилувчи ва импорт қилувчи томонларнинг манфаатлари бир-бирига зид бўлади. Чунки экспорт қилувчи томон валюта тез ва тўлиқ суммада олишни кўзласа импорт қилувчилар валюта тўловларини товарни олиб уни мотишгача кечиктиришга ҳаракат қиладилар.

Хукуматлараро келишувларда ҳисоб-китобларнинг умумий тартиб – қоидалари белгиланса, ташқи савдо битимларида шартлар аниқ кўрсатилади. Уларга асосан қуйидагилар киради:

- нарх қайси валютада белгиланиши;
- нарх қайси валютада амалга оширилиши;
- тўлов шартлари;
- тўлов воситалари;
- ҳисоб-китоб шакли;
- қайси банклар ҳисоб-китобни амалга ошириши

Ушбу элементларни кўриб чиқамиз.

Нарх валютаси ва тўлов валютаси битимнинг валюта тушуми жихатдан самарадорлигини белгилайди.

Экспорт – импорт битимларининг нархи товарни етказиб берувчидан харидоргача харажатларни ўзгариши туфайли динамик ўзгариб боради.

Товар нарҳини белгилашнинг валюта усули мавжуд:

1. Битимни амал қилиши ва ижро этилиши давомида ўзгармайдиган қатъий ижро. Бу усул дунё бозорларида нарх пасайиши юз бераётган шароитларда қўлланилади.

2. Битимни имзолаш пайтида нарҳни белгилаш тамойили кўрсатилади, нарх эса битим ижроси мобайнида қўйилади. Бу усулдан нарҳлар ошиб бораётган даврда кўп фойдаланилади.

3. Битим тузиш пайтида нарх қатъий белгиланиб, унинг бозор нарҳи ўзгариши билан фарқланиш чегараси кўрсатилиб қўйилади. Масалан, битим имзоси давомида бирор нарҳларнинг 10% га ортиши билан битим нарҳи ҳам ўзгартирилиши назарда тутилади.

4. Харажатларни ўзгаришига боғлиқ равишда белгиланадиган сирпанувчи нарх. Қурилиш, буюртма бўйича дастгоҳ жихозлар тайёрлашда нарҳнинг юқоридан чегараланиши ёки айрим харажат моддалари бўйича нарх ўзгаришини ҳисобга олиш асосида амал қилади.

5. Аралаш шаклда нарх белгилаш. Нарҳнинг бир қисми қатъий белгиланса, бошқа қисми сирпанувчи усулда аниқланади.

Нарх воситаси деганда битим объекти бўлган товар нарҳининг қайси валютада белгиланиши тушунилади.

Товар валютасини белгилашда товарнинг тури ва нарх белгилаш усули катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳукуматлараро келишув ва халқаро удумлар ҳам эътиборга олинади. Баъзида товар нархи икки ёки ундан ортиқ валютада ҳамда халқаро пул бирликларида ифодаланиши мумкин.

Тўлов валютаси импорт қилувчи ёки қарздор ўз мажбуриятларини қайси валютада қоплашни ифода этади.

Валюта курслари бекарор бўлган пайтларда нархлар энг барқарор валютада аниқланиб, тўлов эса импорт қилувчининг валютасида ўрнатилади. Агар нарх валютаси тўлов валютасидан фарқ қилса, у ҳолда битимда бирини иккинчисига ўтказиш қайта ҳисоблаш курси ёрдамида амалга оширилади. Мазкур икки валютанинг бир-бирига мувофiq келмаслиги валюта курсини суғурталашнинг энг содда усули ҳисобланади. Агар нарх валютасининг курси (масалан, доллар) пасайиб кетса, тўлов валютаси (ўзбек сўми) суммаси ўз-ўзидан мос равишда камаяди ва аксинча. Нарх валютаси курсининг пасайиш rischi экспорт қилувчи зиммасида бўлса, унинг кўтарилиш rischi импорт қилувчида бўлади.

Тўлов шартлари. Ташқи иқтисодий алоқаларда тузиладиган битимларнинг муҳим элементларидан бўлган тўлов шартлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- нақд пул асосида тўлов;
- кредит бериш асосида тўлов;
- нақд пул билан тўлашни ҳам мумкин бўлган опционли кредит асосида тўлов.

Халқаро ҳисоблашувларда тўловни нақд пулда ўтказиш деганда тўловни товарларни сотиб олувчи етказиб берилгандан (жўнатгандан) сўнг ёки битимга мувофиқ товарлар жунатилганини (олинганини) тасдиқловчи ҳужжатлар қўлга тегиши билан амалга ошириш тушунилади. Замонавий шароитда товарлар тўлов ҳужжатларидан илгари харидорга етиб келиши натижасида импорт қилувчи уларни пулини тўламасдан аввал ишонч (траст) тилхати ёки банк кафолатига мувофiq олиши мумкин. Шундай қилиб, амалиётда кўпинча тўлов товарлар белгиланган манзилга етказилгандан сўнг амалга оширилади. Бундан тўловнинг товар етиб келганлигини тасдиқловчи хабарнома олингандан сўнг ўтказиладиган ҳолат мустасно. Контрагентларнинг келишувига ботлиқ равишда импорт қилувчининг тўловни белгиланган босқичларда ўтказиш анъанаси ҳам мавжуд: жўнатиш портида товарларни юклаш тугаганлигини тасдиқловчи хабар олинishi билан; товарлар ҳужжатлари тўплами (фактура, коноссамент, суғурта полиси ва бошқалар) олингандан сўнг; товарни кўрсатилган манзилга қабул қилиб олгандан сўнг. Товарнинг турига қараб ҳисоб-китобнинг аралаш усули ҳам танланиши мумкин: қисман – товар ҳужжатлари олинishi билан; тўлиқ – товарлар олингандан сўнг.

Халқаро ҳисоблашувлар савдода иштирок этаётган шерикларнинг бири-бири билан валюта айирбошлаши ва кредит муносабатлари натижасида янада мураккаблашади. Халқаро валюта – кредит ва ҳисоб-китоб операцияларининг ўзаро боғлиқлиги ҳам шунда намоён бўлади. Сотилаётган товарнинг турига

караб (масалан, машина ва хоказолар), сотувчи бозоридаги рақобатнинг кучайиши ва уларни кредит ёрдамида ўз махсулотини ўтказишга ҳаракат қилиши боис, ташқи савдо операцияларида тижорат кредитидан фойдаланиш кенгаймоқда. Тижрат кредити сотувчи томонидан товарни мотиб олувчига 5-8 йил, баъзи ҳолларда ундан ҳам узоқ муддатга берилади. Тижорат кредити ёрдамида ташқи савдо операцияларини ўтказишда импорт қилувчи олинган кредитни қоплаш учун қарз мажбуриятини оддий вексел шаклида тақдим этади ёки экспорт қилувчи томонидан чиқарилган ўтказма вексел – тратталар акцептлайди (тўловни бажаришга ёзма розилик беради).

Кўпинча баъзи экспорт қилувчилар тўловни кредит шаклида эмас, балки нақд амалга оширгани учун чегирмалар бериш ҳуқуқидан фойдаланишади. Шунинг учун импорт қилувчининг тўловни кечиктириши мазкур имтиёздан маҳрум қилади.

Хисоб-китоблар турли воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин: векселлар, тўлов топшириғи, банк ўтказмаси (почта ва телеграф орқали), чеклар, пластик акрточкалар.

Халқаро хисоб-китобнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- * тўлов топшириқномаси (банк ўтказмаси)
- * чек;
- * ҳужжатлаштирилган аккредитив;
- * инкассо.

Халқаро хисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари:

1. Импорт қилувчи ва экспорт қилувчилар, уларнинг банклари ташқи савдо битими билан боғлиқ муносабатларни урнатадилар. Бу муносабатлар асосида товарнинг ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, узатиш, қайта ишлаш, ҳамда тўловни амалга ошириш ётади.

2. Халқаро хисоб-китоб миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, бундан ташқари халқаро банк тартиб қоидалари билан тартибга солинади.

3. Халқаро хисоб-китоблар – унификациялаш объекти бўлиб, бунга ҳўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, банк операцияларининг универсаллашуви жиддий таъсир кўрсатади.

4. Халқаро хисоб-китоблар қоидага кўра ҳужжатли хусусиятга эга, яъни улар молия ва тижорат ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказма вексел, чеклар, тўлов тилхатлари киради. Тижорат ҳужжатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) счет фактура; б) товарни юкланганлиги ёки жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносментлар, темир йўл, автомобил ва ҳаво транспорти, юк хати, почта квитанцияси, аралаш ташишнинг транспорт ҳужжатлари); в) суғурта ҳужжатлари; г) бошқа ҳужжатлар – товарни ишлаб чиқишини тасдиқловчи сертификатлар, сифат сертификатлари, чегарадан ўтганлик ҳужжатлари, божхона ҳужжатлари ва бошқаллар.

5. Халқаро хисоб-китоблар турли валюталарда ўтказилади. Шунинг учун улар валюта операцияларига чамбарчас боғлиқ.

6. Мазкур хисоблашувларда қафолатлашнинг умумий қоидаларига риоя этилади. Унга мувофиқ қафолат матнида қуйидагилар бўлиши лозим:

1) кафолат берувчига ҳақ тўланмаган бўлса кафолат суммаси ундирилмайди;

2) битимнинг тавсифи;

3) претензия қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар;

4) кафолат муддати тугайдиган сана ва кафолат берган банкка бенифециар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш санаси;

5) кафолат муддати тугагандан сўнг қайтарилиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларига таъсир этувчи омиллар:

1. ташқи савдо объекти ҳисобланган товар тури

2. кредит қилишувининг мавжудлиги

3. ташқи иқтисодий алоқалар бўйича контрагентларнинг тўлов қобилияти ва обрў-эътибори

4. дунё бозорида мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф.

Битимда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари ва шакллари асосида кўрсатилиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоблар мураккаб ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган туловлар – сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул утказишлар, хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, узга давлат ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳизматда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби масалаларни ўз ичига олади.

Халқаро Савдо Палатаси томонидан қабул қилинган халқаро умумлаштирилган қоидалар халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг усутвор, бирламчи аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий шартномаларни тузишда 1980 йилда ишлаб чиқилган (Вена конвенцияси) товарларни халқаро сотиш-сотиб олиш тугрисидаги БМТ конвенцияси асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжат туловларнинг умумий шартлари ва уни амалга ошириш тартибини ўз ичига олади. Ушбу Конвенция импортернинг товар учун тулов мажбуриятини, тулов муддати ва туловни амалга ошириш жойи, товарга туловни амалга оширмаслик оқибатлари ҳар бир кечиккан даври учун фоиз ҳисобида жарима тулаб бериш, томонлар ўртасида қўрилган зарарнинг тақсимланишини қўриб чиқади.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка қўра Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар (Конвенциялар) муҳим аҳамият касб этиб, мажбурий характерга эга. Халқаро шартномаларга бўлган ушбу тавсиф Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кенг ёритиб берилган: Агарда халқаро шартномаларда амалдаги қонунчиликка нисбатан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартномаларда қайд этилган қоидалар қўлланилиши эътироф этилган. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятга оид амалиётларни бошқаришда бир кенг қамровли битимлар мавжуд. Дастлаб “Товарларни халқаро сотиш-сотиб олиш тугрисида”ги Қонун ҳамда “Товаларни халқаро сотиш-сотиб олиш шартномаларини тузиш тартиби тугрисида”ги Қонунлардан иборат қабул

килинган Гаага конвенцияси 1964 йилда қабул қилинган. Ушбу конвенцияни нисбатан кам мамлакатлар имзолагани учун амалиётда у кенг тарқалмади. Гаага конвенцияси умумий характерга эга бўлиб, унда ҳуқуқий тизим институтлар, тамойиллар қуриб чиқилган, Шунингдек янги халқаро иқтисодий тартибни урнатилган ривожланаётган давлатлар манфаатларига эътибор қаратилган. Гаага конвенцияси асосида 1980 йилда Вена конвенцияси қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси агарда шартномага қура томонларнинг бири Ўзбекистон Республикаси ҳужалик юритувчи субъекти ҳисобланса, товарларни халқаро сотиш-сотиб олиш шартномаларида давлат томонидан назорат қилинади.

Ташқи савдо шартномаларининг тулов шартлари 1994 йилда қабул қилинган ҳуқуқни унификациялаш институти (УНИДРУА)нинг ҳужжати ҳисобланган “Халқаро тижорат шартномалари тамойиллари”да кенг ёритилган.

Ташқи иқтисодий амалиёт давомида халқаро удумларга асосланади. Халқаро савдо фаолияти ҳамкорларининг узаро тушунмовчиликларига чек қўйиш мақсадида Халқаро савдо Палатаси 1953 йилда “Инкотермс” тупламини ишлаб чиқди. Вакт утиши билан ушбу тупламга узгартириш қиритилиб қайта нашрдан чиқарилди. Ушбу ҳужжат факультатив характерга эга бўлиб, айнан шу хусусиятга эга эканлигини ҳужжатнинг 22-бандид қузатиш мумкин. “Инкотермс”нинг 1990 йилдаги нашрга асосида уз фаолиятини юритиб келаётган тижоратчилар айнан ушбу ҳужжат билан уз тижорат фаолиятларини бошқаради. Базис шартларнинг ижро этилиши томондар уртасида шартномага оид ҳуқуқларнинг тенг тақсимланишини таъминлайди.

Тижорат ҳужжатларининг энг асосийси бўлиб ҳисоб-фактура ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда туланиши керак бўлган сумма, товарнинг тулик ва аниқ номи қурсатилган бўлиб, импортёрга тақдим этилади. Транспорт ҳужжатлари ҳисоб-фактура учун асос ҳисобланади. Транспорт ҳужжатларига қуйидагилар қиради:

- коносамент (денгиз ва дарё йули учун) – ушбу ҳужжат товарга эгалик қилиш ҳуқуқини беради;

- юк хати (темир йул, авто-, авианакладнойлар);

- қабул қилиш-топшириш далолатномалари;

- почта қвитанциялари;

- гувоҳномалар

Суғурта полислари ва суғурта сертификатлари юкнинг қлиб тушишини суғурталаш шартномаси мавжудлигидан гувоҳлик беради. Шартнома шартларида албатта, экспортёрнинг тақдим этадиган ҳужжатлар қуйхати қайд этилиши керак.

6.3. Халқаро ҳисоб-қитоб шаклларида фойдаланиш механизмлари

Юқорида таъқидлаганимиздек, халқаро ҳисоб-қитобларнинг 4 шакли мавжуд:

1. Тўлов топшириқномаси.

2. Чек
3. Хужжатлаштирилган аккредитив
4. Инкассо

Тўлов топшириқномасида тўлов кафолатланмаганлиги сабабли ушбу шакл халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилмайди.

Тўлоқ топшириқномаси ёки банк узатмаси воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади:


1. Экспортёр ва импорётр ўртасида ташқи савдо шартномаси имзоланади.
2. Экспортер товарларни жўнатади.
3. Экспортёр импортёрга товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни жўнатади.
4. Импортёр товар ҳужжатларини олади ва улар орқали товарларни қабул қилиб олади ва текширади. Агар товарлар шартнома шартларига мос ҳолда жўнатилган бўлса, у ҳолда импортёр ўз банкига тўлов топшириқномаси ёзади.
5. Импортёрнинг банки тўлов топшириқномасига асосан тўловни амалга оширади.
6. Импортёрнинг банки экспортёрнинг банкини тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.
7. Экспортёрнинг банки экспорт тушумини экспортёрнинг жорий ҳисобрақамига ўтказиши.
8. Экспортёрнинг банки экспортёрга жорий ҳисобрақамидан кўчирма беради.

Халқаро савдо амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ва ҳужжатли инкассо воситасидаги ҳисоб-китобларнинг салмоғи бошқа ҳисоб-китоб шакллариغا нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бунинг асосий сабабибўлиб, аккредитивларда тўловнинг кафолатланганлиги ва ҳужжатли инкассода товар ҳужжатларини тўлов амалга оширилгандан сўнг берилишидир. Ушбу тўлов шarti импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга ундайди.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивда ҳам, ҳужжатли инкассода ҳам тўловнинг “ҳужжатлар тўловга қарши” шarti қўлланилади.

Мамлакатимиз хўжалик ва банк амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг соф инкассо шакли мавжуд эмас. Ушбу шаклнинг мавжуд эмаслиги республикамызда тижорат векселлари муомаласининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Республикамызда банклари томонидан импорт тўлови бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми таъминланган аккредитивларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда аккредитив суммаси миқдорнинг жорий ҳисобрақамидан олиниб, Алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади. Бунинг натижасида хўжалик субъектларига тегишли пул маблағларининг маълум қисми уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолмоқда.



6.1-расм. Таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бу ерда:


- 1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;
- 2-импортёр ўзининг банкига ҳужжатлаштирилган аккредитив очиш тўғрисида ариза беради;
- 3-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкига, аккредитив очилганлиги тўғрисида хабардор қилиш учун, аккредитив телеграммасини жўнатади;
- 4-экспортёрнинг банки экспортёрни аккредитив очилганлигидан хабардор қилади;
- 5-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;
- 6-экспортёр товарлар билан боғлиқ барча ҳужжатларни ўзининг банкига жўнатади;
- 7-экспортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрнинг банкига жўнатиш учун қабул қилиб олади;
- 8- экспортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрнинг банкига тўлов учун жўнатади;
- 9-импортёрнинг банки аккредитив сўммасини депонентланган маблағ ҳисобидан тўлаб беради;
- 10-импортёрнинг банки ҳужжатларни импортёрга беради;
- 11-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкни 10-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;
- 12-экспортёрнинг банки аккредитив сўммасини экспортёрнинг жорий ҳисобрақамига ўтказди;

13-экспортёрнинг банки экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма беради.

Юкоридаги шаклдан куринадики, ҳужжатлаштирилган аккредитивларда товарлар билан боглик ҳужжатлар импортёрга фақат тулов амалга оширилгандан кейин берилади. Бундан ташқари, импортёрнинг банки тулов учун кафил ҳисобланади. Шу сабабли, таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар экспортёрлар учун халқаро ҳисоб-китобларнинг кулай шакли ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда халқаро ҳисоб-китобларнинг таъминланган аккредитив шаклидан кенг фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, ушбу давлатлар халқаро Базел қўмитасининг экспертлари ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори рискли зона сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, ушбу мамлакатлар билан бўладиган халқаро иқтисодий муносабатларда улар тўловлар кафолатланган ва тўлов кафолатини таъминлаш имконияти юқори бўлган халқаро ҳисоб-китоб шакллари кўллайдилар. Ҳужжатли аккредитив халқаро ҳисоб-китобларнинг ана шундай хусусиятларга эга бўлган шакли ҳисобланади.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланганлик шаклида тўлов сўммаси алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади ёки олдиндан экспортёрнинг банкига етказиб берилади. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида эса, ҳужжатли аккредитивларнинг таъминланмаганлик шаклидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Бунда аккредитив сўммаси алоҳида баланс ҳисобрақамидан депонент қилинмайди, тўлов учун кафилликни эса, импортёрнинг банки ўз зиммасига олади.



6.2-расм. Ҳужжатли инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби


Бу ерда:

- 1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;
- 2-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;
- 3-экспортёр товарлар билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни импортёрга жўнатади;
- 4-экспортёрнинг банки товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни қабул қилиб олади;
- 5-экспортёрнинг банки товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни импортёрнинг банкига жўнатади;
- 6-импортёрнинг банки ҳужжатларни инкассога қабул қилади;
- 7-импортёрнинг банки ҳужжатларни келиб тушганлиги тўғрисида импортёрга хабар беради;
- 8-импортёр тўловни амалга ошириш учун тўлов топшириқномаси ёзади;
- 9-импортёрнинг банки мижознинг тўлов топшириқномасига асосан тўловни амалга оширади;
- 10-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкини 9-операция бажарилганлиги тўғрисида хабардор қилади;
- 11-экспортёрнинг банки тўлов сўммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисобрақамига ўтказди;
- 12-экспортёрнинг банки экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма беради.

6.2-расмдан кўринадики, ҳужжатли инкассода банк товарларнинг ҳужжатларини импортёр тўловни амалга оширгандан кейингина унга беради. Бу эса, импортёрни тўловни ўз вақтида амалга оширишга мажбур қилади. Чунки тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, импортёр ҳужжатларни ола олмайди. Демак, у товарларни омборхонадан ёки темир йўл бекатидан олиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг натижасида товарларни бу жойлардан олиб чиқиб кетиш кечикади ва пировард натижада импортёр катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади. Чунки Божхона қўмитасига тегишли омборхоналар товарлар сақланган ҳар бир кун учун катта миқдорда ҳақ олади, темир йўл бекатларининг жарима ставкаси ҳам сезиларли даражада юқоридир.

Инкассонинг икки тури мавжуд бўлиб, улар соф инкассо ва ҳужжатли инкассо. Соф инкассода фақат тўлов ҳужжатлари инкассога қабул қилинади. Ҳужжатли инкассода эса, фақат тижорат ҳужжатлари ёки тижорат ҳужжатлари тўлов ҳужжатлари билан биргаликда инкассога қабул қилинади.

Купчилик ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида, экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш жараёнида, тижорат банкларининг ордерли чекларидан фойдаланилмайди. Бу эса, халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.



6.3-расм. Банкларнинг ордерли чеклари воситасидаги халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

Бу ерда:

- 1-ташқи савдо шартномасини имзолаш;
- 2-импортёр ўзининг банкига чек ёзиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради;
- 3-импортёрнинг банки ордерли чекни ёзади;
- 4-банк чекни импортёрга беради;
- 5-экспортёр товарларни импортёрга жўнатади;
- 6-экспортёр товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни импортёрга жўнатади;
- 7-импортёр чекни экспортёрга узатади;
- 8-экспортёр чекни ўзининг банкига узатади;
- 9-экспортёрнинг банки чекни қабул қилиб олади;
- 10-экспортёрнинг банки чекни импортёрнинг банкига жўнатади;
- 11-импортёрнинг банки чек бўйича тўловни амалга оширади;
- 12-импортёрнинг банки экспортёрнинг банкни 11-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;
- 13-экспортёрнинг банки тўлов сўммасини экспортёрнинг жорий валюта ҳисобрақамига ўтказиши;
- 14-экспортёрнинг жорий ҳисобрақамидан кўчирма бериш.

Ривожланган хорижий давлатларнинг амалиётида банкларнинг ордерли чекларидан экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш жараёнида кенг қўламда фойдаланилади.

Банкларнинг ордерли чекларининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, уларни индоссамент воситасида учинчи шахсга узатиш мумкин. Демак, ордерли чеклар воситасида корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорликни кескин қисқартириш мумкин.

Соф инкассонинг мавжуд эмаслиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилади. Чунки тижорат векселлари индоссамент орқали бошқа субъектларга узатилиши натижасида, биринчидан, нақд пулсиз тўловлар ҳажмини оширади, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини қисқартириш имконини беради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов талабномаси шакли бозор иқтисодиёти муносабатларининг табиатига мос келмайди. Бунинг сабаби шундаки, тўлов талабномаси орқали тўлови ундирилмасдан жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг суммалари тўланади. Аслида тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланиши ва унга маълум фоизда қўшимча тўлов тўланиши керак. Ёки тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар суммасига тижорат вексели ёзилиши керак. Республикамиз амалиётида эса, тўлови ундирилмасдан сотилган товарлар кредитга сотилган деб ҳисобланмайди.

Тўлов талабномасидан фойдаланиш борасидаги долзарб муаммолардан бири тўловни солиштириш далолатномаси асосида ўз вақтида ундириш муаммоси ҳисобланади. Муаммонинг моҳияти шундаки, айрим фермер хўжайнаклари хусусий фирмалардан товарлар сотиб олганлар. Тўловни ундиришда ушбу фирмаларнинг кўпчилигини ёпилиб кетганлиги қийинчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз амалиётида тўловларни амалга оширишнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда. Ушбу кетма-кетликда тўловларни ундиришда устуворлик Давлат бюджети олдидаги қарздорликни тўлашга қаратилади. Бунда солиқ тўловларини кейинги даврлар учун ундирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимиغا нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро ҳисоб-китоблар нима?
2. Халқаро ҳисоб-китобларнинг қандай шартлари мавжуд?
3. Тўлов топшириқномаларининг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
4. Чекларнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
5. Аккредитивнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
6. Инкассонинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжуд?
7. Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қандай шакллари бор?
8. Хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қандай турлари бор?

Тест саволлари

1. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ХВФ Низомининг VIII-моддаси бўйича мажбуриятлар қачон қабул қилинган:

- A. 2007 йил, июль
- B. 1993 йил, май
- C. 2003 йил, декабрь
- D. 2003 йил, октябрь

2. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ХВФ Низомининг VIII-моддасининг нечта бўлими бўйича мажбуриятлар қабул қилинган?

- A. 5
- B. 3
- C. 7
- D. 10

3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

- A. 1995 йил, декабрь
- B. 1993 йил, май
- C. 1996 йил, апрель
- D. 2003 йил, декабрь

4. Хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар ва удуллар қачон ишлаб чиқилган?

- A. 1930 йил
- B. 1934 йил
- C. 1956 йил
- D. 1970 йил

5. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қачон янги таҳрирда қабул қилинган?

- A. 1993 йил, май
- B. 1995 йил, декабрь
- C. 1996 йил, апрель
- D. 2003 йил, декабрь

6. Варрант нима?

- A. Юк хати
- B. Инвойс
- C. Суғурта полиси
- D. Дарё коносаменти

7. Қуйидаги валюталардан қайси бири “халқаро резерв валюта” мақомига эга эмас?

- A. Япония иени
- B. АҚШ доллари
- C. Евро
- D. Швейтсария франки

8. Егри котировкага эга бўлган валютани кўрсатинг.

- A. Евро
- B. Канада доллари
- C. Фунт стерлинг
- D. Япония иени

9. Қуйидаги валюта оператсияларидан қайси бири банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақаи қолдиғининг камайишига сабаб бўлади?

- A. Импортни тўлаш
- B. Маҳсулотларни экспорт қилиш
- C. Банклараро депозит жойлаштириш
- D. Банклараро кредит олиш

10. Банклараро вакиллик муносабатлари ўрнатишнинг нечанчи босқичида махфий кодлар ўзаро алмашинади?

- A. 2
- B. 1
- C. 4
- D. 3

11. Қуйидаги операцияларнинг қайси бирида Ўзбекистон банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақаи кредитланади?

- A. Маҳсулотларни экспорт қилиш
- B. Импортни тўлаш
- C. Банклараро кредит олиш
- D. Пул ўтказмаларини қабул қилиш

12. Валюта битими тузилгандан кейин икки иш куни мобайнида амалга ошириладиган валюта оператсиясини кўрсатинг.

- A. Валюта опцион
- B. Форвард
- C. Спот
- D. Валюта фьючерс

13. Конверсион оператсияларда АҚШ долларининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

- A. 2
- B. 1
- C. 4
- D. 3

14. Конверсион оператсияларда эвронинг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

- A. 3
- B. 1
- C. 2
- D. 4

15. Конверсион оператсияларда Япония иенининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

- A. 3
- B. 1
- C. 2
- D. 4

16. Конверсион оператсияларда Ўзбек сўмининг спот курси вергулдан кейин нечта рақамгача аниқликда котировка қилинади?

- A. 1
- B. 2
- C. 3
- D. 4

17. Валюталаштириш санаси нима?
- A. Спот битими тузилган кун
 - B. Спот оператсиясини амалга оширишнинг сўнгги куни
 - C. Форвард битими тузилган кун
 - D. Муддатли валюта шартномалари қайта баҳоланадиган кун
18. Валюталарни сотиш ва сотиб олиш курси ўртасидаги фарқ нима деб аталади?
- A. Маржа
 - B. Спред
 - C. Арбитраж
 - D. Сенораж
19. Форвард курси билан спот курси ўртасидаги фарқ даражаси қайси омилга боғлиқ?
- A. Олди-сотди қилинаётган
 - B. Форвард шартномасининг муддатига
 - C. Фоиз ставкалари ўртасидаги фарққа валюта турига
 - D. Битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкасига
20. Пипс нима?
- A. Форвард курси ва спот курси ўртасидаги фарқ
 - B. Устама ва дисконтнинг ўлчов бирлиги
 - C. Битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси
 - D. Баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси
21. Валюта оператсияларининг қайси бири валюта захираларини валюта risksидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини беради?
- A. Валюта опционни
 - B. Форвард
 - C. Спот
 - D. Валюта фьючерси
22. Муддати тугамаган форвард шартномаларидан кўрилган зарарлар нима деб аталади?
- A. Жорий зарар
 - B. Келгуси давр харажатлари
 - C. Реализатсия қилинмаган зарар
 - D. Реализатсия қилинган зарар
23. Реализатсия қилинмаган зарарлар нечта ҳолатти тижорат банкининг балансидан чиқарилади?
- A. 1
 - B. 2
 - C. 3
 - D. 4
24. Қуйидаги валюта оператсияларининг қайси бирида реализатсия қилинмаган фойда юзага келмайди?
- A. Валюта опционни
 - B. Форвард
 - C. Спот
 - D. Валюта фьючерси
25. Бир йилгача бўлган стандарт муддатларга тузиладиган валюта битимини кўрсатинг.

- A. Валюта фьючерси
 - B. Спот
 - C. Валюта опțiuni
 - D. Форвард
26. Тижорат банклари форвард оператсияларидан неча хил усулда даромад олади?
- A. 3
 - B. 1
 - C. 2
 - D. 4
27. Валюта опțiuniонининг неча хил стандарти мавжуд?
- A. 4
 - B. 1
 - C. 3
 - D. 2
28. Опțiuniоннинг ички қиймати-бу:
- A. Колл опțiuniон ва пут опțiuniон баҳолари ўртасидаги фарқ
 - B. Битим валютасидаги кредитнинг баҳоси билан баҳоловчи валютадаги депозитнинг баҳоси ўртасидаги фарқ
 - C. Базавий активнинг бозор баҳоси билан опțiuniоннинг ижро баҳоси ўртасидаги фарқ
 - D. Опțiuniоннинг вақтинчалик қиймати
29. Валюта опțiuniонининг неча тури мавжуд?
- A. 2
 - B. 6
 - C. 4
 - D. 6
30. Валюта опțiuniонларини баҳолашининг Гарман-Колхаген моделида неча омил ҳисобга олинган?
- A. 5
 - B. 3
 - C. 7
 - D. 9
31. Вертикал спред нима?
- A. Бир хил ижро баҳосига эга бўлган, аммо муддати турли вақтда тугайдиган икки опțiuniон
 - B. Муддати бир вақтда тугайдиган икки опțiuniон
 - C. Сотиб олинadиган опțiuniонлар сони сотиладиган опțiuniонлар сонидан фарқ қилади
 - D. Колл опțiuniон ва пут опțiuniон баҳолари ўртасидаги фарқ
32. Горизонтал спред нима?
- A. Колл опțiuniон ва пут опțiuniон баҳолари ўртасидаги фарқ
 - B. Муддати бир вақтда тугайдиган икки опțiuniон
 - C. Сотиб олинadиган опțiuniонлар сони сотиладиган опțiuniонлар сонидан фарқ қилади
 - D. Бир хил ижро баҳосига эга бўлган, аммо муддати турли вақтда тугайдиган икки опțiuniон

33. Спреднинг қайси тури вертикал ва горизонтал спредларнинг уйғунлигидан ташкил топган?

- A. Комбинатсион спред
- B. Пропорционал спред
- C. Диагонал спред
- D. Календарли спред

34. Қуйидаги валюта битимларидан қайси бири стандарт муддатли биржа битими ҳисобланади?

- A. Валюта оптсиони
- B. Валюта фьючерси
- C. Форвард
- D. Своп

35. Қайси валюта битимида ҳисоб-китоблар бир йилда тўрт марта, яъни март, июн, сентябр ва декабрьда ўтказилади?

- A. Своп
- B. Валюта оптсиони
- C. Форвард
- D. Валюта фьючерси

36. Фьючерс шартномасининг муддати:

- A. 1 йилдан 3 йилгача
- B. 1 ойдан 3 ойгача
- C. 3 ойдан 1 йилгача
- D. 3 йилдан ортиқ

37. Қуйидаги валюта оператсияларининг қайси бирида депозитли маржа қўлланилади?

- A. Валюта оптсиони
- B. Валюта фьючерси
- C. Форвард
- D. Своп

38. Депозитли маржа базавий активнинг жорий бозор қийматининг неча фоизини ташкил этади?

- A. 10-15%
- B. 1-2%
- C. 2-10%
- D. 15 фоиздан юқори

39. Қуйидаги валюта битимларининг қайси бирида вариатсион маржа қўлланилади?

- A. Валюта оптсиони
- B. Валюта фьючерси
- C. Форвард
- D. Своп

40. Фьючерс шартномаларини хеджирлаш коеффитсиенти нечага тенг?

- A. 0,50
- B. 0,25
- C. 1,0
- D. 0,75

41. Фьючерс шартномаларининг эвро индекси қачон жорий қилинган?

- A. 2002 й.

- B. 1999 й.
- C. 2006 й.
- D. 2003 й.

42. ФИНЕКС фьючерс шартномалари ҳажми фьючерс шартномаларининг доллар индексининг неча маротабасига тенг?

- A. 500
- B. 200
- C. 1000
- D. 700

43. Фьючерс шартномаларининг доллар индексини ҳисоблашда неча банкнинг маълумотларидан фойдаланилади?

- A. 100
- B. 500
- C. 700
- D. 1000

44. Спот ва форвард битимлари комбинатсиясига асосланган валюта битимини кўрсатинг.

- A. Оптсион
- B. Фьючерс
- C. Своп
- D. Арбитраж

45. Стандарт своп нима?

- A. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- B. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- C. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- D. Свопдаги ҳар икки оператсия битта банк билан амалга оширилади

46. Бир кунлик своп нима?

- A. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- B. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- C. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- D. Свопдаги ҳар икки оператсия битта банк билан амалга оширилади

47. Форвардли своп нима?

- A. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард
- B. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- C. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- D. Свопдаги ҳар икки оператсия битта банк билан ўтказилади

48. Соф своп нима?

- A. Битимнинг ҳар иккала санаси спот санасига тўғри келади
- B. Икки “аутрайт” битими уйғунлашган своп
- C. Свопдаги ҳар икки оператсия битта банк билан амалга оширилади
- D. Яқин валюталаштириш санаси –спот, узоғи-форвард

49. Стандарт валюта-фоизли своп неча турдаги пул оқимини ўз ичга олади?

- A. 2
- B. 3
- C. 5
- D. 7

50. Қуйидаги валюта оператсияларидан қайси бири тижорат банкига юқори даромад келтирмайди?

- A. Форвард
 - B. Валюта опциони
 - C. Своп
 - D. Валюта фьючерси
51. Дисконт сиёсати нима?
- A. Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш
 - B. Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш
 - C. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартиришга асосланган сиёсат
 - D. Марказий банк томонидан ҳукуматнинг ташқиқ арзига хизмат кўрсатиш сиёсати
52. Валюта интервенцияси нима?
- A. Марказий банк томонидан ҳукуматнинг ташқиқ арзига хизмат кўрсатиш сиёсати
 - B. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартиришга асосланган сиёсат
 - C. Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш
 - D. Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш
53. Марказий банкнинг ломбард сиёсати-бу:
- A. Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартиришга асосланган сиёсат
 - B. Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиб олиш ёки сотиш
 - C. Марказий банк томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш
 - D. Марказий банк томонидан ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш сиёсати
54. Валюта захираларини диверсификатсия қилиш:
- A. Валюталарни турли тармоқларга жойлаштириш
 - B. Бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий валюталарда захиралар ташкил қилиш
 - C. Валюта захираларини “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида минимал бўлишини таъминлаш
 - D. Фақат барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш
55. Марказий банкнинг дисконт ставкасига таъсир кўрсатувчи омилни кўрсатинг.
- A. Миллий валютанинг номинал алмашув курси
 - B. Ломбард ставкасининг даражаси
 - C. Валюта захираларининг диверсификатсия даражаси
 - D. Инфляция даражаси
56. Валюта интервенцияси нима мақсадда ўтказилади?
- A. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида
 - B. Миллий валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида
 - C. Миллий валютанинг реал алмашув курсига таъсир этиш мақсадида
 - D. Миллий валютанинг номинал алмашув курси ва паритети ўртасида юзага келган фарқни йўқотиш мақсадида
57. Дефляциянинг мақсадини кўрсатинг.
- A. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида
 - B. Миллий валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бериш мақсадида
 - C. Миллий валютанинг номинал алмашув курси ва паритети ўртасида юзага келган фарқни йўқотиш
 - D. Миллий валютанинг реал алмашув курсига таъсир этиш мақсадида
58. Қуйидаги тадбирлардан қайси бири экспортни рағбатлантиради?

- A. Ревалватсия
 - B. Девалватсия
 - C. Нуллификатсия
 - D. Дефлятсия
59. Қуйидаги тадбирлардан қайси бири импортни рағбатлантиради?
- A. Дефлятсия
 - B. Девалватсия
 - C. Нуллификатсия
 - D. Ревалватсия
60. Нуллификатсия нима?
